


ДЕЙЛ КАРНЕГИ



БЕТАШВИШ
ЯШАШ СИРИ

ДЕЙЛ КАРНЕГИ

БЕТАШВИШ
ЯШАШ СИРИ

(Кайта нашр)

ТОШКЕНТ

«DAVR PRESS» НМУ

2016

88,53

К246

ПІЕНФА / КІЙЕД

Бошта түшгән фожиадан ёки ҳаётда учраёттан мұаммолардан бәзовта юриш ташвишни ортираса орттиради, асло уни бартараф этишта хизмат қылмайды. Шу пайтда құлнингиздаги китоб воситасида ёрдамға келган Дейл Карнеги: “Дардингни олай, бирордар, үтмишни үйлама, чунки у үтиб бұлған, келажақдан ташвишланишини бас қыл, ҳалы у етиб келмади. Сен яхшиси бугуннинг билан яша!” деб руҳнингизга күтариңкілік багишлайды.

Хуллас, у сизни қийин вазиятларда ҳам унга қарши чора-тадбир борлығига ишонтиради.

Дейл Карнеги китоби билан дүст тутининг, зеро бу дүстлик мұаммоларингизни бартараф этиб, ҳаётда фаровон яшашынгизга күмаклашади.

Ушбу китоб кеңг омма учун мүлжамланған.

Рус тилидан Амир ФАЙЗУЛЛА таржимаси.

Барча ұқықтар амалдаги қонунаарға асосан ұмояланған.

«DAVR PRESS» нашриёт-матбаа үйининг ёзма рухсатисиз ушбу нашрни қисман ёки тұлиқ ҳолда бошқа оммавий ахборот воситаларида электрон ёки механик куринища күчириб босиши, магнит ташувчи воситаларда тарқатиш қатъий тақиқланади.

ISBN 978-9943-4312-4-9

© «DAVR PRESS» НМУ, 2016

Биринчи қисм

ТАШВИШ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛИШ КЕРАК?

Биринчи боб

СЕҲРЛИ ЙИГИРМА ИККИТА СЎЗ!

1871 йил баҳорида бир йигит қулига китоб олиб, ўзининг ҳаётига чуқур таъсир қилган йигирма иккита сўзни ўқиди. Бу Монреаль шаҳар касалхонасида тиббиёт амалиётини ўгаётган талаба эди. Унинг ташвишланиши учун сабаб кўп: битирув имтиҳони олдидаги ҳаяжон, кейин нима қилиши кераклигини ўйлаб, қаерга бош уриб бориш, ўзининг тиббий билимидан қандай фойдаланиш, қандай тирикчилик қилиш — ҳаммаси бир дунё ташвиш бўлиб бошида турарди.

Аммо 1871 йилда ўқиган йигирма иккита сўз унинг жонига оро кирди ва замонасининг машҳур терапевт врачи бўлиб етишди. Бутун дунёга машҳур Жон Хопкинс тиббиёт мактабини ташкил этди. Британия империяси шифокорга бериши мумкин бўлган энг олий унвонга сазовор бўлди ва Оксфорддаги тиббиётнинг қироллик профессори унвонига муносиб кўрилди. Англия қиролининг ўзи унга дворянлик унвонини берди. Унинг наимидан кейин у ҳақидаги ҳажми 1466 бетдан иборат иккича жилдлик мемуар асар ёзилди. **VA SERVIS INSTITUTU**

Унинг исми сэр Уильям Ослер эди. 1871 йил баҳорида у ўқишга мушарраф бўлган сўзларни Томас Карлейл ёзган бўлиб, улар кўпчиликни ташвишлардан фориг этиб, умрини исроф қиласдан яшашга ёрдам берганди. Мана уша сўзлар: “Айни вақтда иложи бўлган ва яққол кўриниб турган ишни қилинг. Бизнинг вазифамиз шундан иборат. Келажаги номаълум бўлган мавҳум нарсани кўришга беҳуда уринманг”.

Кирқ икки йилдан кейин баҳорнинг илиқ оқшомида, университет шаҳарчасидаги лолалар чўгдай товланиб турған чаманзорда сэр Уильям Ослер Йэль университети талабалари ҳузурида нутқ сўзлади: “Мен тўртта университет профессори ва оммабоп китоблар муаллифиман. Мени алоҳида хислатли закога эга бўлса керак деб ҳисоблайдилар. Аммо бундай эмас..” Унинг сўзига кўра дўстлари уни ақлий қобилияти жуда чекланган деб билишар экан. Ундан бўлса муваффақиятлари сабаби нимада? Профессорнинг айтишича, бу мартабага “бугунги кун бўлмаси”да яшагани шарофати билан эришган. Бунда у шимами назарда тутган? Шу нутқидан бир неча ой олдин сэр Уильям Ослер катта кемада Атлантика океанини кесиб ўтгаиди. Шу кема дарғаси супачада турғанча тутмачани босиши ва шу заҳоти механизmlар шовқини қулоққа чалингач, кеманинг турли қисмлари бир-биридан ажralиб, сувўтmas бўлмаларга тарқалиб кетиши мумкин эди.

“Ҳарбирингиз, – деган эди доктор Ослер талабаларга, – уз ҳолингизча бу улкан кемадан кўра янада мукаммалроқ механизмсиз, сизнинг саёҳатингиз кеманикидан анча узоқроқ бўлади. “Бугунги кун бўлмасида яшаш” учун сизни мана шу механизмни ана шундай бошқаришни ўрганишингизга астойдил даъват этаман. Дарга супачасидаги ўз ўрнингизни эгалланг ва ҳеч бўлмаса, асосий қисмлар жойида эканлигини текшириб кўринг. Ҳаёт йўлингизнинг

ҳар бир босқында тутмачани босинг ва темир эшик ўтмишиңизни, сиз яшамаган ҳар бир кунни бугундан ажратиб қўяёттанини ҳис қилинг. Яна бир тутмачани босинг ва хаёлий парда ҳали сиз кўрмаган келажагингизни яшириб қўяди. Шунда бугунги кунингизга ҳеч нарса таҳдид солмайди! Ўтмиши ўзингиздан ажратинг! Ўлик ўтмиш кунлар ўз мурдаларини дағи этсин... Нодонларга қабр йўлини ёритган ўтмиш кунлардан ўзингизни панага олинг... Ҳатто энг сербардош одамлар ҳам ўтмиш ва келажакнинг оғир юкни елкасида кўтариб юролмайди. Келажакни мана шундай ўтиб бўлмас тўсиқ билан ажратиб қўйинг. Келажак — сизнинг бугунингиз. Эртага йўқ нарса. Инсон ўзини ҳозир қутқаради. Келажак борасида ташвишланган одам ўз қуввати, туйгу ва осойишталигини беҳуда зое этишга маҳқумдир... Ӯшанда барча кема бўлмаларини ҳаво ўтказмайдиган қилиб ёпинг, ҳа, ёпинг ва ўзингизда “бугунги кун бўлмасида яшаш” одатини шакллантиринг!"

Наҳотки доктор Ослер келажакка тайёрланиш учун саъй-ҳаракат қилиш керак эмас, демоқчи бўлса? Йўқ, зинҳор ундай эмас. Аммо ўз шутқида эртанги кунга тайёргарлик кўришнинг энг яхши йўли — ақлу заковат ва бор иштиёқ билан бугунги кун зиммасида турган ишни астойдил адо этишдан иборатлигини таъкидлаган эди.

Сэр Уильям Ослер талабаларни кунни Худога: “Ризқ-рўзимизга ўзинг барака бергин!” деган дуо билан бошлишга чақирар эди. Шуни унумтмангки, дуода гап фақат бугунги ризқ-рўз ҳақида кетмоқда. У ерда кечаги қотган ноңдан шикоят қилиш йўқ, зеро у ерда “Э Худо, бу йил ёз иссиқ келди, бугдой илдизигача қуриб кетди. Келаси йил ҳам шундай қургоқчилик бўлса, унда нима қиласиз? Келаси ҳосилга доини қаердан оламиз? Ёки фараз қилайлик, мен ишимдан айрилдим, эй Худо, нон сотиб олиш

учун ишлашим керак, энди қаердан иш топаман?" дегаң сұзлар йүк.

Дуо замирида фақат бугунги кун иони ҳақидаги илтижо бор.

Күп йиллар муқаддам бир тиләнчи файласуғ мамлакат бүйлаб дайдіб юаркан, тошлоқ ва ҳосилисиз ерда одамлар қора терга ботиб үзиге ризқ топаёттаници күради. Бир куни у тепалик устига чиқиб, халқ олдида нутқ қилади. Ҳозирда энг күп иқтиbosни шу нутқдан олишмоқда. Бу нутқда күп асрлы ҳикмат мужассамланған бир ибора бор: "Эртанги кунни үйламанг, зеро эртанги кун ташвишини эртанги кун тортади — ҳар куннинг ташвиши үзиге етарли".

Күплар бу сұзлардаги ҳикматни тан олмай келмоқда. "Эртанги кунни үйламанг!.." Уни шарқона мутасаввуфлик ҳодисаси деб ҳисоблаб, инсон үзини баркамоллаштириши учун бу маслаҳатдаги ҳикматни никор этади. Улар: "Мен эртанги кун ҳақида ташвиш чекишим, кексаликка пул йигиб қўйишим, касбимни ривожлантириш чорасици кўришим керак!" дейди.

Бўлмасам-чи, сиз шундай қилишингиз керак. Гап шундаки, таржимасига уч юз йилдан кўпроқ вақт бўлган бу Исо сұzlари шоҳ Иаков замонидаги маъносидан кўра бугун бошқача мазмун касб этади. Уч юз йил аввал "гам чекмоқ" сўзи "ташвиш тортмоқ" деган маънони англаттан. Инжилнинг ҳозирги даврдаги талқини аниқроқ таржимани беради: "Шундай қилиб, эртанги кундан ташвиш тортманг".

Эртанги кун ҳақида ўйлаш, қунт билан режа тузиши ва тайёргарлик кўриш шартлиги үз-үзидан аён. Аммо булар барчасини амалда қилар экансиз, ташвиш чекмаслигиниз керак.

Уруш вақтида саркардалар эртанги кунга режа тузишган. Аммо улар үзларини ташвишига ботириб қўймаган.

“Менда яхши одамлар бор ва улар яхши техника билан таъминланган, – деган эди АҚШ ҳарбий-дениз флоти құмандони адмирал Кинг. – Мен аъло даражада тайёрланған операция режасини бердим. Қулимдан келған бор-йүқ иш — шу. Борди-ю, кема чүктириб юборилса, мен уни денгиз тубидан чиқармайман. Борди-ю, уни чүктириб юборишмоқчи бұлишса, буннинг олдини олишдан ожизман. Кече бұлиб үттан нарсадан ташвиш тортиб үтиришдан күра әртәнги күн муаммоларини ҳал этиш устида ишилар эканман, ўз вақтимдан янада самаралироқ фойдаланаман. Бундан ташқари, агар үзимни изтиробларга құмиб юборсам, узоққа бормайман”.

Уруш вақтида ҳам, тинчлик вақтида ҳам тафаккурнинг түгри ва нотүгри үсуллари үртасидаги фарқ қуидагидан иборат: түгри фикрлаш воқеалар сабаби ва натижаси билан bogliq, у мантиқий ва амалий режалаштиришга олиб келади; нотүгри фикрлаш эса күпинча асабий зуриқишиш ва узилиш келтириб чиқаради.

Яқында мен жақондаги энг машхур “Нью-Йорк Таймс” газетаси ношири Артур Хейс Зальцбергер билан суҳбатлашиш шарафига мұяссар бұлдым. Мистер Зальцбергер менің Европада Бириңчи жақон уруши бошланғанда азбаройи ҳаяжонланғанидан келажак ҳақида ташвиш торттанини, қарийб ухлай олмаганини сұзлаб берди. У дам-бадам ярим тунда каравотдан сакраб туриб кетар, мато ва бүёқларни құлға олар, күзгуга қарар ва үзини тасвирлашға ҳаракат қиласа экан. У мұтлақо расм чиза олмасди, аммо шундай бұлса ҳам безовталиқдан қутулиш учун расм чизаркан. Мистер Зальцбергернинг мента айтишига қараганда, у ташвишини енга олмаган, “бир одам учун ҳам мұкофот” черков маджиясидаги сұзларни үзиге шиор қилиб олмайдынча рухи ором тоғмаган экан.

Тахминан шу вақтларда ҳарбий либосдаги бир йигит Европанинг аллақаерида муаммога тұқнаш келади. Унинг исми Тэд Бенгермин эди. У Мериленд штати Балтимор шаҳри 5716 Нью-Холи роудда яшарди. Унинг муаммоси шунда әдіки, уруш вақтидаги көчинма ва изтироблар руҳий соглигига қаттық путур етказиб, унда ҳарбий ҳаракатлар асабийлиги деган касаллик кучли даражада намоён бұлади.

“1945 йилнинг апрелида, – деб ёзади Тэд Бенгермин, – шу қадар асабийлаша бошладымки, натижада “күндаланғ йүгон ичак спазмаси” деб аталадиган кучли оғриқ берувчи касалмикка гирифтор бўлдим. Агар уруш тутамаганды соглигим бутунлай ишдан чиқиши ҳеч гап эмасди. Буткул ҳолдан тойгандим. Сафдан ташқари хизмат зобити сифатида 94-пиёда дивизиясининг қабр ва дафиларни ҳисобга олиш билан шугулланувчи бўлинмасида хизмат қиласдим. Менинг вазифамга жанг пайтида ўлдирилган, бедарак кетган ёки госпиталга ётқизилган барча ҳарбий хизматчиларни ҳисобга олиш кирап эди. Бундан ташқари, бизнинг бўлинмамиз жанг ҳаракатлари давомида шошилинч кўмилган үзимизнинг ҳамда душман томоннинг аскарларини экстумация қилиш билан шугулланарди. Мен ўлганларнинг шахсий буюмларини тўплаш, улар ким учун катта аҳамият касб этса, ўша қариндошига, ё бўлмаса ота-онасига қайтаришни назорат қилиш билан шугулланардим. Биз янгилишиб кетишдан ва манзилни “адаштириб” қўйишдан хавотирланардик.

Буларнинг барчасига бардош бера оламанми, йўқми, шундан кўпроқ ташвишланар эдим. Ўн олти ойлик бўлган ўғилчамни кўра оламанми, йўқми, шундан жоним ҳалакда эди. Чунки ўглимни ҳали бир марта ҳам кўрмагандим.

Бунинг оқибатида 34 фунт вазнимни йўқотдим. Руҳий инқироз ёқасига келиб қолгандим. Қулларимга қарайман: қоқ сұяқ. “Уйга қуруқ жасадимни олиб борарканман-да” деган ўй даҳшатга соларди ва ёш боладай йиглаб юборардим. Бир ўзим қолдим дегунча йиглардим. Ардендаги жаңгдан сўнг мен яна шундай тез-тез йиглаб юрган вақтимда тинч ҳаётга қайтишдан бутушлай умидимни узган эдим.

Ҳаммаси ҳарбий госпиталдаги каравот билан ниҳоясига етди. Ҳарбий шифокор берган бир маслаҳат ҳаётимни тубдан узгартириб юборди. Обдан тиббий кўриқдан ўтказгандан кейин у менга касаллик сабаби онгда эканини айтди”.

“Тед, – деди у, – ҳаётингни қумсоат деб фараз қил. Юқори қисмида минглаб қум доначалари жойлашган. Тор бўғиздан улар аста ва бир маромда пастга тушиб турди. Бўғиздан фақат битта қум зарраси ўтади. Акс ҳолда соат бузилиши мумкин. Сен, мён ва бошқалар ҳам шу соатга ўхшаймиз. Эрталаб уйгонганимизда олдимиизда қиладиган мингта ишимиз бўлади, аммо биз уларнинг ҳар бирини изчил адo этиб бормасак, бўғиздан ўтаётган қумлар сингари ишларимизни кунимиз орқали секин-аста ва бир маромда ўтказиб турмасак, жисмоний ва руҳий қудратимиздан айриламиз”.

Ҳарбий шифокор билан бўлган ўша ажойиб сухбатдан кейин мен шу фалсафага амал қилиб келаяпман. Бир қум зарраси ортидан бошқаси тушади. Бир ишнинг ортидан бошқаси пайдо бўлади. Мана шу маслаҳат мени урушда жисмоний ва руҳий жиҳатдан сақлаб қолди. Энди урушдан кейин ҳам у менга “Эдкрафттерз Принтинг энд Офсет” компаниясида жамоатчилик билан муносабат ва реклама бўйича директорлик ишимда ёрдам бермоқда. Бизнесда ҳам мен уруш вақтида юзага келадиган муаммолар билан тўқнаш келдим. Бир вақтнинг ўзида ўнлаб

иши қилишингта тұғри келарди, бунинг устига буларнинг бари учун озгинадан вақт берилади. Биржада акцияларимиз муомаласи тушиб кетар, биз үз фаолиятимизни бошқатдан тартибға солиб, янги акциялар чиқарғаң, бошқа жойға күчиб үтардик. Ваколатхоналаримизнинг бирини очиб, бирини ёпардик ва ҳоказо. Бирок мен ташвишга тушиш ва асабийлашиш үрнига ҳарбий шифокорнинг сўзларини эслардим: “Бир қум зарраси ортидан бошқаси тушади. Бир ишнинг ортидан бошқаси пайдо бўлади”. Шу тамойилга риоя қилиб, мен уруш вақтида бор-йўғимни барбод этган зўриқишу салбий ҳиссиётларсиз, үз вазифамни ғоят оқилона тарзда адо этмоқдаман”.

Ҳаммасидан ҳам кишини хафа қиласиган нарса шуки, бугунги кунда кўпгина касалхоналарнинг ярмидан ошиги асаб ва руҳий касалликлардан жабр кўрувчи, ўтминнинг барбод этувчи юки ва келажак олдидағи қўрқувга бардош беролмайдиган касаллар билан банд. Борди-ю, Исонинг: “Эртанги кун гамини еманг” сўзларига ёки сэр Уильям Ослернинг “Бугунги кун бўлмасида яшанг” деган маслаҳатига риоя қиласиганларида бу одамлар баҳтли ва мазмунли ҳаёт кечирган бўлармидалар? Сиз ҳам, биз ҳам ҳаётимизнинг ҳар бир сочиясида икки абадият: абадий мавжуд улкан ўтмин ва олдинга интилевчи ниҳоясиз келажак ўртасида турамиз. Биз, албатта, бир вақтнинг ўзида унисида ҳам, бунисида ҳам яшай олмаймиз, ҳатто сониянинг бир улушича ҳам у ерда, ҳам бу ерда бўла олмаймиз. Боз устига бундай қилишга уриниб, вужудимиз ва онгимизни барбод этамиз. Шу боис, келинг, биз фақат яшай оладиган вақтдаги ҳаёт билан қаноатланиб қўя қолайлик: бу ҳозирдан тортиб то ухлагунимизгача бўлган вақтдир.

“Кўёш ботгунга қадар ҳар бир одам үз юкини кутариб бора олади, – деб ёзганди Роберт Луис

Стивенсон. – Бир кун мобайнида ҳар бир одам ҳар қандай мураккаб ишни бажаришга қодир. Куёш ботгунга қадар ҳар бир одам қувноқ, сабр-тоқатли, севувчан, иок бўла олади. Бу эса “ҳаёт” сўзи англатган моҳиятнинг ўзиdir”.

Ҳа, ҳаётда биздан талаб этиладиган энг асосий нарса мана шундан иборат. Дарвоқе, Мичиган штати, Сантино шаҳри Курт-стрит 815-йда истиқомат қилувчи мисс Э. К. Шилдс “кун ботгунча яшаш” тамойили бўйича яшашни ўрганишдан олдин ўз жонига қасд қилиш ҳолатига келиб қолган, ҳаётдан умидини узиб бўлган эди.

“1937 йилда эримни йўқотдим, – деб ҳикоя қиласи мисс Шилдс. – Мен эзилиб, адойи тамом бўлган эдим. Илгари ўзим ишлаган “Роуч Фаулер” фирмаси эгаси мистер Леон Роучга хат ёздим ва мени қайта ишга олинини сўрадим. Илгари қишлоқ ва кичик шаҳарлардаги мактабларга жутрофия хариталари сотиб кун кўрар эдим. Икки йил аввал эрим касал бўлиб ётиб қолганида машинамни сотиб юборгандим, бироқ кредит эвазига янги бўлмаса ҳам машина сотиб олиш учун пул орттиришга ва яна китоб савдоси билан шугулланишга муваффақ бўлдим. Тинимиз юриш билан боғлиқ иш мени ҷалгитар, асабий зўриқишиларимни камайтирас деб ўйладим. Бироқ машинада юриш ва ёлғиз овқатланиш турган-биттани чираб бўлмас азоб экан. Бундан ташқари гарчи у қадар катта бўлмаса-да, машина бадалини тўлаб борини учун етарли пул ишлаб ёлмасдим.

1938 йили баҳорида Миссури штати Версаль шаҳарчасида ишлаганман. У ердаги мактаблар гариб, унга элтадиган йўлларпинг аҳволи жуда ёмон эди. Ўзимни шу қадар ёлғиз ва бечораҳол ҳис этардимки, бир куни ҳатто ўзимни ўлдирман деб ўйладим. Бундан кейин ишларим яхшиланиб кетишига умид

йүқ. Пул деган нарса мен учун анқоиниг уури бўлиб кетганди. Эрталаб уйқудан қўрқув билан кўз очаман. Мен яшащдан қўрқардим. Машина бадалини, турар жой ижараси ҳақини тўлолмайман, озиқ-овқат ололмайман деб қўрқардим. Шифокорга боргани пулим йўқлиги учун касал бўлишдан ҳам қўрқардим. Мени жонимга қасд қилишдан тўхтатиб қолган сабаб ҳам етишмовчилик билан боғлиқ бўлди. “Агар ўлсам, синглим мени қайси пулiga кўмади” деган ўй мени сира тарк этмасди.

Аммо бир куни қандайдир мақолани ўқиб қолдим, у мени тушкунлик гирдобидай чиқариб олди ва яшаш учун жасорат багишлади. Мени ларзага солган ва руҳлантирган фикр айттани учун муаллифдан умрбод миннатдорман. У “Доно учун ҳар бир кун янги ҳаётдир”, деб ёзганди. Мен ҳикматни машиникада териб, юрган вақтимда ҳар доим кўриниб турадиган жойга ёпишириб қўйдим. Фақат бир кун билан яшаш унчалик қийин эмаслигини билдим. Мен ўткан кунларни тарқ этдим ва эртани ўйламай қўйдим. Ҳар тоңгда ўзимга “Бугун яиги ҳаёт бошланяшти”, дердим.

Ёлгизлиқдан қўрқиши камбағаллик олдидағи қийинчиликларни муваффақият или бартараф этдим. Ҳозир баҳтиёрман ва ишларим унчалик ёмон кетмаяпти. Юрагим иштиёқ ва ҳаётта муҳаббат билан лиммо-лим. Энди келажакда мени нима кутиб туришидан қатъи назар, ҳеч қачон қўрқмайман. Келажакдан қўрқиши керак эмаслигини биламан. Энди фақат бир куиллик ташвишим билан яшай олишимни биламан, чунки “Донолар учун ҳар бир кун янги ҳаётдир”.

Шундай қилиб, энг асосий нарса шундан иборатки, агар ҳаётингиз ташвишлардан холи бўлишини истасангиз, сэр Уильям Ослер қилган ишни қилинг:

Ўзингизни ўтмиш ва келажакнинг темир деворлари билан тўсинг. “Бугунги кун бўлмасида яшанг”.

Олдингизга бир қанча савол қўйиб, ёзма жавоб қайтаринг:

1. Келажак борасида ташвишланиш ва “уфқдан нарёқда боғлари чаппар уриб гуллаган қандайдир мамлакатни қидириб, топиш учун бугунги кунни унтиш” хаёли менда борми?

2. Ўтмишда содир бўлган, ўтиб кетган ва туталланиб бўлганлардан афсусланиш билан ўзимнинг ҳозиримни ёмонлаштирмаяпманми?

3. Ҳар тонг “Ўз имкониятимни бой бермайман” ва олдицаги йигирма тўрт соат ҳақини оламан деган қатъий ният билан ўрнимдан тураманми?

4. “Бугунги кун бўлмасида” қаңдай қилиб ҳаётдан кўпроқ нарса ола оламан?

5. Буларнинг ҳаммасини қачондан бошлишим керак? Келаси ҳафтами, эртагами, бугунми?

Иккинчи боб

ТАШВИШ БИЛАН БОГЛИҚ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТУВЧИ СЕҲРЛИ ҚОИДА

Ташвиш билан bogliқ вазиятларни ҳал этиш учун тез ва ишончли йўриқни билишни истайсизми? Ушбу китобни ўқимасдан туриб, ҳозирнинг ўзида қўллашингиз мумкин бўлган услубга муҳтоjmисиз? Унда Нью-Йорк штати Сиракуза шаҳридаги дунёга машҳур “Керриер” корпорациясига раҳбарлик қилаётган, кондиционерлар ишлаб чиқаришга асос соглан ажойиб истеъдод соҳиби Уиллис Х. Керриер услуби ҳақида ҳикоя қилиб беришга изн бергайсиз. Ташвиш билан bogliқ муаммоларни ҳал этишдаги унинг технологияси мен илгари эшигтганларим ичida энг яхшиларидан биридир. Нью-Йорқдаги муҳандислар клубида бўлган зиёфатда бу ҳақида унинг ўзи менга ҳикоя қилиб берганди.

“Йигитлик чогимда Нью-Йорк штати Буффало шаҳридаги “Буффало Форж” компаниясида ишлар эдим. Менга Миссури штати Кристал-Сити шаҳридаги “Питтсбург Плейг Гласс” компанияси заводига газ тозалаш тизимини ўрнатиш топширилганди. Бу завод бир неча миллион доллар турарди. Газ тозалашининг биз таклиф этган услуби янги ва фақат бир марта, шунда ҳам мутлақо бошқа шароитларда сиаб кўрилган эди. Кристал-Ситидаги ишлаб турган вақтимда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қийинчиликлар келиб чиқди. Умуман жиҳоз яхши ишлаб турган эди, аммо тайёрловчи заводнинг “кафолат мажбуриятларига мувофиқ бўлиши учун етарли эмасди”.

Ишим чашасига кетганидан ҳайрон эдим. Ўзимни худди бошимдан қаттиқ зарб егаңдай ҳис қиласдим. Корним, бутун аъзойи баданим чида бўлмас даражада оғрирди. Безовталиқ анча вақтгача мешга уйқу бермади.

Ниҳоят, безовталиknинг охири хайрли бўлмаслигини эслатувчи оқилона насиҳатга риоя қиласдим ва ташвиш тортмасдан муаммони ечишга имкон берувчи услубни ишлаб чиқдим. Безовталиқ билан курашишнинг бу усулини мен ўғтиз йилдан ортиқ вақтдан бери қўллаб келаман. У жуда оддий, ҳар ким фойдаланса бўладиган уч босқичдан иборат:

1. Барча содир бўлган воқеаларни хотиржам баҳолаб, вазиятни ҳаққоний тарзда таҳдил қилиб чиқдим. Агар вазият мен учун энг ёмон тарзда ривожланадиган бўлса, яна нималар содир бўлиши мумкинигини тахмин қиласдим. Мени қамоқقا тиқишимайди ва отишмайди. Бу мутлақо аниқ эди. Шунингдек, жиҳозни қайта созламасак, бунга қўйилган йигирманинг долларни йўқотиш эҳтимоли мавжуд эди.

2. Муваффақиятсизлик оқибатларини аниқлагандан кейин тақдирга тап бердим. Бу менинг

обрўимга путур етказиши мумкин, эҳтимол, ишимни йўқотишмга олиб келар. Агар шу ҳол рўй берса, ўзим учун ҳар доим бошқа иш топа оламан. Мен ишлаган фирмада учун вазият анча хунук бўлиши мумкин. Албатта, биз газ тозалагич бўйича янги тажриба ўтказаётганимизни тушунишади ва агар бу улар учун йигирма минг долларга тушса, чидашади. Заарни эса тадқиқот фаолиятига уриб юборишади. Оқибатнинг энг ёмон эҳтимолларини аниқлаб, уларга иқрор бўлгандан кейин ҳаддан ташқари муҳим нарса содир бўлди: мен дарҳол тинчландим ва безовталиқда ўтаётган барча кунларимда ҳис қилмаган хотиржамликни сездим.

3. Шу вақтдан бошлаб мен бор гайратимни воқеаларни яхши ривожлантиришга ҳаракат қилдим. Энди бу ҳолатдан чиқиб кетадиган йўл ва воситалар қидиришга тушиб кетдим. Токи булар ёрдамида 20 минг долларлик тахминий зааримизни камайтириш имконига эга бўлайлик. Бир қашча вақт тажриба синови ўтказдим ва аниқладимки, агар биз қўшимча жиҳозга яна беш минг доллар сарфласак, олдимида турган муаммони ҳал этар экаймиз. Шундай қилдик ва 20 минг доллар зарар ўринига 15 минг доллар фойда олдик.

Агар ташвишланиб юраверганимда мен ҳеч қачон бундай натижага эришмаган бўлардим, чунки ташвиш келтириши мумкин бўлган энг ёмон нарса — фикрни бир жойга жамлай олмаслиқдир. Биз ташвишланганимизда фикрлаш қобилиягини йўқотамиз. Агар ўзимизни хаёлан воқеалар ривожини кўзда тутган сирлардан энг ёмони билан тўқишашибга мажбур қилсак, хира туйгулардан халос бўламиз ва дикқатимизни муаммони ечишга қаратиш ҳолатида бўламиз.

Мен ҳикоя қилгани воқеа кўп йиллар илгари содир бўлгаңди. Усулим шу қадар яхши иш бердики,

шундан бүён мен уци бошқа ҳолатларда ҳам құллаб келяпман.

Шундай қилиб, психология нұқтаи назаридан Уиллис Х. Керриернинг бу сәхрли қоидаси нечук бу қадар бебаҳо, амалий жиҳатдан мақсадға мувофиқ? Гап шундаки, у бизга ташвишлар юки олдида күзимиз ҳеч нарсаны күрмай ботиб қолған маъюс ҳислар ботқогидан чиқиб олишимизга ёрдам беради. Қадимизни адл тутиш имкониятига эга бұламиз. Қандай ақвонда түшиб қолганимизни аниқ тушунамиз. Борди-ю, бундай тушунча бұлмаганида бизнинг бирон нарсага ақлимиз етариши?

Борди-ю, Уиллис Х. Керриер катта муаммолар билан түқнашған деб үйласанғиз, демек, сиз ҳақиқий катта муаммолар қанақа бұлишини билмас экансиз. Массачусетс штати Винчестер шаҳридан Эрл П. Хейни воқеасини олайлик. У билан 1948 йил 17 наябрда Бостондаги “Стаглер” отелида учрашған здик. “Анча илгари, йигирманчи йилларда, – деб ҳикоя қылғанди у, – муттасил ташвишланиш оқибатида ошқозон яраси орттириб олғандым. Бир куни тунда кучли қон қуса бошладым ва мени зудлик билан Чикаго университети қошидаги касалхонага ётқизиши. Жуда тез озиб, қирқ кило ҳам келмайдиган болақайға айланиб қолдым. Ҳолбуки, олдин нақд етмиш кило тош босар здим. Бетоблигим шу даражага бордикі, құлимни күтаролмасдым. Ошқозон яраси касаллікlassesи бүйича гоят таниқли бир мутахассис бұлған шифокор шундай хулосага келдіки, мен тузалмайдиган хасталик турига чалинған эканман. Ишқорлы дорилар ва ҳар ярим соатда бир қошиқдан қаймоқли сут ичар здим. Шунинг шарофатидан үлмай турғандым. Эрталаб ва кечқурун ҳамшира резина найча орқали ошқозонимдаги нарсаны сүриб чиқарып ташларди.

Шу зайлда күп ойлар үтди... Охири үзимга: "Менга қара Эрл Хейни, модомики олдингда муқаррар үлимдан бошқа ҳеч нима қолмаган экан, қолган ҳәтtingдан имконинг борича ҳақингни олиб қолсанг-чи. Сен ҳар доим дүнё бўйлаб саёҳат қилишни хоҳлардинг, умуман шундай қилиш ниятинг бор экан, ҳозир айни пайти", дедим.

Докторимга жаҳон бўйлаб саёҳат қилмоқчи эканимни ва резина найчани үзим эплашимни айтганимда ҳаммалари анқайиб қолишиди. Бу асло мумкин эмас! Улар бунақасини сира эшишишмаган эди. Агар жаҳон бўйлаб саёҳатта чиқадиган бўлсам, мени очиқ денгизга дафи этишларини огоҳлантиришиди. "Йўқ, дафи этмайдилар, - деб жавоб бердим мен, - қариндош-уругларимдан мени Небраска штатининг Брокси Боу шаҳрида жойлашган қабристонининг бизга тааллуқли хилхонасига қўйишлари ваъдасини олганман. Шу боис сафаримга, ҳар эҳтимолга қарши, тобут ҳам олиб кетаяпман".

Тобут сотиб олдим, уни кемага юкладим ва кема компанияси билан үлиб қолган тақдиримда тобутимни музхонага солиб қўйишларини ва шу ҳолатда уни уйга қайтариб юборишларига келишиб олдим. "Ҳайё-хув" деб йўлга тушдим.

Лос-Анжелесда шарқий йўналиш бўйлаб сузуб кетган "Президент Адамс" кемасига кўтарилишим ҳамоноқ мен үзимни бардам ҳис қила бошладим. Аста-секин ишқорли кукун ичиш ва найчадан фойдаланишини ташладим. Кўп ўтмай, мени ҳатто кафолатли тарзда тугатиб қўя қолиши мумкин бўлган тансиқ таомларни ҳам таювул қила бошладим. Вақт ўтиши баробарида ҳатто узун сигаралар чекиб, унчамунча аччиқ лимонаддан ича бошладим. Ана буни лаззат деса бўлади! Биз очиқ денгизда буронга дуч келдик, тайфунлар билан олишдик, аслида улар мени

тайёр тобутта тиқиб құя қолиши мүмкін еди. Аммо бу саргузаштлар менге кетте қувонч багишлаёттанды. Ҳеч нимадан құрқмай құйғандым.

Кемада мен қарта үйнәр, құшиқ айттар, дүстлар ортираң да тоғоң отгунча үтириб, улар билан хушчақчақлик қылар едім. Биз Хитой ва Ҳиндистонга етиб келганимизда мен чеккан ташвиш ва ғамлар бу мамлакатларда ҳукм сурған қашшоқлик ва очликка нисбатан Боги Эрамдаги ҳаловат эканини англағадым. Бемаъни ташвишларимни бир четта суриб қўйдимда, ўзимни жуда яхши ҳис эта бошладим. Америкага қайтиб келганимда ўттиз килога семирғандим. Ошқозон ярасини эса деярли унугтандим. Умримда ўзимни ҳеч қачон бунақа яхши ҳис қилмаганимни сездим. Ишга қайтдим ва шундан буён бошқа ҳеч қачон ҳеч қандай касаллик билан оғримадим”.

Эрл Хейни менге ташвиш билан курашиш учун Уиллис Х. Керриер қўллаган усулдан билмай туриб фойдаланганини айтди.

“Биринчидан, — деб сўрадим ўзимдан, — воқеалар ривожининг энг ёмон варианти қайси? Жавоб битта еди — ўлим.

Иккинчидан, мен ўзимни шундай қилишга чоғлаган едим, гўё шундай қилишим керакдай, мен учун бошқа йўл йўқ еди, зеро шифокорлар менга умид йўқлигини айтишганди.

Учинчидан, мен юзага қелган аҳволни яхшилашга уриниб курған едим. Шу боис, қолган вақтимдан иложи борича кўпроқ лаззат олишга аҳд қилган едим. Борди-ю, жаҳон бўйлаб саёҳатга йўл олиб ҳам ташвишланишда давом эттанимда, албатта, уни тобутда ниҳоясига етказган бўлардим. Аммо мен тинчландим ва барча муаммоларимни унугдим. Бу хотиржамлик менге иккинчи ҳаёт багишлади ва шундай гайрат ато этдики, қайтадан тирилдим”.

Шу боис қуидаги 2-қоидага риоя қилинг:

Борди-ю, сиз ташвиш билан тұла муаммога дуч келсанғыз, Уиллс Х. Керриернинг сеҳрли қоидасини құлланғ:

1. Вөкөалар ривожининг энг ёмон вариантий аниқланғ.

2. Агар бошқаси буюрилмған бұлса, уни қабул қилишга ҳозирлик күринг.

3. Иш ақволини яхшилаш учун хотиржамлик билан ҳаракат қилинг.

Учинчи боб

ТАШВИШНИНГ СИЗГА ТАЪСИРИ

*Ташвиш билан кураша олмаган ишбілармен
инқиrozга учрайди.*

Доктор Алексис КАРРЕЛЬ

Бирмунча муддат илгари уйим эшиги жирииглади. Құшним чиққан экан, у ҳаммамизни қизамиқдан әмланишга астойдил ундай бошлади. У одамларни шундай чора күриш зарурлығига ишонтириш учун Нью-Йорк шаҳрида уйма-уй юрувчи күнгиллилардан бири зди.

Кайфи учган одамлар әмлаш жойларыда соатлаб навбатда туришарди. Эмлаш жойлари барча касал-хоналардагина эмас, балки үт үчирувчилар депосида, полиция маңкамалари ва катта саноат корхоналарыда ҳам очилған зди. Ахолини әмлаб, икки мингдан күпроқ шифокор ва ҳамшира туну кун ҳормай-толмай ишларди. Бундай ваҳиманинг сабаби шунда здики, Нью-Йоркда саккиз нафар одам қизамиқ

билин огриб, иккитаси үлган. Шаҳарининг қарийб саккиз миллион аҳолисига икки үлим.

Мен Нью-Йоркда ўтгиз етти йилдан буён истикомат қиласман ва бирон марта ҳам ҳеч ким эшигимни жириглатмаган ва “ташвиш” аталмиш руҳий касалликка чалиниш ҳақида огоҳлантирмаган эди. Бу касаллик эса сўнгти ўтиз етти йил мобайнида қизамиққа қараганды ўн минг мартадан кўпроқ зарар етказганди.

Биронта ҳам кўнгилли эшигим қўнғирогини жириглатмаган ва АҚШнинг ҳар ўнинчи кишиси одатда ташвиш ва руҳий изтироблар натижасида юзага келувчи асаб бузилиши қурбони бўлганидан огоҳлантирилмаган эди. Шу боис бу хатардан огоҳлантириш учун ушбу бобни ёзаётирман. Эшигингиз қўнғирогини жириглатган мен бўласман.

Тиббиёт бўйича Нобель мукофоти совриндори доктор Алексис Каррель шундай деганди: “Ташвиш билан кураша олмаган ишбилармон инқирозга учрайди”. Бу уй бекалари, фахрийлар ва гишт терувчиларга бирдай тааллуқлидир.

Бир неча йил муқаддам таътилимни автомобилда Техас ва Нью-Мексико бўйлаб саёҳат қилиб ўтказгандим. Мен билан бирга доктор О. Ф. Гобер ҳам бор эди. У Санта Фе шаҳри темир йўл касалхонасида ишлар ва Мексика қўлтиги, Колорадо ва Санта Фе тиббиёт муассасалари ассоциациясининг бош терапевти лавозимини эгаллаганди. Орамизда ташвиш оқибатлари ҳақида қизгин сұхбат кетди ва у:

“Шифокорга келган беморларнинг етмиш фоизи қўрқувларини енгид, ташвишдан қутула олсалар, тузалиб кетадиган ҳолатда бўлишади. Уларнинг касалликларини ёлгондакам деб уйлаш керак эмас. Худди тиш оғриги каби бор касалликлардир ва гоҳо жуда хатарли ҳамдир. Мен руҳий изтироб натижасида ошқозонда овқат ҳазм бўлмаслигини, ошқозон

ярасйининг, юрак муаммоларини, уйқусизлик, бош оғриғи ва фалажнинг айрим турларини назарда тутяпман. Бу касалликлар кўриниб туради ва мен уларни қулогум билан эннитиб эмас, кўзим билан кўриб биламан, ахир ўзим ўн икки йил ошқозон ярасидан азоб чекканман-да.

Кўрқув ташвишга сабабчи бўлади. Нотинчлик асаб зўриқишига олиб келади. Бу омиллар эса ошқозонга салбий таъспир кўрсатади ва аслини олганда ошқозон шираси таркибини ўзгартиради. Унинг яхши ишланишига халақит беради ва кўпинча ошқозон яраси пайдо бўлишига олиб келади”, деди.

Дарвоҷе, сигареталар хусусида. Сигарета ишлаб чиқариш билан шугулланувчи дунёдаги энг машҳур компаниялар соҳиби яқинда Канада ўрмонларида қисқа дам олиш вақтида юрак хасталигидан вафот этди. У миллионлаб доллар жамғарди, ўзи эса олтмиш бир йил умр кўрди. У ўз ҳаётини бизлар “ишдаги муваффақият” деб гапириб ўргангандарсага сотди.

Менинг нуқтаи назаримда, бу сигарета магнати ўзининг барча миллионлари билан Миссури штатидаги фермер, саксон тўққиз ёшида бир доллар ҳам жамгара олмаган отамининг улушкига тушган муваффақиятнинг ярмига ҳам етолмаганди.

Машҳур ака-ука Мэйолар айтар эдиларки, касалхоналаримиздаги жойларнинг ярмидан кўпрогини асаб касаллигидан жабр курувчилар эгаллашади. Аммо ўлганларидан кейинги тиббий кўрик вақтида уларнинг асаблари аъло даражада эканлиги маълум бўлган. Бу одамлардаги “асаб касалликлари” асаб тизимишининг жисмоний бузилишидан эмас, балки тушкуплик, ташвиш, нотинчлик, қўрқув, ишдаги омадсизлик, газаб сингари ҳиссиётлардан келиб чиққан.

Афлоту 1 айтган экан: “Шифокорларнинг энг катта хатоси шундан иборатки, улар руҳни даволаш

чорасини кўрмай туриб, бадани даволашга ҳаракат қилишади. Аммо жисм ва жон яхлитдир, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди!"

Бу ҳақиқатни тиббиётчилар англаши учун йигирма уч асрли вақт ўтди ва эндиғина жонни ҳам, жисмни ҳам даволайдиган психосоматика деб аталувчи янги йўналиш вужудга келмоқда. Бунинг учун аллақачон вақт етиб келган эди, чунки тиббиёт чечак, вабо, сариқ, безгак ва неча-неча миллионлаб одамларниң бевақт ўлиб кетишинга сабабчи бўлган бундай даҳшатли юқумли касалликлардан фориг бўлишга ёрдам берди. Аммо тиббиёт фани безовталик, қўрқув, пафрат, тушкунлик ва қаҳр-газаб каби ҳиссиётлар келтириб чиқарувчи руҳий ва жисмоний касалликларниң давосини тополмади.

Руҳий бузилишларниң қурбонлари сони ҳайратномуз даражада тезлик билан ортиб бормоқда. Щифокорлар шундай хулосага келдиларки, ҳозирги вақтда яшаётган америкаликларниң ҳар йигирма кишидан бири ўз ҳаётининг бир қисмини руҳий касалликларни даволаш билан шугулланувчи тиббий муассасаларда ўтказмоқда. Иккинчи жаҳон уруши вақтида хизматга чакирилган олти йигитдан бири руҳий соглиқ ҳолати бўйича яроқсиз деб эътироф этилган.

Руҳий касалликлар нимани келтириб чиқаради? Бу саволга ҳеч ким жавоб беролмайди. Аммо кўп ҳолларда уларниң юзага келишига имкон берувчи омиллар қўрқув ва нотинчлик эканлиги кўпроқ назарда тутилмоқда. Кучли безовталика дучор бўлган одам қийин ҳаётий кечинмаларга бардош беролмайди, бунинг натижасида воқелик билан ҳар қанақанги муносабатни узади ва ўз орзуларига берилиб, шу йўл билан муаммоларини ҳал этган бўлади.

Ушбу сатрларни ёзар эканман, столим устида Эдвард Подольскийнинг “Ташвишланишни бас қилинг ва соглом бўлинг” китоби ётарди. Мана шу китобдаги айrim бобларининг номи:

Безовталиknинг юрак фаолиятига таъсири.
Безовталик кучли босимни келтириб чиқаради.
Безовталик боднинг сабабчиси.
Ташвиш қанча оз бўлса, ошқозонга шунча яхши.
Безовталик шамоллашни келтириб чиқаради.
Безовталик ва қалқонсимон без.
Диабет келиб чиқишида безовталиknинг роли.

Бод ёки бўгимлар боди қимирашдан маҳрум этиб, сизни ногиронлар аравачасига михлаб қўйиши мумкин. Карнеуль университети тиббиёт факультети доктори ва бўгимлар боди бўйича дунёга таниқли доктор Рассель Л. Сесил бу касалликни келтириб чиқарувчи энг кенг тарқалган тўрт сабабни санаб ўтади:

- омадсиз никоҳ;
- молиявий фалокат ёки мусибат;
- ёлғизлик ва безовталик;
- бирорвга зимдан кек сақлаш.

Албатта, бу тўрт ҳиссий омил билан ушбу касалликнинг юзага келишидаги барча сабаблар барҳам топиб қолмайди. Бўгим боднинг кўплаб турлари ва уни юзага келтирувчи сонсиз сабаблари бор. Аммо юқорида санаб ўтилган омиллар, мен бунга алоҳида эътиборингизни тортаман, чунки улар энг типик сабаблар ҳисобланади. Масалан, бир дўстим зўриқиши натижасида гоят оғир моддий қийинчилик аҳволига тушиб қолди, унинг уйида газни учириб қўйишди. Банк уни уйга гаров хати сотиб олиш ҳуқуқидан маҳрум этди. Қўқисдан хотинининг бўгим боди хуруж қилиб қолди ва дори-дармону парҳезларга қарамай, касаллик то дўстимнинг ишлари жойига тушмагунга қадар давом этди.

Муттасил ташвишланишдан ҳатто кариес пайдо булиши мумкин.

Қалқонсимон без гиперфункциясининг ошкора аломатлари бўлган одамни ҳеч кўрганимисиз?

Мен кўрганман, бундай одамлар худди бирор қўрқитиб қўйгандай ваҳимага тушиб, даг-даг титрайди. Уларда тана иши учун жавоб берадиган қалқонсимон без фаолияти бузилган бўлади. Натижада юрак уриши тезлашади ва аъзои бадан бамисоли гуриллаб ёниб турган печкага солиб қўйгандай ўт булиб ёнади. Борди-ю, ўз вақтида зарурий чоралар кўрилмаса, яъни операция амалга оширилмаса, bemor “ўзини ўзи еб”, улиб қолиши мумкин.

Яқинда қалқонсимон без касали билан оғриган бир дўстим билан бирга Филадельфияда бўлган эдим. У ушбу касаллик билан ўттиз саккиз йилдан бери шуғулланиб келаётган таникли мутахассис доктор Израель Брамдан маслаҳат олди. Унда қўйидаги жумлалар аниқ-тиниқ қилиб ёзиб қўйилганди:

- Енгиллашиш ва ҳордик;
- Соғлом рух, мусиқа ва кулаги энг қучли тинчлантирувчи ва енгиллаштирувчи таъсирга эга;
- Худога ишонинг, қаттиқ ухлашни ўрганинг.
- Яхши мусиқани севинг. Ҳаётнинг қувончли томонига кўпроқ этибор беринг.

Шундагина соглом ва баҳтли бўласиз.

У дўстимга: “Қандай ҳиссий кечинмалар сизни бу аҳволга солди?” деб савол берди.

Кейин эса огоҳдантириб, “Агар ташвишланишда давом этаверсангиз, юрак, ошқозон яраси ёки диабет муаммолари асорат қолдириши мумкин”, деди. “Буларнинг барчаси эгизак, яқин қариндош-урут”. Ахир, уларнинг сабабчиси битта — безовталик!

Бугунги кунда Америкада ўлимнинг асосий сабабчиси юрак касалларни ҳисобланмоқда. Иккинчи жаҳон урушида қарийб уч юз минг

америкалик ҳарбий хизматчи ҳалок бўлган эди, аммо худди шунча давр ичида юрак касалликларидан икки миллион фуқаро ўлган, шулардан ярми — нотинчлик ва зўриқишидан келиб чиқувчи юрак касалликларидан вафот эттан. Ҳа, айнан шунинг учун ҳам доктор Алексис Кэррель айттан эди: “Нотинчлик билан курашиши эплолмаган ишбилармөнларнинг умри қисқа бўлиши мумкин”.

АҚШ жанубидаги қора танлилар ва хитойликлар юрак касалликларига чалинишмайди, чунки улар воқеага хотиржамлик билан муносабатда бўлишади. Шифокор ва фермерларда эса юрак етишмовчилигидан ўлиш йигирма марта кўпроқ. Чунки уларнинг ҳаёти жуда кескин кечиб, бунииг учун соглиқлари билан тўлов тўлашади.

“Гуноҳларимизни Худо кечирар, — деган эди Уильям Жеймс, — аммо асаб тизимларимиз ҳеч қачон кечирмайди”.

Мана сизга ақлни лол қолдирадиган ва мутлақо ҳайратомуз далил: ҳар йили америкада одамлар бешта энг кенг тарқалган юқумли касалликлар туфайли вафот этганларга қараганда кўпроқ ўз жонларига қасд қилишади. Нима учун? Жавоб асосан бир нарсага келиб тақалади: “Хавотир”.

Шафқатсиз хитойлик ҳукмдорлар асиirlарни қийноққа солмоқчи бўлса, уларнинг қўл ва оёғини боғлаб, бошлари узра сувли қол осдириб қўйган, ундан тинимсиз равишда бир зайлда кечаси-ю кундузи сув томиб турган. Аста-секин сув томчилари асиirlарнинг бошига болга билан ургандек туюла бошлади ва ақдан оздиради. Худди шу усулни Испания ва Германия концентрацион лагерларида ҳам кўллашган.

Безовталик мана шу муттасил томиб турувчи сув томчиларига ўхшайди. Доимий нотинчлик эса инсонни телбалик ва ўз жонига суиқасд қилишгacha олиб боради.

Ёш бола пайтимда ва Миссурида ящаганимда Билли Сандиннинг у дунёдаги дўзах азоблари ҳақидаги ёзган ҳикоялари мени үлгудек даҳшатга солар эди. Аммо у ёруг дунёдаги ташвишлар билан тўқнашиш инсонга дўзах азобларидан ҳам оғирроқлиги ҳақида ҳеч қачон ҳеч нарса гапирмасди.

Масалан, сиз сурункали безовталика мойил бўлсангиз, ҳеч бир қийинчилексиз стенокардия билан оғришингиз ва мутлақо чираб бўлмас оғриқни бошдан кечиришингиз мумкин. Шундай оғриқни бошдан кечиришингизга тўғри келгаида, сизни қийнаётган азобдан жон талвасасида ўзингизни урган бўлар эдингиз. “Оҳ-воҳ”ларингиз шунчалик кучли бўлардики, улар олдида Дантенинг “Дўзах”идаги гуноҳкорлар фарёди болалар ҳуштакчасининг овозидай бўлиб қоларди. “Эй Тангirim, борди-ю, шуни бошдан кечиргудек бўлсан, ҳеч қачон, ҳеч нарса ҳақида зинҳор-базинҳор ташвиш чекмаган бўлар эдим”.

Сиз ҳаётни севасизми? Узоқ яшаш ва ҳаёт лаззатини суришни истайсизми? Буни ҳозирнинг ўзида бошлигиниз мумкин. Маина сизга доктор Алексис Каррелнинг дил изҳорларидан бири: “Кимки ҳозирги замон шаҳри талотўпи ичида ўз қалбида теран осудаликни сақлай олса, ўша одам асаб касалликларидан мосуводир”.

Ҳозирги замон талотўлари ичида ўз қалбингизда теран осудаликни сақлашга қодирмисиз? Агар сиз соглом одам бўлсангиз, ҳеч шубҳасиз “ҳа” деб жавоб берасиз. Кўпчилигимиз ўзимиз ўйлаганимиздан кўра кўпроқ кучлироқмиз. Биз, эҳтимол, ҳеч қачон фойдаланмаган яширин захираларга этадирмиз. Торо ўзининг “Уолдей” деган үлмас китобида бундай деган: “Менга ҳеч нарса иисон оғи саъй-ҳаракатлари асосида ўз ҳаётини такомиллаштиришга қодир, деган

рад этиб бұлмас далолатни билишдек илҳом багиша-
майды... Борди-ю, сиз үз орзунингизга эришиш йўлида
олға ҳаракат қиласангиз ва орзу қилганингиздек
яшаш учун ўзингизни ўтга-чўққа урсангиз, одатда-
ги ҳаракат тарзингиз билан эришолмайдиган муваффақиятга албатта эришасиз”.

Ушбу китобнинг аксарият ўқувчилари Огайо штатилик Ольга К. Жорви сингари ирода кучи ва пинҳоний имкониятга эга эканликлари заррача шубҳа туғдирмайди. У ҳатто энг фожиали шароитларда ҳам ташвишланмасликка қодир эканини англаб етган. Ишончим комилки, ушбу китобда кўриб чиқилаётган гоят кўхна ҳақиқатларни қўллашдан эринмасак, сиз ҳам, мен ҳам шунга қодирмиз. Ольга К. Жорвининг менга ёзган мактубидан бир воқеани эътиборингизга ҳавола этаман:

“Саккиз ярим йил муқаддам шифокорлар менга ўлим ҳукми чиқаришди: саратон туфайли аста-секин рўй берадиган азобли ўлим. уни мамлакатнинг энг нуфузли шифокорлари ҳам тасдиқлашди. Боши берк кўчага кириб қолгандим. Хаёлларимда мени абадият кутарди. Ахир ёш эдим. Ҳали ўлишни истамасдим. Мен даҳшат ичида Келлогтдаги шифокоримга қўнгироқ қилдим ва кўзларимдан дув-дув ёш тўкиб, юрагимда борини уига тўкиб солдим. У тоқатсизлик билан гапимни бўлди-да, мени уришиб берди: “Нима гаш, Ольга? Наҳотки курашишга кучинг етмаса? Йиглайдиган бўлсанг, албатта ўласан-да. Бонинтта энг ёмон кўргилик тушиб бўлди. Ҳақиқат юзига тик қара. Ташвишланишини бас қил ва бирор чора кўрнишга урин”.

Шунда мен ташвишланмасликка оит ичдим. Бу ҳолатим менга шу қадар кучли таъсир кўрсатдикি, тирноқларим терим ичига чуқур ботганини ва баданимдан бир совуқ нарса жимиirlаб ўтганини ҳис қилдим. Таитанавор тарзда шу сўзларни ирод этдим:

“Мен ташвишланмайман. Мен йигламайман! Бирон нарса қилишим мумкин бўлса, шу нарсани қиласман ва хасталикни енгиб чиқаман. Мен яшайман!”

Одатда бундай таваккалли ҳолларда, радийни қабул қилиш мумкин бўлмаганда, рентгент нурланиши сеанси ўттиз кун мобайнида ўн ярим дақиқа чўзилади. Қирқ тўққиз кун давомида мен ўн тўрт ярим дақиқа нурландим. Коқ суккага айланиб қолгандим, суккларим текислиқдаги тепаликлар сингари бўртиб турарди, оёқларим эса қўргошин этик кийгандай қилт этмасди. Шундай бўлса-да, парво қилмасдим! Бир марта ҳам йигламадим! Мен жилмаярдим. Том маънода ўзимни жилмайишга мажбур этардим.

Биргина жилмайиш билан саратонни енгиб бўлмаслигини англамайдиган даражада нодон эмасман. Аммо бари бир яхши кайфият вужудга касаллик билан курашишда ёрдам беради деб ҳисоблайман. Нима бўлганда ҳам мұъжиза рўй берди. Тузалиб кетдим. Сўнгти йилларда ҳеч қачон ўзимни ҳозиргидај яхши ҳис қилмаганиман. Булар бари курашга даъват этувчи сўзлар шарофати билан бўлди: “Ҳақиқат юзига тик қара. Ташвишланишни бас қил ва бирор чора кўришга урин”.

Мен ҳар бир ўқувчи қўйидаги сўзларни хотирасига муҳрлаб қўйишини хоҳлардим: “Ташвиш билан курашолмаган ишбилармоннинг умри қисқа бўлиши мумкин”.

Иккинчий қисм

ТАШВИШНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ УСУЛЛАРИ

Тұрттынчи боб

ТАШВИШНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА ҲАЛ ЭТИШ

*Менинг измимдаги олти хизматкор имкони
етадиган ҳамма ишни бажарып келишмоқда.
Уларнинг исми: Нима ва Нима учун, Қачон ва
Қандай, Қаерда ва Ким.*

Редъярд КИПЛИНГ

Уиллис Керриернинг ушбу китобидаги иккинчи бобнинг биринчи қисмида тилга олилган сөхрли қоида ташвиш туфайли юзага келувчи муаммоларни ҳал этишга қодирми? Албатта, йўқ. Хўш, бундай ҳолда нима қилиш лозим? Бу саволга жавоб мана бундай: биз ўзимиз учун ҳар қандай кўринишдаги ташвишга қарши туриш имконини берадиган усулларни ишлаб чиқишимиз зарур. Бунинг учун муаммолар таҳлилининг уч асосий йўли билан танишиш керак бўлади.

Мана улар:

- Далилий ашёлар тўпланг;
- Уни таҳлилдан ўтказинг;
- Қарорни ишлаб чиқинг ва амалга оширишга киришинг.

Ҳаммаси сизга куидай равшаними? Бир вақтлар Арасту буни ўқиган ва ҳёти давомида фойдаланган эди. Бизга ташвиш тугдириб, ҳётилизни дўзахга

айлантирган муаммоларни ҳал этиш учун сиз ҳам, мен ҳам шу қоидага риоя қилишимиз шарт.

Келинг, 1-қоидани куриб чиқайлик. Ашёвий далил түпланг. Бу шунинг учун мұхимки, агар у бұлмаса, муаммолизни оқилона ҳал этишга ҳам йұл тополмаймиз. Ашёвий далилсиз биз фақат ваҳимага тушамиз, холос.

Менинг тоғым нимадан иборат? Аниқроги, бу тоға Колумбия университети қошидаги Колумбия колледжи декани мархум Герберт Ё. Хокснинг тоғаси. Йигирма иккі йил ичида у иккі юз минг талабага ташвиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда ёрдам күрсатди. У менга: "Саросимага тушиш ташвиш келтирүвчи асосий сабабдир", – деган зди.

У фикрини қуйидалы сүзлар билан ифодалади: "Одамларнинг ярми зарурий ва етарлы далилга эга булмай туриб, қарор қабул қилишга ҳаракат қылғани учун ташвищдан боши чиқмайди". Масалаң: "Борди-ю, мен келаси сешанба куни соат учда муаммога тұқнаш келишим мүмкін бұлса, унда мен бу вақттача бирон-бир чора күришга уринмайман. Ҳозирча бутун эътиборимни шу муаммога дахлдор барча далилларни олишга қаратаман. Ташвишланмайман. Үзимни турфа мұлоҳазалар билан қийнамайман. Яхши ухлайман. Мен далилларни түшлейман, холос. Муаммо юзага келган вақттача бисотимда барча зарурий далиллар бўлади ва муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетади!"

Декан Хоксдан "Бирор нарса үзингизни ташвищдан бутунлай ҳалос қилиб олганингизни англатадими?", деб сұрадим. "Ха, – деди у. – Назаримда, энди ҳаётим безовталиқдан фориг бўлди, буни вижданан айтяпман. Мен шу нарсани билдимки, агар киши далилларни йигиш билан машгул бўлса, буни зұраки эмас, холисона қиласа, безовталиқ түйғуси одатда билимлар кучи билан гойиб бўлади".

Аммо күпчилигимиз нима қиласыз? Даиллар билән танишмоқ учун вақт тополамизми, саъй-ҳаракат қиласызми? “Фикрлашыдан қочиши учун инсон ҳар қанақанги айёликка боришидан тап тортмайды”, деганида Эдисон мутлақо ҳақ бұлған. Борди-ю, даиллар түплайдиган бұлсак, аллақачон бизга маълум бұлған нарсаларнигина тасдиқлайдиганлар кетидан тушамиз, қолғанларни эса назар-писанд қилмаймыз! Бизга фақат аъмолларимизни оқлаёттан даиллар, тахминларимизни оқлаёттан воқеалик эмас, хоҳишларимизга мос келадиган даилларғина көрек!

Андре Марупайттан әди: “Шахсий хоҳишларимизга мос келган нарса бизга ҳақиқат бұлған күринади. Үнга зид келадиган ҳамма нарса эса ғазабимизни құзитади”.

Менда даилларни холисона ва аниқ баҳолайдиган ва ўз муаммоларимизга ташқаридан туриб қарашға имкоң берадиган икки йүл бор:

1. Даилий ашёни түплар эканман, бу ишни ўзим учун эмас, бошқа бирор учун қиляшман деб тасаввур этаман. Бу менге бағаразлық ва холисиқиі сақлаб қолишимга ёрдам беради. Ушбу жараён ҳиссиётни бартараф этишга ёрдам беради.

2. Мени безовта қилаёттан муаммо ҳақидағи даилий ашёни түплар эканман, ўзимни гоҳо судда рақибим томонида туриб гапиришга тайёрланадын адвокатдай тасаввур қиласын. Бошқача айттанда, ўзимға қарши даилларни түплашыға ҳаракат қиласын: булар хоҳишларимға түгри келмайдиган ва мен ёқтирумайдын даиллардир.

Кейин бу ишнинг ҳар иккала томони учун даилларни ёзиб оламан ва одатдагидек, ҳақиқат мана шу икки четдеги нұқтаи назарнинг үргасида ёттандек туулады.

Ишнинг моҳияти шундаки, на сиз, на мен, на Эйнштейн ёки Құшма Штатларнинг Олий Суди

мазкур масала бўйича аввал далилий ашёларни тўпламай туриб, бирон-бир муаммони оқилона ҳал қила олиш учун бу қадар мукаммал ҳисобланмаймиз. Томас Эдисон буни яхши билган. Ҳаётининг охирига келиб, унинг бисотида икки минг беш юз қайд дафтарчasi тўпланган экан. Уларга ўзини ташвишга соглан муаммолар бўйича далилларни қайд этиб борган.

Шунинг учун муаммони ҳал этишнинг биринчи қоидаси далилий ашёни тўплашдан иборат. Келинг, декан Хоксадан ибрат олайлик-да, масалани холис далилий ашёни тўплаб олгандан кейин ҳал этишга ўтайлик.

Аммо дунёдаги бор далилий ашёни тўплаганимизда ҳам, агар уни таҳлил ва талқин этмасак, бундан тирноқча наф бўлмайди.

Кези келганда шуни айтишим керакки, ўзимга жуда қимматга тушган тажрибам асосида агар олдиндан бир варақ қозогзга ёзиб борилса, далилларни таҳлил қилиш ацча осон булишини англааб етдим. Ҳақиқатан ҳам далилларни қозогзга тушириб боришимиз ва муаммони аниқ бир шакла солишимиз уни оқилона ҳал этиш йўлини топишда дурустгина ёрдам беради.

Чарльз Кетринг: “Агар аниқ ифода этилган бўлса, бу муаммо ярмига ҳал бўлди дегани”, деб айтган экан.

Бу тамойилларнинг амалий исботини қўйидаги мисолларда кўрсатиш мумкин. Хитойликларда “Ўн мингта сўздан битта сурат афзал” деган нақл бор. Келинг, фараз қилайликки, мен сизга бу суратни кўрсатяпман, унда сиз тилга олгани тамойиллар асосида муайян қадамлар қўйилмоқда.

Гейлен Литч菲尔динг бошидан шундай воқеа ўтди. Мен уни бир неча йилдан бери биламан. У Узоқ Шарқдаги энгомадли америкалик ишбилармонлардан бири, 1942 йилда мистер Литч菲尔д Хитойда бўлган

вақтда японлар Шанхайни босиб олган эди. Литчилик меникига меҳмонга келганида қуидаги воқеани ҳикоя қилиб берган:

Японлар Перл-Харборга зарба бергандан кейин кўп ўтмай уларнинг қўшини Шанхайга бостириб киради. Ўшанда мен Шанхайдаги Осиё сугурта компанияси бошқарувчиси бўлиб ишлардим. Компаниямизда “адмирал унвонидаги ҳарбий кушанд” деган шахс найдо бўлди, у компания активларини тутатишда ўзига қарашиб юборишимни буюрди. “Хўп” демасдан иложим йўқ эди. Ё у билан ҳамкорлик қилишим, ё бошқа йўл танлашим керак эди. Бу “бошқа йўл” эса муқаррар ўлимни англатарди.

У нима буюрса, шуни бажаардим, чунки бошқа иложим йўқ эди. Бироқ мен адмиралга берган активларимиз рўйхатига 750 минг долларлик қимматли қофозни киритмаган эдим. Бундай қилишимнинг сабаби, улар бизнинг Гонконгдаги филиалимизга қарап ва Шанхайдаги уруш ҳаракатларига бунинг ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. Шундай бўлса-да, буни японлар билиб қолиши мумкинлигидан хавотирланардим. Кўп ўтмай буни билиб қолишли ҳам.

Бу вақтда офисда эмасдим. Аммо у ерда компаниянинг бош ҳисобчиси бор эди. Унинг айтишича, адмирал қаттиқ дарғазаб бўлибди. Ер тепиб, мени ўгридан олиб ўгрига, сотқиндан олиб, сотқинга солибди. Мен япон армиясининг обрўсини тўккан эмишман. Бунинг нимани англатишни билардим: мени Бриж Хаусга жўнатишади.

Бриж Хаус — япон истилосининг қийноқлар камераси. Яқин дўстларимдан баъзилари унга тушмаслик учун ўз жонига сунқасд қилишган, бошқалари эса ўн кунча давом этган сўроқ ва қийноқларга бардош беролмай, жон таслим этишарди. Энди навбат менга келганди! Нима қилиш керак?

Мен бу ҳақда якшашба куни тушда хабар топдим. Аҳвол шударажага етиб келган эдики, ҳамма нарсадан умидимни узишим керак эди. Агар муаммоларни ҳал этишнинг муайян услубига эга бўлмаганимда, шундай бўларди ҳам. Кўп йиллар бадалига менда шундай одат юзага келган эдики, бирон-бир нарсадан ғамташвишга ботиб қолсам, шартта ёзув машинкамга ўтирадим-да, ўзимга иккита савол бериб, уларга жавоб ёзишга киришардим.

Мана ўша саволлар:

1. Ташвишланишнинг сабаби нимада?
2. Бу борада қандай чоралар кўрсан бўлади?

Аввалига мен бу саволларга ёзувсиз жавоб беришга ҳаракат қиласадим. Аммо кўп йиллар бўлдики, бу одатни ташлаб юборгандим. Саволларни ҳам, жавобларни ҳам ёзиш фикрлаш ва тафаккурни равшанлаштиришини билдим. Шу боис ўша якшашба куни тушда тўгри ёш насронийлар ассоциацияси Шанхай бўлими менга олиб берган ўз хонамга кирдим-да, машинкани олиб, ёза бошладим:

1. Нимадаи безовталанияпман?

Мени Бриж Хаусга жўнатишларидан қўрқяпман.

2. Шу муносабат билан қандай чоралар кўришим мумкин?

Бу борада соатлаб бош қотирдим. Тахмии қилишган амалларнинг тўртта ვарианти ва оқибатларини ёздим.

1. Мен ўз ишларимни япон адвокатта тушунтириб беришга ҳаракат қила оламан. Аммо у инглизча гапирмайди. Борди-ю, у мен билан тилмоч ёрдамида гаплашадиган бўлса, яна даргазаб бўлиши мумкин. Бу эса ўлимни англатади. Чунки у шу қадар бераҳмки, мен билан қийналиб гаплашишдан кўра яхшиси, Бриж Хаусга жўнатиб қўя қолади.

2. Қочиб кетишга ҳаракат қилишим мумкин. Бунинг иложи йўқ. У мутгасил ортимдан пойлайди.

Хонага кириб келишім ва ундан чиқиб кетишім ҳақида уларни воқиғ қилиб туришим керак. Борди-ю, қочиб кетишга ҳаракат қылсам, унда мени тутиб олишлари ва отиб ташлашлари тайин.

3. Мен шу ерда, хонада қолишим ва оғисда күрингаслигим керак. Борди-ю, шундай қылсам, япон адмиралы мендан шубҳа қилади ва әхтимол, мени ҳибсга олгани ва Бриж Хауста жүпштаппани аскарларни юборади. Мен, одатдайдек, душанба күні әрталаб ишга боришим мүмкін. Агар шундай қылсам, адмирал ғоят банд бұлади, менинг нима қылғаним борасыда үйламайди, бунға ишончим комил. Шунда улар билан гаплашишга менде имконият бұлмайди. Ҳатто у буни эслаганда ҳам әхтимол, тинчланған ва мени үз ҳолимга қўйған бұлади.

4. Шу боис, агар әртага оғисста борсам ва үзимни ҳеч шарса бұлмагандек тұтсам, бу менга Бриж Хаусдан қочищ учун икки қулайлик пайдо қилади.

Юзага келган ақвонни ҳар тарафлама үйлаб күриб, тұртнчи вариант бүйіча иш тутишга қарор қабул қилиб бұлғанимдан кейин оғисста келганимда адмирал үша ерда әди. У үтириб сигара тортарди. Одатдайдек, менга тикилиб қаради, аммо ҳеч нима демади. Ярим йилдан кейин эса Худога шукурки, у Токиога қайтды ва менинг ташвишларым шиҳоясига етди.

Олдин айтганимдек, үша якшанбада үзимнинг барча әхтимол қылған амалларимни ва уларшынг таҳмин қилинған оқибатларини қайд этиб, хотиржамлик билан бир тұхтамға келиб, ҳаётимни сақлаб қолған әдим. Борди-ю, бундай қылмагапимда, нима қилишимни билмай изтироб чеккан ва әхтимолки, шошилинчда хатога йўл қўйған бұлардим. Бутун якшанба оқшомида ташвиш-таҳлиқадан үзимни қўйғани жой тополмасдим. Тунни мижжа қоқмай ва ҳаяжонланған ҳолда үтказардим. Душанба куни

офисга саросимада ва ҳаяжонланган ҳолда келган бўлардим ва мана шунинг ўзиёқ японнинг шубҳа қилишига ва мени жазолашига туртки бўлар эди.

Ўз тажрибамдан қайта-қайта ишондимки, қарор қабул қилиш ҳолатининг ўзи катта аҳамиятга эга. Айнан маълум бир қарор қабул қилишга лаёқатсизлик ва шубҳа-ю гумонларнинг жирканч доирасидаги маъносиз ҳаракатларни бас қиласлик одамларнинг асабини қаттиқ қақшатади ва уларнинг ҳаётини чинакам дўзахга айлантиради.

Аниқ бир тўхтамга келдим дегунимча, ташвишларимнинг ярми беиз гойиб булишини билдим. Тухтамга келган нарсани бажара бошлаганингда эса яна қирқ фоизи йўқолади.

Шу тариқа қуйидаги тўрт амални адо этар эканиман, ташвишларимнинг тўқсон фоизидан фориг бўламан:

1. Ёзма равишда ташвишларим боисини аниқ ифода этаман.
2. Тахмин қилинган амалларнинг вариантларини ёзив қўяман.
3. Аниқ бир тўхтамга келаман.
4. Уни бажаришга бетўхтов киришаман.

Ҳозирги вақтда Гейлен Литчфилд “Старр Прак энд Фримен” компаниясининг Узок Шарқ бўлими директори лавозимида ишламоқда. У ерда йирик сугурта ва молия фирмалари манфаатини ҳимоя қиласди. Дарҳақиқат, олдин айтиб ўтганимдек, у Осиёдаги энг омадли бизнесменлардан бири ҳисобланади. Ўз муваффақияти учун ташвиш келиб чиқиши сабабларини таҳдил этишдаги услубидан ва муайян тўхтамга кела билишидан миннатдор эканини эътироф этди.

Бу услубнинг муваффақият қозониши сири нимада? Гап шундаки, у самарали, аниқ, бевосита муаммоли моҳиятни ҳал этишга йўналтирилган. Бундан

ташқари учинчи муқаррар қоида энг мұхим таркибий қисм ҳисобланады: юзага келган муаммони ҳал этиш учун қандайдир чора күринг. Борди-ю, бирон-бир чора күрмасақ, далилий ашё түплаш буйича барча фаолиятимизни шамолга совурған бұламиз.

Ташвиш билан bogliq муаммоларимизни ҳал этиш учун нимага Гейлен Литч菲尔д усулинин ҳозирнинг үзида құллаб бұлмас экан?

1-савол. Айни пайтда мени нима безовта қиляпти? (Жавобини қаламда ёзинг).

2-савол. Бу борада мен қандай чора құраман? (Үз жавобингизни ёзинг).

3-савол. Менинг сұнгы қарорим қандай бұлады?

4-савол. Уни амалда қачондан құллай бошлайман?

Бешинчи боб

ИШДА ЮЗАГА КЕЛГАН ТАШВИШНИНГ ЯРМИДАН ҚУТУЛИШ СИРИ

Агар сиз бизнес билан шугуланаёттан бұлсангиз, ҳозирнинг үзидаёқ үзингизга бундай дейгі:

“Бу бобнинг номи мутлақо нобоп. Мен ўн түккіз йилдан бери шу билан шугулланаман, буни мендан яхши биладиган одам бормикан?”

Кимдир менга келиб, ишимда юзага келган ташвишларнинг ярмидан қандай қутулишим мүмкінligини айтиши ақлаға сіргімайдың гап”.

Тұгрими? Жуда соз! Унда мен сизге юзага келған бир ишビルармен ташвишларининг 50 фоизидан қутулғани эмас, балки одатда турлы муаммоларни ҳал қилишга бағишиләнгән йигилишларта сарфлайдың вақтини 75 фоиз тежаб қолғани тұгрысида ҳикоя қилиб бераман.

Мен қандайдир “Мистер Жонс” ёки “Мистер Х”, ёки “Огайодан бир танишинг” ҳақидағи номағлум ва текцириб бўлмайдиган одамни таништироқчи эмасман. Гап Леон Шимкин деган муайян шахс устида бормоқда. Кўп йиллар давомида у “Симон эну Шустер” нашриёт уйининг директори эди ва ҳозирда у Нью-Йорк Рокфеллер маркази “Покет бакс” компаниясининг раиси лавозимини эгаллаб турибди.

Мистер Шимкин бизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

“Ун беш йил давомида иш вақтимнинг ярмини йигилишларда ўтказдим. Уларда муаммоларни муҳокама қилар ва у ёки бу ишни бажаришда ёхуд умуман ҳеч нарса қилмасликка аҳдлашардик. Биз асабийлашар, ўриндиқларимизда типирчилар, залда у ёқдан бу ёққа юрар, баҳслашар эдиг-у, ҳеч нарсани ҳал этолмай, яна дастлабки мушоҳадаларга қайтардик. Кечга бориб ўзимни мутлақо беҳол ҳис этардим. Қолган умримни цуқул шунақа йигилишлардан бошим чиқмай ўтказишмни билиб турардим. Ун беш йил шундай қилдим ва муаммони ҳал этишнинг бундан дурустроқ йўли борлигини тасаввур қилмасдим. Борди-ю, кимдир менга йигилишларга сарфлаган вақтимнинг тўртдан уч қисмици ва асабий қувватимнинг тўртдан уч қисмини тежаб қолишим мумкинлигини айтгудек бўлса, уни ҳаётдан орқада қолган содда одам деб ўйлардим. Дарвоқе, айнан мен ўзимдан кучим етмайдиган юкни итқитиб ташлашга имкон берувчи услубимни ишлаб чиқдим. Ишнимнинг самарадорлиги ҳайратомуз даражада ўсди. Бу усулдан саккиз йил давомида фойдаландим. Соглигим яхшиланиб, ўзимни гижинглаган тоҷоқдек ҳис этар, энг баҳтли инсон ҳисоблардим.

Бу сеҳрга ухшарди. Аммо барча сеҳр ишлари каби менинг услубим, агар унинг иши равшан бўлса, ҳаддан

ташқари оддий эди. Унинг моҳияти қўйидагича: энг аввало ёрдамчиларим аввал-бошданоқ ҳаммасини миридан-сиригача бир-бир санаб чиқиб, уларни ташвишга солган муаммо ҳақида ҳикоя қилган ва ўз сўзларини “Нима қилмоқ керак?” деган савол билан тутаттанди. Мен йигилишларда ўтаган ўн беш йиллик амалиётимдан шартта воз кечдим. Бундан ташқари янги қоида жорий қилдим. Бу қоида шундан иборат эдики, мен билан бирон-бир муаммони ҳал этмоқчи бўлган ҳар қандай одам қўйидаги саволларга жавоблари бўлган маъсус маълумотни тақдим этиши керак эди:

1-савол. Муаммо нимадан иборат?

(Илгари биз, одатда, моҳиятини ичимиздан ҳеч ким аниқ билмайдиган муаммони мухокама қилишга бир ё икки соат вақтимизни сарфлардик. Бизни ташвишга солган муаммолар ҳақида қизгин баҳслашардик, уларнинг моҳиятини, ҳатто ёзма равишда аниқ баён этишга ҳаракат қиласадик).

2-савол. Муаммони келтириб чиқарган сабаблар нимадан иборат?

(Орқамга қайрилиб қарар эканман, кўплаб соатларимни муаммони мухокама қилишга беҳуда сарфлаб, унинг сабабини аниқ билиб олишга заррача ҳаракат қиласанимни аиглаб, вужудимни даҳшат кемиради).

3-савол. Муаммони ҳал этишнинг қандай имкониятлари мавжуд?

(Илгари йигилиш вақтида, одатда бир одам қарорни таклиф этар, бошқалар у билан баҳсга киришиб кетарди. Кўпинча бундан асаблар жунбишга келарди. Мухокамамизда масала моҳиятидан узоқлашиб кетардик. Йигилиш сўнгида эса мухокама пайтида юзага кёлган хилма-хил таклифларни ҳеч ким ёзиб бормагани маълум бўларди).

4-савол. Сиз қандай ечимни тақлиф қиласиз?

(Күпинча йиғилишда мазкур муаммо баҳонасида узоқ вақт давомида жабр чеккан, аммо бирон марта уни ҳал қилиш имкониятлари ҳақида үйламаган ва мен мана бундай ечимни тақлиф этаман, деб ёзив қўйишни эп билмаган одам билан мунозара қилар эдим).

Энди муаммони муҳокама қилиш учун ходимлар билан кам учрашаман. Нимага? Гап шундаки, менинг тўрт саволимга жавоб бериш учун барча далилларни тўплаб, аҳволни атрофлича муҳокама қилишлари шарт бўларди. Бу нарсалар қилиб бўлингач эса, тўрттадан уч ҳолатда бирор билан маслаҳатлашишга ҳожат қолмасди, чунки зарурий ечим бодроқ донаси каби сакраб кетаверарди. Борди-ю, бари бир мен билан маслаҳат қилиш шарт бўлиб қолса, унда унинг муҳокамасига илгари шу мақсадда сарфланган вақтнинг учдан бир қисмидан озрги кетарди, чунки муҳокама батартиб, мантиқли олиб борилиб, биз ҳар доим оқилона ечим топардик.

Энди компаниямизда ташвиш ва муаммолар ҳақидаги сұхбатларга камроқ вақт сарф бўлиб, аҳволни үйлаш учун кўриладиган зарурий чора-тадбирларга кўпроқ эътибор берилмоқда".

Сугурта бизнеси соҳасида етакчи корчалонлардан бири дўстим М. Фрэнк Бетжер менга шундай усул ёрдамида ўз ишлари борасида камроқ ташвиш чекишигина эмас, балки ўз даромадини икки баравар кўпайтириб олгани ҳақида ҳикоя қилиб берди:

"Кўп йиллар муқаддам, сугурта полисларини энди-энди сота бошлатанимда ўз ишимга жонжхаҳдим билан киришиб кетган эдим. Кейин нимадир содир бўлди. Ҳафсалам пир бўлганини ҳис этдим, ишимдан бутунлай кўнглим совиди, бошқа иш билан шугуллансан қалай бўларкин деб үйлай бошлидим. Агар бир гал якшанба куни эрталаб хаёлимга бир

фикр келиб қолмаганида, балки шундай ҳам қилған бұлардим. Мен бемалол үтириб ташвишларим бойсинаи билишга ҳаракат қылдым.

1. Энг аввало үзимдан “Асл муаммо нимада?” деб сұрадым. Жавоб: менинг сонсиз ишбілармөнлик учрашувларим дурустроқ самара бермаялти. Мижоз, әхтимол, мендан сугурта полисини сотиб оламан деб турғанида ҳаммаси жүялиқкіна кетаётгандай бұлади, аммо қарабсизки, битим бузилиб үтирибди... “Мистер Бетжер, келинг, бошқа вақт учрашайлык”, – дер эди мижоз. Айнан мана шу тақрорий учрашувлар менинг ҳафсаламни пир қиласа өтті.

2. Үзимдан сұрадым: муаммони ҳал этишнинг қандай тахмин қилинган йўллари бор? Аммо бу саволга жавоб айтишдан аввал мен далилларни ўрганишим керак. Кейинги йигирма йилдаги ишбілармөнлик қоғозларимни олдим-да, рақамларни таҳлил этишга киришдим.

Мен ажайиб кашфиёт қылдым! Айнан уша ерда аниқ-тиниқ қилиб ёзиб қўйилгандики, савдо-сотиқларимнинг 70 фоизини биринчи учрашувимда, 23 фоизини иккинчи учрашувда, фақат 7 фоизинигина кейинги учрашувларда амалга оширишга муваффақ бўлган эканман. Худди мана шу сўнгилари мени нари олиб бориб, бери олиб келаётган эди. Худди мана учрашувларга вақтим кўпроқ исроф бўлган экан. Бошқача айттанда, мен иш кунимнинг ярмини мижозларининг сотилған сугурта полислари умумий миқдоридан фақат 7 фоиз берган қисмiga беҳуда сарфлар эканман.

Бундай аҳволда нима қилиш лозим бўлади? Жавоб мутлақо равшан эди. Мен зудлик билан биргина мижознинг олдига қатнашни тўхтатдим, ортиб қолган вақтии истиқболдаги мижозлар билан ишлашга багишладим. Натижка ҳайратомуз эди. Қисқа муддат ичида мижоз билан ҳар бир учрашувдан тушадиган

молявий фойдани қарийб икки баравар оширишга муваффақ бўлдим".

Аввал айтиб ўтганимдек, бугунги кунда Фрэнк Бетжер — мамлакатдаги энг яхши сугурта агентларидан бири. У Филадельфиядаги "Фиделити митчуэл" компаниясида ишлайди ва ҳар йили бир миллион долларга сугурта полисларини сотади. Аммо у бир вақтлар бу ишни ташламоқчи бўлиб юради. Енгилтаклигини тан олишга тайёр эди, аммо вазиятни таҳлил этиб, ўз ишида олга силжиб олди ва муваффакиятта эришди.

Учинчи қисм СИЗНИ ЕҢГМАСДАН ОЛДИН ТАШВИШНИ ЕҢГИНГІ

Олтинчи боб

ТАШВИШ ХАЁЛИНИ МИЯДАН ҲАЙДАШ

Бир қанча йиллар муқаддам тунда бұлиб үттан бир сұхбат сира эсимдан чиқмайды. Мистер Марион Ж. Дуглас маштабтаримга қатнаб юрарди (у үтениб сұрагани учун ҳақиқий исмини тилга олмайман). Аммо бу воқеа ростдан бұлиб үтган ва мен уни мистер Дуглас қандай ҳикоя қылған бұлса, ушандай тасвирлалыпман. У хонадони бошига бир эмас, икки марта түшгән фожиани гапириб берди. Бириңчи гал унинг жондан ортиқ севувчи беш яшарлық қызалоги үлади. У ва хотини бу ғамни күтаролмасақ керак деб үйлайды. Үн ой үтгач, Худо уларға яна бир қызалоқни ҳадя этади, аммо беш күн үтгач, бу қызалоқ ҳам ҳаётдан күз юмади.

— Бу құшалоқ мусибат зарбига чидашимиз амри маҳол эди, — деган эди у. — Мен на ухлар, на овқат ер, на ҳордик чиқара олардым. Асаб тизимларим бутунлай ишдан чиқиб, сабабсиз құрқұвлар вужудимни кемиради. Охири шифокорға мурожаат қылдым. Улардан бири үйқу дори ичинг, бошқаси саёхатта чиқинг, деб маслаҳат берди. Иккаласини ҳам қылдым, лекин булар ёрдам бермади. Назаримда, вужудимни пимадир искаижага олиб, тобора күчлироқ қисиб келаётгандай. Агар бопшингизта қаңондир зүр мусибат түшгән бұлса, бунинг қанақа бұлишини үзингиз биласиз.

Аммо Худога шукурки, мепшиң яна бир болам — түрт яшарлық үғилчам қолғанди. Муаммони қандай

ҳал қилишни менга мана шу болам айтди. Бир куни кечга яқин ўриндиқда ўтирганча қисматим шўрлигидан Худога нола қилардим. Ўглим аста келиб, “Дада, менга кема ясаб беринг!” деб илтимос қилиб қолди. Тұгриси, құлым ҳеч нарсага бормай қўйганди. Аммо фарзанд фарзанд экан-да, унинг мўлтираб туришидан юрак-багрим эзилиб кетди.

Кемани ясашга уч соат вақт кетди. Кемани ясаб бўлғач, мана шу ўтган уч соат ичида банд бўлганимдан, сўнгги қўплаб ойлардан кейин биринчи марта мен учун одат бўлиб қолган асабий зўриқишини ҳис этмаганимни ва ўзимни хотиржам тутганимни англадим.

Бу қашфиёт кўзимни мошдай очди ва бир оз уйлашга мажбур этди. Ўтган вақт давомида мен чинакамига ўйландим. Режалаштириш ва фикрлашни талаб этувчи бирон-бир иш билан банд бўлсанг, ташвишга ўрин қолмаслигини тушундим. Мендаги ҳолат ўглимга кемача ясаб бериш баҳонасида миямдан ташвиш хаёлини чиқариб ташлаганди. Шу боис муттасил нима биландир шугулланишга қарор қилдим.

Эртасига кечқурун уйда у хонадан бу хонага ўтиб юрар эканман, қилишим керак бўлган ишлар режасини тузар эдим. Ўнлаб синиқ ва чиқиқ буюмларни созлаш лозим эди. Китоб жавони, зинапоя, дераза ва дарча пардаси, қулфлар, сув жўм-раклари — таъмирталаб бўлиб ётарди.

Ҳайрон қолдим: бир ҳафта ичида оз эмас, кўп эмас, нақд 242 банддан иборат зарурый ишлар режасини туздим.

Икки йил ичида улардан кўпчилигини бажариб бўлдим. Бундан ташқари менга куч бағищловчи ишлар билан ҳаётимни тўлдиридим. Ҳафтасига икки марта кечқурунлари Нью-Йорқдаги кечки мактабга қатнардим. Она шаҳримда ижтимоий фаолият билан

шугуллана бошладим ва ҳозирги вақтда мактаб кенгаши раисиман. Ўнлаб йигилишларда иштирок этаман. Қизил Хоч учун пул тўплашда ёрдам қиласман ва яна кўплаб ишлар билан машгул бўламан. Шу қадар бандманки, ташвишланиш учун менда вақт бўлмайди.

Орамиздан кўпчилигимиз осоигина “иш билан андармон” бўламиз, чунки ҳар доим иш ва кундалик юмушлардан сира бошимиз чиқмайди. Аммо хатар ишдан кейинги вақтда бошланади. Биз иш билан машгул бўлмаган ва бўш вақтдан лаззатланишимиз мумкин бўлган вақтда ўзимизни баҳтиёр ҳис этишимиз керақдай туюлади, бироқ айни шу пайтда ташвишдан келиб чиқувчи қора кучлар бало-қазодай ёпирилиб келади. Айни шу шаллода ҳаётда тўгри йўлни танлай олмаганимиз ҳақидаги фикрлар бизга азоб бера бошлайди, бошлигимиз томдан тараша тушгандай айтган иборадан пинҳоний фикрни ўлибтирилиб қидирамиз ёки сочимиз тўклилаётганидан изтироб чекамиз.

Бирон-бир юмуш билан банд бўлмаганимизда миямиз бўшлиқ деб аталувчи ҳолатга интилади. Табиат эса бўшлиққа тоқат қилолмайди. Бўшлиқнинг энг осон тушунарли мисоли — оддий электр чироги. Уни сициринг, тамом, табиат бу назарий бўмбўшликни ҳаво билан тўлдиришга мажбур этади.

Агар бирон-бир фаолият билан банд бўлмасак, табиат худди ўшандай онгимиздаги бўшлиқни тўлдиришга интилади. Нима билан тўлдиради? Одатда, ҳиссиётлар билан тўлдиради. Нима учун? Чунки ташвиш, қўрқув, нафрат ва ҳасад сингари ҳиссий ҳолатлар ёввойиликнинг ибтидоий кучлари ва жўшқин қуввати билан ҳаракатга келади. Бу ҳиссиётлар шу қадар кучлики, улар барча дунёвий ва баҳтиёр фикр-туйғуларимизни шууримиздан сиқиб чиқариб ташлаши мумкин.

Колумбия педагогика коллежи профессори Жеймс Л. Митчелл бу фикрни жуда яхши ифодалаган: “Кундалик юмушларингиздан холи пайтингизда ташвиш сизни янам кўпроқ ҳолдан тойдириши мумкин. Ихтиёрингиз қўлдан кетиши ва бошингизга турли балоларни ёғдириши, арзимаган эҳтиётсизлигингиз туфайли пашибадан фил ясалishi мумкин. Бундай вақтда миянгиз бор кучи билан ишлаб турган моторга ухшайди. У ақл бовар қилмас тезлиқда чириллаб айланади, подшипниклар эрий бошлайди, мотор бўлакларга бўлиниб, ҳар томонга сочилиб кетадигандек туолаверади. Бу ташвишни енгиш учун ўзингизни дарҳол қандайдир яратувчилик фаолияти билан банд қилишингиз керак”.

Аммо бу ҳақиқатни англаш ва уни амалда қўллаш учун коллеж профессори булиш шарт эмас. Уруш вақтида мен чикаголик бир уй бекасини учраттганман. У менга ташвишни енгиш учун дарҳол ўзини биронта яратувчалик фаолияти билан банд этиш зарурлигини англашга муваффақ бўлганини сўзлаб берганди. Ёнида эри ҳам бўлиб, улар поезднинг ресторанли вагонида Нью-Йорқдан Миссуридаги менинг фермамга кетишаётган эди.

Уларнинг айтишларича, Перл-Харборга ҳужум қилишганининг эртасига ўтилари армияга жўнатилган. Ўгилларини ўйлайвериб бечора хотин адойи тамом бўлибди. Қаерда у? Тан-жони соғмикан? Ё жангдамикан? Ярадор бўлдимикан? Ҳуб кегдими-кан?

Ташвишингизни қандай енгдингиз, деб берган саволимга у: бошим билан юмушларга кўмилиб кетдим, деб жавоб берди. Энг аввало чўри қиласидан ишларни бажаришга киришибди ва уйдаги барча юмушларни ўзи тиндира бошлабди. Аммо бу ҳам айтарли дардини енгиллатмабди.

– Ҳамма бало шундаки, – деди у, – мен юмушла-
римни деярли беихтиёр бажаар эдим, миям ҳеч нар-
са билан банд бўлмасди. Шу боис кўрпа-тўшакларни
йиққанда ва идиш-товоқларни чайганда ташвиш
мени сира тарк этмасди. Шунда фақат жисмоний
эмас, ақлий жиҳатдан ҳам мени банд қилиб турадиган
бошқа бир иш қилишим кераклигини англадим.
Кейин катта универсал дўконга сотувчи бўлиб ишга
кирдим.

Шу ёрдам берди. Мен дарҳол хилма-хил ишлар
гирифтига шўнгига кетдим: олдинига харидорлар
келарди, нархини сўрарди, буюм ўлчамлари ва
рангларини танларди. Ўз муаммоим ҳақида ўйлашга
бир сония ҳам вақт бўлмасди. Тунлари эса оёғимдаги
оғриқни ўйлардим, холос. Кечки овқатни ердим-у,
тапша ташлаб ухлардим. Ташвишланиш учун на
вақтим бўларди, на мажолим.

Аёл ўзи учун кашфиёт ясади ва Жон Каунгер
Поупс ўзининг “Ташвиши унтиш санъати” кито-
бида ёзган қўйидаги гаплар билан нимани назарда
тутганини тажрибасида тушуниб етди: инсон зоти
унга тоғширилган иш билан банд бўлганида уни
хавфсизликнинг аллақандай ёқимли туйгуси, теран
хотиржамлик ва сирли баҳтиёр туйгу қамраб олади.

Шунга қодирлигимизнинг ўзи бир баҳт эмасми?

Одамзоддаги баҳтсизлик сирини бир жумлада
умумлаштириб, буш вақтингиз бўлишига эришиш ва
ундан баҳтиёрмисиз ёки йўқ эканлигинизни ўйлаш
учун фойдаланинг, деганида Жорж Бериард Шоу
мутлақо ҳақ эди. Шу боис ташвиш ҳақида ўйламанг.
Енг шимарив ишга киришинг. Уша заҳотиёқ томи-
ришгизда қон жўш ура бошлаганини, миянгиз иш-
лаётганини ва ҳаётий қувватнинг қудратли оқими
сизни ташвиш балосидан холос қилганини ҳис
этасиз. Ишга киришинг. Ишланг. Бу ер юзидағи энг
арzon ва энг яхши дорилардан биридир.

Ташвишланиш одатидан қутулиш учун 1-қоидага амал қилинг:

Ишга киришинг. Ташвишга боттан одам боши билан ишга шұнғиши керак, акс ҳолда түшкүнлик унинг соглигини еб битиради.

Еттинчи боб

ҚҰРҚАНГА ҚҰШАЛОҚ КҮРИНАДИ

Бу ҳайратомуз воқеани бир умр эсдан чиқармасам керак. Уни менга Нью-Жерси штати Мемплвуд шаҳридан Роберт Мур ҳикоя қилиб берганди.

1945 йил марта 276 фут чуқурлиқда Ҳинд-Хитой соқиллари яқинида ҳаёт менга зүр сабоқ берганди. Мен “Байа СС 318” сувости кемасининг саксон саккиз кишилик командаси сафида здим. Радарлар япон кемаларининг унча катта бўлмаган қўриқчи гуруҳи биз томон келаётганини кўрсатиб турарди. Тонгда биз сувостига тушиб кетдик ва ҳужумга тайёрлана бошладик. Перисткопда япон ҳарбий сувости кемаларини кўрдим. Улардан отилган учта торпедо ёнимиздан ўтиб кетди. Бу торпедолар механик қисмидаги носозликдан шундай бўлди. Ҳужумни сезмаган кемалар ўз йўлидан ҳаракат қилиб келарди. Қаторнинг охирида келаётган кемага ҳужум қилишга тайёрландик. Бироқ тўсатдан у бурилди-да, тўгри биз томонга қараб йўл олди. Бизни япон самолёти олтмиш фут чуқурлиқда бўлсак ҳам пайқаб қолганди ва бу ахборот кемага узатилганди. Душмандан яшириниш учун биз 150 фут чуқурлиқка тушдик ва чуқурлиқдан отилувчи бомбалар билан ҳужумга ўтишга шайлана бошладик. Кўшимча болтлар билан люкларни маҳкам қилиб беркитдик ва тўла сукунат сақлаш учун барча парракларни, совитиш тизими ва электр тизимини учирив қўйдик.

Уч дақиқадан сүнг дўзах оташгоҳига тушиб қолғандай бўлдик. Атрофимизда бомба портлади ва портлаш кучи бизни нақ денигининг тубига, 276 фут чуқурликка итқитиб юборди. Бизни даҳшат қамраб олди. Сувости кемаси учун 1000 фут чуқурликда ҳужумга учраш хатарли бўлади, 500 футдан камроқ чуқурликда эса ҳар доим ўлимга дуч келинади. Биз эса 250 футдан сал кўпроқ чуқурликда ҳамлага дуч келгандик, хавфсизлик нуқтаи назаридан биз бамисоли тиззамиздан сувда турардик. Япон кемаси бизга 15 соат мобайнида бомба ёғдириб турди. Сувости кемасидан ўн етти фут радиусда бомба портлаши унинг корпусида ёриқ пайдо бўлишини англатарди. Ўнлаб бомбалар биз турган жойдан эллик фут нарида портларди. Биз эҳтиёт чоралари кўриш ва койкаларда тинчгина ётишга буйруқ олдик. Шунчалик қўрққандимки, зўрга нафас олардим.

“Ажалим етди, – тинимсиз такрорлардим мен, – ажалим етди”. Сувости кемасидаги барча парраклар ва электр тизими учирив қўйилганидан кема ичидағи ҳарорат тушиб бораради, мен қўрқувдан шундай қалтирадимки, свитер ва мўйна нимчамга ўрайиб олдим, бари бир совқоттанимдан тишларим тақилларди. Баданим муздай ёпишқоқ, тердан жиққа ҳул. Ҳужум ўи беш соат давом этди. Кейин бирданига портлашлар тўхтади. Афтидан, япон кемаси захирадаги барча чуқурлиқдан отидувчи бомбаларни отиб бўлган ва кетганди. Мана шу ўи беш соат менга ўи беш йилдай туюлиб кетганди. Мен онадан қайта турилгандай бўлдим. Қилган барча ёмон ишларим, беҳуда қилиқларимни эсладим. Флотдаги хизматгача банқда клерк бўлиб ишлардим. Мени бир нарса ташвишга соларди – иш куни жуда чўзилиб кетарди, оладиган маошим эса арзимаган бўларди, боз устига хизматдаги олга силжишим учун яхши,

истиқбол ҳам йүқ әди. Уйим йүқлиги, янги машина сотиб ололмаслигим, хотинимга янги кийим олиб беролмаслигимни үйлаб, ич-этимни ердим. Мудом ҳаммадан хафа булиб юрадиган түнд бошлиқ чолни шунақанги ёмон күрардимки. Кечқурун силлам қуриган ҳолда уйга қайтиб келганимда хотиним билан жиқиллашишларимни эсладим. Автомобиль ҳалокатида орттирган пешанамдаги хүнук чандиқни үйлаб, хафа булиб кетардим.

Бу қачонлардир булиб үтгап воқеалар әди! Чор атрофингда чуқурликда отиладиган бомбалар портлаб, ҳар лаҳзада нариги дунёга кетишім мүмкін булиб турған бир пайтда бундай муаммолар жуда бачканы күриниб кеттанды. Агар қуёш ва юлдузларни күриш тағии насиб этса, бошқа ҳеч қачон гам чекмайман, деб үзимга сұз бердім. Ҳеч қачон! Ҳеч қачон! Сиракуза университетінде үқиған түрт йилдан күра мана шу үн беш соат ичида яшаш санъати ҳақида күпроқ нарса билиб олдім.

Үзи тез-тез шундай булиб туради: жиiddий ҳаёт синовларини мардонавор қарши оламиз-да, умумаш бир чақага арзимайдиган турмуш икир-чикирларига бардош беролмаймыз.

Бизга ташвиш көлтирувчи күплаб майда-чуйда нарсалар хусусида ҳам шундай дейиши мүмкін. Биз уларни ёқтирмаймыз ва уларға ҳаддан ташқари күп ақамият беріб юборганимиздан ташимиз келади.

Дизраели деганди: “Майда ишлар билан шугулланиш учун умримиз гоят қисқалик қиласы”. “Бу сұзлар, – деб ёзғанди Андре Моруа, – шу ҳафтада жуда күп синовлардан муваффакияттың үтишимге ёрдам бергенди”. Аслида биз ёмон күришимиз ва уннутиб юборишимиз лозим бұлған майда-чуйда нарсалардан жиғибийрон булишга үзимиз йүл қүйишимизни англағадым. Ёруг дунёда яшашимиз учун бир неча үн йилгина ато этилған. Биз эса йиллар

үтиб үзимиз ҳам, бошқалар ҳам унугиб юборадиган нарсалар устида ташвишланиб ва хафа бўлиб, қимматли соатларимизни бой берамиз. Йўқ, бунга йул қўйиб бўлмайди. Келинг, ҳаётимизни муносиб ишлар ва орзуларга, буюк гояларни ижро этишга, пок туйгулар ва кўламдор лойиҳаларга багишлайлик. Зоро, умримизни гоят қисқа, майдо ишларга сарфлаб, зое кетказмайлик.

Ҳатто Редъяд Киплингдек истеъодди шахс ҳам “умримизнинг гоят қисқалигини, майдо-чуйдаларга исроф қилмаслик”ни гоҳо унугиб қўяр эди. Бунинг натижасида нима бўлган? У уз қайниси билан судлашганди, бу суд жараёни Вермонт тарихидаги энг машҳур судлардан бўлиб қолди. У жамоатчиликда шундай кучли таассурот қолдирди, бу воқеа муносабати билан ҳатто “Редъяд Киплингнинг Вермонтдаги суд жараёни” деган китоби ҳам чиқди.

Ишнинг моҳият-мазмуни мана бундай эди: Киплинг вермонтлик Каролина Балестъер деган қизга уйланди. Братлборода шинам уй қурди ва қолган умрини шу ерда ўтказишга аҳд қилди. Унинг қайниси Битти Балестъер Киплингнинг энг яхши дўстига айланди.

Кейин мана бундай воқеа юз берди. Киплинг Балестъердан ер сотиб олди, аммо шу шарт биланки, Балестъер ҳар йили ердаги пичанни ўриб, йигиб олиши мумкин. Бироқ бир куни Балестъер қарасаки, Киплинг пичан босишга мўлжаллаган жойни ағдариб, гулзор қилишга киришиб кетибди. Газабдан қайнисининг чапараста жаҳли чиқиб кетди. Киплинг ҳам ундан паст келгани йўқ. Вермонтнинг ям-яшил тоглари узра булат қуюқлаша борди. Бир неча кундан кейин эса...

Киплинг одатдагидек велосипедда кетаётганди. Шу пайт қўққисдан от қўшилган усти ёниқ арава унинг йўлини кесиб утди. Ўриндиқда Балестъер

үтиради. Киплинг үзини тутолмай, йиқилиб түшди. Мана шу одам, “Сергулу халойиқ орасыда үзингни тут, күнгилларига гулу соганинг бу халойиқ сени лаънатлагай”, деб ёзган шу одам үзини йўқотди-да. Балестъерни ҳибс этишларини сўради. Шов-шувга сабаб бўлган суд жараёни бошланди. Шаҳарни йирик газеталарнинг мухбирлари босиб кетди. Хабар бутун дунёга тарқалди. Мана шу суд Киплинг ва хотинии бутунлай Америкага кетишга мажбур қилди. Булар барі арзимаган нарса — бир бօғ пичан туфайли содир бўлди.

Бундан йигирма тўрт аср олдин Перикс замондошларини “Аҳли дунё, тұхтанг, энди майдачуйдалар билан шугулланишни бас қилинг! Афтидан, биз айнан шу нарса билан шугулланяпмиз!” деб огоҳлантирган экан.

Бир неча йил муқаддам Вашингтон штатининг қатта йўл нозири Чарльз Сейфред ва яна бир қанча дўстлар билан биргаликда Тeton миллий bogида сайр қилар эдик. Биз Жон Д. Рокфеллернинг бօғ ҳудудида жойлашган мулкига боришини мўлжаллаб қўйгандик. Бироқ автомобиль у йўл қолиб, адашиб бошқасидан юриб кетди, натижада ўша жойга бошқалардан яrim соат кейин етиб бордик.

Дарвоза калити мистер Сейфредда эди. Аммо у бизни жазирамада куйган ва чивинга таланганд ҳолда ўрмонда кутарди. Чивинлар шунақанги кўп эдики, уларнинг чақишига унча-мунча одам чидаёлмасди. Етиб келганимизда Сейфреднинг оғзидан безори чивинлар шаънига лаънатларни эшитдик дерсиз? Қаёқда, у бизни кутиб, тогтерак шохидан ҳуштак ясади-да, чалиб ўтираверибди.

Мен ҳаётимизда тўлиб-тошиб ётган икирчикирлардан қандай баланд келиш кераклигини билган одамдан шу ҳуштакни эсдалик сифатида асраб келаман.

Сизни енимасдан олдин ташвишни енгизингиз учун 2-қоидага риоя қилинг:

Ёмон күришимиз ва унугиб юборишимиз лозим бўлган майда-чуйдалардан жаҳлингиз чиқишига йўл қўйманг. Эсингизда бўлсин, майда-чуйдалар билан машгул бўлишга умримиз гоят қисқалик қиласди.

Саккизинчи боб

ТАШВИШЛАР КУЧНИ ҚИРҚУВЧИ ҚОНУН

Мен Миссури штатидаги фермада ўстаиман. Бир куни олча тозалашда ойимга ёрдам бераётган эдим, тусатдан кўзларимдан ёш тирқиради. Ойим: “Эй Худойим, Дейл, сенга нима бўлди?” деб сўради. Мен “Ўзимни тириклай кўмишларидан қўрқяпман”, дедим.

Уша кунлари ташвиш нақ жонимни сугуриб олаётганди. Момақалдироқ вақтида яшин уришидан қўрқардим. Бошимизга оғир кунлар тушганда ейишта ҳеч нарса бўлмаслигидан қўрқардим, ўлганимдан кейин дўзахга тушишдан қўрқардим. Акам Сэм Кайт ўзи пўписа қилганидек қулоқларимни кесиб ташлашидан ўлгудай қўрқардим.

Қизларга озгина эътибор бериб қараганим учун устимдан боплаб кулишларидан қўрқардим. Биронта ҳам қиз бола менга хотин бўлишга рози бўлмаслигидан, тўйдан кейин хотинимга нима дейишимни билмаслигимдан қўрқардим. Биронта кичикроқ қишлоқ черковида никоҳдан ўтгач, шо-килалар билан безатилган аравага ўтирамиз-да, хотиним билан фермамизга йўл оламиз деб тасаввур қиласдим. Шунда йўлда нима дейман? Нима дейман, хўш, нима дейман? Ер ҳайдар эканман, бир неча соат

Давомида ана шундай оламшумул саволлар билан бошимни қотирганим-қотирган эди.

Бироқ йиллар үтиб билдимки, мени қийнаган ташвишларнинг тўқсон фоизи ҳеч қачон амалга ошмас экан.

Масалан, боя айтганимдай, яшиндан ўлгудек қўрқардим. Аммо энди биламанки, қайси бир йилда мени яшин уриши Хавфсизлик бўйича миллий кенгаш ҳисоб-китобига кўра уч юз эллик мингдан биттасини ташкил этар экан.

Мени тириклайн кўмишларидан хавфсирашим эса ундан ҳам бемаънироқ бўлиб чиқди. Ҳатто ўша олис замонларда, ҳали ўлганларни мўмиёлаб дағн этиш бўлмаган вақтларда ҳам ўн миллиондан бир одамни тириклайн кўмишмаган экан. Аммо шундан қўрқиб йиғлаган пайтларим бўлган. Ҳар саккизтадан бир одам саратондан үлади. Агар ташвиш қиласидиган бўлсан, мени яшин уриб кетиши ёки тириклайн кўмишлари эмас, балки саратондан ўлиб кетишим мумкинлиги эҳтимоли кўпроқ эди.

Албатта, шуни назарда тутиш керакки, бу ерда гап менинг болалигим ёки ўсмирлигимда пайдо бўлган ташвиш ҳақида кетмоқда. Аммо катта ёшдаги одамларда пайдо бўладиган ташвишнинг кўпчилиги у қадар бемаъни эмас. Балки катта сонлар қонунини белгилаб қўйиш имкониятига эга бўлмоқдир. Ташвиш ва хавотирларимиз учун аниқ асосларга хотиржам инонгунимизча аяча муддат хотиржам яшай олсаккина ташвишларимизнинг ўнтадан тўққизтасини бартараф этолган бўлардик.

Лондонда жойлашган энг машҳур "Ллойд" сугурта компанияси кўпгина одамларнинг ҳар замонда содир бўладиган нарсалардан ташвишланишга мойилликларидан фойдаланиб, неча-неча миллионлаб доллар ишлаб олганди. Сирасини айтганда, "Ллойд" ўз мижозлари билан ташвиш солаётган

ҳалокат содир бұладими, бұлмайдими деган ўзига хос битим тузади. Аммо улар буни битим эмас, балки сугурта деб айтадилар. Ҳақиқатда эса бу катта сонлар қонунiga асос солған чинакам битим-ку. Бу компания икки юз йилдан бери гуркираб келмоқда. Борди-ю, башарият табиати ўзгармаса, у яна әллик асрлық истиқбол билан таъминланған деяверинг, бу вақт давомида у катта сонлар қонуни бүйича одамлар үйлагандек, ҳеч ҳам тез-тез содир бұлавермайдиган ҳалокат чөрида илгаригидек пойафзал, кемалар ёки күчириш сугуртаси билан шугулланиб келаверади.

Агар катта сонлар қонунини батағсилроқ қараб чиқадиган бұлсак, кашфиётимиздан ўзимиз ёқа ушлаймиз. Масалан, келажақдаги беш йилда худди Геттсбургда бұлганидек қаттиқ ва қонли жангда иштирок этадиган бұлсам, бу мени даҳшатта солишини билар әдим. Үлиш әхтимоли деб барча сугурта қозозларини тартибга солған бұлардим. Васият ёзиб, ишларимни саранжомлагач, жангда үлиб кетишим ҳеч гап эмас, шунинг утун қолған вақтимни жуда яхши утказишим керак деб айтадым. Бироқ катта сонлар қонуни бүйича тинчлик вақтида ҳам одам умрига әллиқдан әллик беш ёшгача худди Геттсбургдаги жангда иштирок этган каби ҳар лаҳзада үлім хавф солиб туради. Бу билан айтмоқчиманки, тинчлик вақтида ҳар минг одамга әллик-әллик беш ёшгача шу жангдаги 163000 иштирокчидан ҳар мингтасига тұгри келгандылған үлім тұгри келади.

Бир куни мен мистер Герберт Х. Сэлинджер ва хотини миссис Сэлинджер билан танишиб қолдым. Улар Сан-Францискодан келишгән экан. Менга миссис Сэлинджер ҳеч қачон ҳеч нарсадан ташвиш чекмайдигандек бұлиб туолди. У ўзини хотиржам ва вазмин тутарди. Ҳеч ғам-ташвиш чекканмисиз, сұрадым мен ундан.

— Гам-ташвиш дейсизми? — жилмайди хоним, — Умр бўйи ташвишу гамлардан бошим чиқмай келаяптику. Ташвиш билан курашиши ўрганигумга қадар ун бир йилни ўз қўлим билан яраттан дўзахда утказдим. Мен ўзимга етгунча жонсарак ва қизиққон эдим. Дунё кўзимга тордек кўриниб кетарди. Ҳар ҳафтада ўзим яшайдиган Сан-Матеодан Сан-Францискога харид қилгани борар эдим. Ҳатточи, дуконда ҳам йўқ жойдан ташвиш тугдириб олардим. Ишқилиб, дазмолни сугуриб қўйган бўлай-да, ишқилиб хизматкор бир ёқса чиқиб кетиб, болалар қаровсиз қолмасин, велосипедни миниб, кучага чиқиб кетишмасин, машина уриб юбориб, ўлибнетиб қолмаган бўлсин-да, деб ўйлайверардим. Харидимнинг ярмини қиласр-қилас ташвишимнинг зўридан нақ қора терга тушардим. Тинч-омонликни кўзим билан кўрай деб автобусга чиқардим-да, уйга жўнаворар эдим. Биринчи эрим билан ажраиганимга ажабланмаса ҳам бўлади.

Иккинчи эрим ҳуқуқшунос. У вазмин, етти ўлчаб бир кесадиган одам, дунёни сел босса тўнигига чиқмайди. Бирор нарсадан ташвишланиб, безовталана бошласам, у менга: “Тинчлан азизам, кел, буни ўйлаб кўрайлик. Хуш, қани, сен ўзи нимадан бунча ташвиш чекяпсан? Кел, катта сонлар қонунини ишлатайлик-да, ваҳиманг қанчалик тўғрилигини билиб олайлик”, дейди.

Эсимда, бир куни машинада Нью-Мексико штати Албукерке шаҳридан Карлсбад горлари томон кетиб борардик. Тупроқ йўлда эдик, бирдан кучли бурон кўтарилиди. Машина юролмай қолди, лой йўлда гилдирак чириллаб айланар ва сирпанарди, холос. Рулни сира бошқариб бўлмасди. Бурон бизни йўл четига учирив юборишига амин бўлдим. Лекин эрим фақат битта гапни гапиравди: “Мен жуда секий юраман, ҳеч бир ёмон нарса булиши мумкин эмас.

Ҳатто бүрон машинани учирив юборган тақдирда ҳам катта сонлар қонунига күра биз жабрланмаймиз”. Ундаги хотиржамлик ва ишонч мента үтарди.

Бир куни ёзда Канада тогларига сафарга чиқдик. Тунда дөңгиз сатқыдан етти минг фут баландлықда чодир тиқдик. Шу пайт бүрон құзғалиб қолса бұладими? Шамол чодиримизни тилка-тилка қилиб ташлагудек кучли эсарди. Чодир арқонлари ерга қоқылған ходаларга маңқамланған бұлишиға қарамай, шамолга дош беролмай, бирданиға чайқала бошлади. Даҳшат ичида чодирнинг учеб кетишини пойлардим. Аммо эрим: “Ташвишлайма жоним, ёнимизда “Брюстер” етакчилари бор, улар үзларининг ишларини яхши билишади. Олтмиш йилдан буён бу тогларда чодир тикиб келаяптилар. Шунча йилдан буён бирортаям чодирни бүрон құзғатолмаган. Бунинг устига катта сонлар қонунига күра бу тунда чодирни бүрон учира олмайди. Учирганды ҳам биз бошқасыға үтиб оламиз. Шунинг учун тинглан, үзингни бос!” дерди.

Бир неча йил муқаддам Калифорниянинг биз яшайдиган қисміда полиомиелит (асаб фалажи) тарқади. Илгари бұлғанда, албатта, ваҳимага туштан бұлардим. Аммо эрим менға үзимни босишим кераклигини айтди. Биз барча әхтиёт чораларини күрдик: болаларни одамлар түп бұлиб турған жойларға яқин йұлатмадик, мактаб ва кинога юбормадик. Соглиқни сақлаш маңаллий департаментідан билдікки, ҳатто Калифорнияда қачоцлардир содир бұлған даҳшатли улатда ҳаммаси бұлиб 1835 та бола касалға чалинған, одатда оғриғанлар сони 200–300 атрофида бұлар эди. Бу рақамлар қанчалик даҳшатли бұлмасин, катта сонлар қонунига биноан болаларимизнинг касаллікка чалиниш әхтимоли жуда оз эди.

“Катта сонлар қонунига күра, бундай бұлмайди”. Ташвишларимнинг 90 фоизидан халос бўлишим ва ҳаётимнинг сўнгги йигирма йилини барча дадил

орзуларим ушалган мана шундай тинч ва осуда ўтказишга ёрдам берган сеҳрли ибора шу бўлади.

Ташвишланиш одатидан халос бўлиш учун 3-қоидага риоя қилинг:

*Келинг, ишнинг моҳиятини кўриб чиқайлик ва узимииздан: “Менда нотинчлик келтириб чиқараётган воқеа ҳақиқатан ҳам содир бўлиш эҳтимоли қандай?”
Деб сўрайлик.*

Тўққизинчи боб

ТАҚДИРГА ТИК БОҚИНГ!

Болалигимда Миссурининг шимоли-гарбидағи эски ташландик ёғоч уйнинг чордоғида ўртоқларим билан ўйнаёттан эдим. Чордоқдан тушаётиб, бир лаҳза оёғимни дераза рахига қўйдим ва пастта сакрадим. Чап қўлимнинг кўрсаткич бармогида узугим бўларди. Сакраёттан вақтимда у мих қалпоқчасига илиниб қолди ва бармогим узилиб тушди.

Оғриқдан қичқириб юбордим. Азбаройи даҳшатта тушганимдан ўлишимга чилпа-чин ишопган эдим. Бироқ ярам битиб кетганидан кейин бу борада бошқа бирон марта озор чекмадим. Бунда нима маъни бор эди? Мен тақдирга тан берган эдим. Энди чап қўлимда атиги тўртта бармогим борлигига ойлаб эътибор бермайман.

Бир неча йил муқаддам Нью-Йорк марказидаги офис биноларидан бирида юкчи лифтда нозир бўлиб ишлаган бир одам билан танишиб қолдим. Унинг чап қўл панжаси йўқлигини кўриб, “Бу сизни ташвишга соладими”, деб сўрадим.

“Э, йўқ, – деди у, – мени деярли буни ўйламайман. Ўйланмаганиман. Фақат ниага ип ўтказганимдагина панжам йўқлиги эсимга тушади”.

Борди-ю, биз ночор ақволга тушиб қолсак, ҳайратомуз тезлик билан қарийб ҳар қандай вазиятни қабул қиласаңыз. Биз унга мослашамыз ва уни эсдан чиқарамыз.

Мен күпинча бир ёзувни эслайман, уни Амстердамдаги XV аср ибодатхонаси харобаларидан бирида үқиган әдим: “Бу шундай, бошқача бўлиши мумкин эмас”.

Сиз ҳам, мен ҳам ўз ҳаётимизда неча марталаб ўзгартириб бўлмайдиган ноқулай вазиятларга тушиб қоласаңыз. Улар бошқача бўлиши мумкин эмас. Биз танлаш имконига этамиз: ё воқеликни қабул қилиб, янги вазиятга мослашамыз ёки исён кутариб, ўз ҳаётимизни барбод этамиз.

Мана сизга менинг илк файласуфим Уильям Жеймснинг доно маслаҳати: “Бор нарсанни ҳозиржавоблик билан қабул қилинг, рўй берганини қабул қилиш ҳар қандай мусибат оқибатларини бартараф этиш томон қўйилган биринчи қадам ҳисобланади”.

Орион штати Портланд шаҳридан Элизабет Канилей ўзининг қайгули тажрибасида бу фикрнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилди. Мен ундан яқиндагина мактуб олдим:

“Америка Шимолий Африкадаги қуролли кучларимиз галабасини байрам қилгали кунда менга маҳсус хабарнома келди. Унда дунёдаги ҳамма нарсадан ортиқ севувчи жиянимнинг ҳарбий ҳаракатлар вақтида бедарак кеттани айтилганди. Кўп утмай яна бир хабарнома келди. Унда жиянимнинг ҳалок бўлгани айтилганди.

Мен қайгудан тамом бўлдим. Шу вақтгача ҳаётим жуда яхши кечяпти, деб келар әдим. Ўзим севган ишда ишлардим. Жиянимни катта қилишда ёрдам берардим. У ёшликка хос бўлган барча фазилатни ўзида мужассам эттанди.

Саъй-ҳаракатларим зое кетмайди, қанча қилган бўлсам, икки баравар бўлиб ўзимга қайтади, деб умид қиласдим. Тусатдан мана бу телеграмма мен яшаётган дунё оёгини осмондан қилди. Ишимни ташладим. Дўстларим билан учрашмай қўйдим. Мен бадгумон бўлиб қолдим. Нима учун келиб-келиб мени жиянимнинг бошига бундай қисмат тушади? Нима учун рўпарасида бутун бошли ҳаёт эшиги ланг очилган шундай яхши йигит ҳалок бўлиши керак? Мен фожиа билан муроса қилолмасдим. Гам-андуҳим шу қадар улкан эдик, иш-нишни йигиштириб қўйиб, кўз ёшларим ва аламли хаёлларга кўмилиб ётишга қарор қилдим.

Столимни тартибга солиб, энди кетишга тайёрланган ҳам эдимки, бирдан кўзим бир унут бўлган мактубга тушди. Бу хатни эндиликда ҳалок бўлиб кетган жияним ёзган эди. У хатни менга бир неча йил муқаддам, онам ўлганидан кейин ёзганди: “Албатта, барчамиз учун бу оғир йўқотиш булди. Айниқса, сиз учун. Аммо биламан, сиз руҳингизни туширмайсиз...” Мен уни қайта-қайта ўқидим. Назаримда, жияним ёнгинамда утириб, “Нима учун менга ўргаттан нарсаларингизни ўзингиз қilmaynисиз? Нима бўлганда ҳам бардош беринг ва руҳингизни туширманг, гам-қайгуңгизни табассум билан енгиб, олга боринг!” деяётгандай туюлди.

Сўнг яна ишга қайтишга қарор қилдим. Исён кўтариш ва гам-андуҳ чекишни тўхтатдим. Ўз-ўзимга: “Бўлар иш бўлди. Мен буни ўзгартиролмайман. Аммо жияним истагандек бўла оламан ва олга юраман”. Ўзимнинг бор билимим ва гайратимни ишга қаратдим. Мен аскарлар ва бошقا одамларнинг болаларига хатлар ёзар эдим. Кечқурун курсларга қатнардим.

Янги машгулот ва янги дўстлар топдим. Менда шундай ўзгариш содир бўлганига ўзим ҳам

иционардим. Ўтмишдан афсусланмай қўйдим ва ўшандан буён хотиржам яшаб келяпман. Худди жияним илтимос қилганидек, менинг ҳар бир куним шодликка тұла. Ҳаёт билан муроса қилиб олдим. Тақдиримга тик бокдим. Энди мен ҳар доимгидан мазмунлироқ, янада тўликроқ ҳаёт кечиряпман”.

Элизабет Каниләй барчамиз ўрганишимиз керак бўлғай нарса: воқеликни қабул қилиш ва у билан ҳисоблашишини ўрганди. “Бу шундай. Бошқача бўлиши мумкин эмас”. Бунга ўрганишнинг ўзи булмайди. Ҳатто қироллар ҳам ҳақиқатни муттасил эслаб туриши керак. Георг V Букингем саройидаги кутубхонасининг деворидаги рамкага шундай сўз ёзиб осиб қўйган: “Менга имкони бўлмаган нарсани орзу қилмаслиқни ва содир бўлган нарсадан куйиб-ёнмаслиқни ўргат”. Худди ўша фикрни Шопенгауэр қўйидаги сўзлар билан ифодалаган: “Ҳаёт бўйлаб қилинган сафар учун мусофирининг бисотида итоаткорликнинг каттагина захираси бўлмоги биринчи даражали аҳамият касб этади”.

Тўғри, бизнинг баҳтимиз ёки баҳтсизлигимиз фақат муайян ҳаётий вазиятларгагина боғлиқ эмас. Туйгуларимиз уларга айнан қандай мўлжал қилган бўлсак, ўшани аниқлади.

Модомики, биз маина шундай қилишимиз керак экан, барчамиз ҳалокату фожиаларни бошдан кечиришимиз ҳам мумкин, улар устидан галаба қилишимиз ҳам мумкин. Бу биринчи имкониятларимиздан устунлик қиласигандай кўриниши мумкин, аммо бирдан ажабланарли даражада яшириниб ётган катта ботиний кучлардан фойдаланиш ҳаммасига барҳам беришимизда қўл келади. Биз ўзимиз ўйлагандан кўра ҳам кучлимиз. Марҳум Бут Таркингтон яхши кўрган бир гап бор эди: “Дунёда фақат бир нарса — кўрликдан бошқа ҳамма нарсага чидай оламан. Кўрликка асло тоқатим йўқ”.

Ёши олтмишдан ошганда бир куни ердаги гиламга қараб туриб, Таркингтон гилам ўрнида чаплашиб кеттан дөгни куради. У гилам гулларини ажратолмаётганди. Шифокорга борди ва фожиали хабарни билди: у күр бұлмоқда эди. Күп үтмай наригисига навбат келаркан. У ҳаммадан күра күпроқ құрқиб юрган нарса содир бұлғанди.

Хүш, бу барча әхтимол туюлған мусибатлар ичида әнг ёмонига Таркингтон қандай муносабат билдири? “Ана, холос. Бу тамом дегани”, деб тақдирға тан берадими? Йүқ. Қувноқ кайфияти сақланиб қолганига унинг ўзи ҳам ҳайрон бұлған бұлса, не ажаб. Ҳатто латифа ҳам айттар эди. Күз олдидағи дөглар унинг гашига тегарди. У ңигоҳи олдида сузіб юрар ва күзларини қоплаб оларди. Бироқ ҳаммасидан йириги пайдо бұлғанида у: “Салом! Яна бобомиз марҳамат қилибдилар-да. Қизиқ. Бундай ажойиб тонғда у қаёққа йұл олдийкін?” деди.

Шундай рухни тақдир синдира олармиди, ахир? Жавоб битта: албатта йүқ. Ҳамма ёгини зулмат қошлагач, Таркингтон: “Одамзод күнгина бошқа нарсалар билан муроса қылгани сингари мен ҳам күрмай қолганим билан муроса қила олишимни англағадим. Ҳатто агар сезишимни йүқоттанимда ҳам биламанки, ички дүнёим менинг ҳаётим булыб қолар эди. Зеро, биз буни биламиزمі ё йүқми, бундан қатын назар, атрофда олам тимсоли гавдаланади ва онгимиз ичида яшаймиз”, деди.

Қайта күришга умид қылған Таркингтон оғриқни үлдириш йұли билан бир йилда үн икки мартадан ортиқ операцияни бошидан үтказишига тұтры келди. Хүш, у бундан нолирмиди? Албатта, йүқ. Чунки шундай булиш кераклігини яхши биларди. У азобни камайтиришнинг ягона йұли — уни мардана туриб қарщи олиш деб ҳисобларди. Шу сабаб бұлмада ёлғыз ётишдан воз кечди ва бошқа беморлар билан

муносабатда бўлиши мумкин бўлган умумий бўлмага ўтказишларини илтимос қилди. У bemорлар руҳини кутаришга ҳаракат қиласади. Бирин-кетин янги-янги операцияларни ўтказиш кераклигини билган, хуши ҳали тамоман ўзида бўлган вақтда унинг жуда омади келгани ҳақида ўзига эслатиб қўйишга ҳаракат қиласади. “Гап йўқ, — дерди у, — гап йўқ, ҳозир фан ҳатто инсон кўзидек нозик аъзони ҳам операция қилишга қодир”. Бошқа одам бўлганда ўн икки марта операцияни бошдан ўтказгандан ва қўрлик билан тўқнашгандан кейин қаттиқ асабий ҳолатта тушган бўлар эди. Таркингтон эса бундай дерди: “Ўзимнинг бу тажрибамни бошқа баҳтлироқ тажрибага алишмаган бўлардим”. Тажриба уни ҳаётни қабул қилишга ўргатган эди. Тажриба уни яна шу нарсага ўргатган эдики, ҳаёт унга инъом этиши мумкин бўлгандан бошқа ҳеч бир нарса унинг иродасидан ортиқ эмас. Тажриба яна шу нарсани ўргаттан эдики, Милтон сўзлари билан айтганда, “Кўр бўлиб қолган одам баҳтсиз эмас, қўрликка чидай олмаган одам баҳтсиздир”.

Сара Бернари ким танимайди — уни илоҳий аёл дейишарди, бундан ташқари у борига барака дея тақдирга тан бергувчилар учун ёрқин мисол ҳамдир. Ярим аср тўртала қитъа театр саҳналарининг қироличаси бўлиб келди. У дунёдаги энг эъзозли актрисалардан бири эди. Етмиш бир ёшга кирганида бор-йўғидан ажралди — хонавайрон бўлди. Унинг шифокори, парижлик профессор Пацци эса оёгини кесишга тўгри келади, деган хабарни эълон қилди. Атлантика орқали саёҳат қилаёттанида йиқилиб тушган ва оёгини қаттиқ лат едириб олганди. Лат флебит(веналарнинг яллигланиши)га айланди. Оёги шишиб кетди. Огриқ кучайгандан кучайиб борарди ва доктор унга оёгини кесиш зарурлигини айтди. Шифокор қизиқон илоҳий Сарага бундай операция

зарурлиги ҳақида гапирганида ўзи қандайдир даҳшатта тушганди. Бу хабарни эшитиб, актриса қаттиқ талвасага түшсө керак, деб үйлади. Сара эса хотиржамлик билан: “Агар шундай қилиш керак бўлса, майли, шундай қилишсин” деди.

Уни операцияга олиб кириб кетишаётганда ўғли ёнида турганча йигларди. Онаси эса унга қувноқ қўл силкитиб, тетик овозда: “Кетмай тур, мен дарров чиқаман”, деди.

Актрисани операция хонасига олиб кетишар экан, у қайсиdir саҳнадаги бир ролини такрорлаб борарди. Кимdir ундан, “Ўзингизга далда бериш учун атайлаб шундай қиляпсизми?” деганида, у: “Мен докторлар ва ҳамшираларга далда бериш учун шундай қиляпман”, деган.

Операциядан кейин тузалгач, Сара бутун жаҳон бўйлаб кезиб чиқди ва яна етти йил томошибинлар олқишига сазовор бўлди.

Нима учун автомобиль шиналари йўлда кетаётиб, барча зўриқишлиарга бардош беради? Аввалига покришка ишлаб чиқарувчилар ҳаракат пайтида юзага келувчи кучларга чидамли покришкалар ишлаб чиқарганлар. Аммо бундай шиналар узоқ чидамаган ва йиртилиб кетган. Кейин улар зарбаларни ютувчи покришкалар ишлаб чиқара бошлаганлар.

Агар зарбаларга, ҳаёт йўлимизга тўшалган тошларга урилишиларни ютишга ўргансак, биз кўпроқ чидаймиз ва ҳаётдаги ҳаракатимиз янада тинчроқ кечади.

Умримиз давомида кўплаб ички зиддиятларга тўқнаш келамиз, ҳаяжонланамиз, асабий ҳолатдан зўрикамиз. Борди-ю, қайсарлик қилсак, ҳаётимизнинг аччиқ-чучукларига таин беришдан бўйин товласак, аввалига ўзимиз яратган сароб дунёсига кириб яширинамиз-да, кейин ақддан озамиз.

Уруш вақтида миллиоилаб ўтакалари ёрилган астарлар ё тақдирга тан бериши, ё зўриқишига тан беролмай синиши керак бўлган. Мисол тариқасида Уильям Х. Кассемус бошидан кечирган воқеани олайлик. Нью-Йорқдаги машгулотларимиз вақтида мукофотга сазовор бўлган унинг мана бу ҳикоясига диққат қилинг.

“Соҳил муҳофазасида хизмат қила бошлаганимдан кўп ўтмай, мени Атлантика океани қирғогидаги энг оловли жойга юборишиди. Мени портловчи моддалар нозири этиб тайинлашди. Бунинг нима эканини тасаввур қила оласизми? Мени-я? Крекерфурушдан портловчи моддалар нозири бўлсан-а!

Минг-минг тонналаб тротил билан ишлишни уйлагандаёқ қоним музлаб кетарди. Ўқиши курси икки кун вақтни олди. Билганларимнинг ўзиданоқ даҳшатга тушар эдим. Биринчи топширигимни ҳеч қачон ёдимдан чиқармайман.

Нью-Жерси штати Бейонна шаҳридаги Кейвен-Пойнт пирси(кема тўхтайдиган очиқ жой)да тумани, совуқ ва қоронги кунда кемадаги беш рақамли трюмга масъул эдим. Беш нафар юкчи билан бирга мен трюмга тушишим керак эди. Бу юкчилар мушакдор йигитлар эди, аммо улар портловчи моддалар ҳақида ҳеч нарса билмасди. Улар оғир ва жуда оғир бомбаларни юклар эдилар. Ҳар бир бомба ичida бир тоннадан тротил бор. Мана бу шалоқ рўдапони қипиқдай учириб юбориш учун шунинг ўзи bemalol кифоя қиласди. Бомбалар иккита арқонда тушириларди. Мен ўзимча тинимсиз такрорлардим: арқонлардан бири сирпаниб ё узилиб кетса, тамом! Эй Худо! Қурқувдан адойи тамом бўлгандим. Худди терак баргидек титрардим. Оғзим қуриб кетган. Тиззаларим букилиб-букилиб кетарди. Юрагим қинидан чиққудек бўларди. Аммо қочиб кета олмасдим, бу қочқинлик мен ва ота-онам учун шармандалийкин англатарди. Мени отишлари мумкин эди.

Қочиб кета олмасдим, қолишга мажбур эдим. Ажал юки билан юкчиларнинг жуда эътиборсиз муомала қилаёттанини кўриб турардим. Ҳар дақиқада кема ҳавога учеб кетиши мумкин эди. Мен бир соат ёки ундан кўпроқми, ана шундай даҳшатли ҳолат ичида бўлдим, кейин эса ҳушимни жойига қўйиб, мулоҳаза юрита бошладим. Ўзимга-ўзим: “Менга қара, портлаб кетса, хўш, бундан нима чиқади? Сен ҳеч нарсани сезмайсан. Бу энг осон үлим. Эсингни йиғ. Абадий яшаб қололмайсан. Ё шуни бажаришинг керак, ё сени отиб ташлашади. Ундан кўра дурустроқ нарсаларни ўйласанг-чи”, дедим.

Шу тариқа мен соатлаб ўзим билан ўзим ташлашим ва охири енгил нафас олдим. Ниҳоят, шундай палла стиб келдики, ўзимни тақдирга таи беришга мажбур қилиб, ташвиш ва қўрқувларимни бартараф этдим. Мен бу сабоқни ҳеч қачон унутмайман. Ҳозир ҳам ҳар гал вазият туфайли менда ўзгариб бўлмас ташвишланиш пайдо бўлса, елка учириб қўяманда, ўзимча “Кетдик” дейман. Қизиги шундаки, бу крекерфурушга ҳам қўл келаркан. Ура! Ура! Азамат крекерфурушга шарафлар бўлсин!

Башарият тарихида, сирасини айтганда фақат Суқротнинг ўлими ўз фожиаси билан Исонинг хочга тортилишига қайсиdir даражада тўғри келади. Үн минг йилдан кейин ҳам одамлар Афлотун тасвирлаб кетган бу фожиадан даҳшатта тушгайлар. Бир қанча афиналик фуқаро оёқ яланг Суқротни кўролмай “суд” қилгач, ўлим ҳукми чиқаради. Дўстона кайфиятдаги қамоқхона қўриқчиси унга бир шиёла заҳар олиб келиб, “Тақдир ёзуқларига осонгина тан бериб қўя қолинг”, дейди. Суқрот тақдирга тик боқиб ўлимини муқаддас, фараҳбахш бир нарсадай мардона қарши олди.

4-қоида:

Тақдирга тик боқинг!

Үнинчи боб

ТАШВИШ УЧУН "ЗАРАРНИ ЧЕКЛАШ" ҮРНАТИНГІ

Уолл-Стритда қандай пул ишлаш мүмкінлигини билмоқчимисиз? Бұлмаса-чи! Бизга құшилиб, буни яна миллионлаб бошқа одамлар ҳам билмоқчилар. Аммо агар жавобици билганимда ушбу китобнинг ҳар пусхаси 10000 доллардан турған бўларди. Дарвоқе, омадли биржা маклерлари қўллайдиган бир яхши гоя бор. Бу ҳикояни менга нью-йорклик Чарльз Робертсон айтиб берганди. У маблағ қўйиш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатиш билан шугулланади.

"Мен Техасдан Нью-Йоркка келганимда чўн-тагимда йигирма минг доллар пулим бор эди. Бу пулларни акция сотиб олиш учун дўстларим ўртада тўплаб беришганди. Жамгарма бозори ишида ўзимни устаси фараанг деб ўйлагандим. Аммо барча пулимни сўнгти центигача бой бердим. Тўгри, айрим битимларда талай пул ишладим. Бироқ пировардида ҳаммасидан маҳрум бўлдим.

Ўзимнинг пулимни йўқотганимда бунчалик алам қиласди, аммо мени даҳшатга солган нарса шу эдикки, бу пуллар дўстларимни эди. Тўгри, улар апча бой одамлар бўлиб, унча-мунча заарар уларга чўт эмасди. Бари бир ҳамма ўйлаган нарсаларим чиппакка чиққандан кейин юрак ҳовучлаб улар билан янги учрашувга чоғландим. Ажабо, улар пинакларини бузмасдан, бу ҳам етмагандай менинг кўнглимни кўтариб далда беришди.

Мен ё остидан, ё устидан қабилида иш тутишимни билардим, асосан бошқа одамлар фикрига таяниб, омадга умид қилгандим. Х. И. Филлипс айтганидек, шотани билмасдан "эшишиб чалардим".

Мен хатоларим устида мулоҳаза юрита бошладим ва жамгарма бозорига яна қайтиб борищдан оддин

унинг қандай ишлаётгани ҳақида кўпроқ нарса билиб олишга қарор қилдим. Ўйларимни рӯёбга чиқариш йўлларини қидира бошлидим ва тезда бозорнинг бутун тарихи давомида энг омадли биржা ўйинчиси билан танишиб қолдим. Унинг исми шарифи Бэртон С. Кастл эди. Мен ундан кўп нарса ўргана оламан, деб ўйламагандим. Зеро у эътиборли одам бўлиб, кўп йиллардан буён жамгарма ишларини муваффақият билан олиб бормоқда эди. Бу муваффақият унга осмондан тушмаганлигига фаҳмим етиб туради.

У менга жамгарма бозоридаги олдинги ишларим хусусида бир қанча саволлар берди. Кейин эса бизнесда асосий қоида ҳисобланган бир гапни айтди. Ўзимнинг биржা ишларимдан ҳар бири учун “заарларни чеклаш” тартибини ўргандим. Агар мен акцияларни, дейлик, биттасини эллик доллардан сотиб олсам, зудлик билан 45 доллар даражасига “заарларни чеклаш” тартибини ўрнатаман. Бу қўйидагини англатади: агар акциялар беш банддан кўпроқ баҳога пасаядиган бўлса, улар ўз-ўзидан сотилиб кетади ва шу тариқа менинг заарларим беш банд билан чекланиб қолади.

— Асосийси, ақл билан ишлаш керак, — давом этди тажрибали мураббий, — шунда ўртача сизнинг фойдангиз йигирма беш ёки ҳатто эллик бандни ташкил этади. Бинобарин, заарнинг ярмидан кўпрогига хато қилган буласиз ва бари бир кўп пул ишлаб оласиз.

Мен дарҳол шу йўлдан фойдаландим ва ҳозиргача шундай қилиб қеляпман. Бу мижозларимни ҳимоя қилишимга ва неча-неча минг доллар ишлаб олишимга ёрдам берди.

Аста-секинлик билан заарни чеклаш тартиби жамгарма бозоридагина ишлатилмаслигини англаб етдим. Мен бошқа, мутлақо молиявий бўлмаган мени

безовта қилган ҳолатлар учун ҳам шу тартибни жорий қилдим. Безовталик ё хафагарчилик жонимга теккан ҳар қандай ҳолатда бу тартибдан фойдаланадиган бўлдим. У менга бамисоли сеҳргардай иш берди.

Масалан, кўпинча доим кечикиб келадиган бир дўстим билан бирга овқатланаман. Илгари унинг кечикиб келишидан жуда бўларим бўлар эди, у бўлса тушга яқин пайдо бўларди. Охири мен унга ташвишга қарши қўллайдиган заарни чеклаш тартиби тўғрисида сўзлаб бердим: “Билл, менинг заарни чеклаш тартибим учрашувимиз белгиланган вақтдан ўн дақиқа ўтгач, амал қила бошлади. Агар кеч келсанг, шартномамиз бекор қилинади ва мен кетаман”.

Эй Худойим! Куп йиллар олдин мен ўзим уни сабрсиз, жizzакилигим, ўз-ўзимни оқлаш, афсуснадомат, барча ақлий ва руҳий изтиробларимга нисбатан қўллашим мумкин бўлганда бу тартибга қанчалик муҳтоҷ эдим. Менинг руҳий осойишталигимга таҳдид солувчи ҳар бир ҳолатдан чиқиб кетишим учун нимага етарли даражада соглом фикр менда топилмаганди? Ахир ўзимга: “Менга қара, Дейл Карнеги, бундан мана шу даражагача ташвиш қилиш мумкин, холос”, деб айта олар эдим-ку. Нега мен буни илгари қилмаган эканман?

Ҳозир соглом ақл билан иш юритаётган вақтимда уша хатоларимни бир қадар оқлай оламан. Бу ҳаётимдаги бир вазият эди, келажакни кўзлаб тузган барча орзу ва режаларим кунпаякун бўлганини кўрганимдаги ҳаётий бўхрон эди бу. Воеа бундай бўлганди. Ўшанда ёшим ўтиздан эндигина ошган ва мен ҳаётимни романлар ёзиш учун багишлишта қарор қилгандим. Мен иккинчи Франк Норрис, Жек Лондон, Томас Харди бўлмоқчи эдим.

Бу мақсадга интилганим шунчаликки, Биринчи жаҳон урушидан кейин кучли пул қадрсизланиши вақтида озгина долларим бўлса, жаннатдагидай

яшашим мүмкин бўлган Европада икки йил истиқомат қилдим. Бу вакт давомида ўзимнинг энг асосий асаримни ёздим. У “Қор бўрони” деб аталарди. Асаримниң номи нашриётларда романимга кўрсатилган совуқ муносабатга жуда-жуда мос келганди, гўё қор бўрони бутун Дакота водийсидан эсиб ўтгандек. Адабий агентлик романимниң бир чақага қимматлигини, менда бадиий адабиёт учун ҳеч қандай лаёқат йўқлигини айтганда, ўзимни юрагим уришдан тўхтаб қолгандай ҳис қилгандим. Агентим олдидан караҳт аҳволда чиқиб кетдим. Бутунлай ҳангуман бўлиб, бошимга бир чеълак муздек сув қўйилгандай сезмоқда эдим. Ўзимни йўқотиб қўйгандим. Чорраҳада турганимни ва ҳаётимда энг муҳим бир тўхтамга келишим кераклигини англадим. Нима қилишим, қаёққа бориб бош уришим керак эди?

Караҳтиқдан чиқиб олгунимча бир печа ҳафта ўтди. Бу вақтда ташвишлар учун “зарарни чеклаш” тартиби ҳақида ҳеч нарса қулогимга кирмаганди. Эпди эса ортимга бурилиб қарап экалман, мен айнан шундай қилганимни тушунман. Роман устида зўр бериб ишлаган шу икки йилни ҳисобдан чиқариб ташладим ва унинг учун муносиб ўринни тайин қилдим. Ҳа, юксак санъат билан шугулланишга уриниш бўлган эди. Аммо олдинга қараб ҳаракат қилишим керак экан. Мен катталар учун машгулот ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ишимга қайтдим. Бўш вақтимда таржимаи ҳол ва ҳозир сиз ўқиб турганга ўхшаш оммабон китоблар ёздим.

Ўшанда қабул қилган қароримдан хурсандманими? Ҳар гал шу ҳақда ўйлаганимда шундай севиниб кетаманки, кўчага чиқиб, рақста тушиб кетгудек бўламан. Очиқ-оидин эътироф этиб айтига оламанки, иккинчи Томас Харди бўлмаганимдан бирор марта афсусланмадим.

Юз йил муқаддам Уолден Кили соҳилида бой-үглиниң мудҳиши ҳу-ҳулани қулогига чалинганда Генри Торо ғоз патини қўлбола сиёҳга ботириб, ўз кундалигига қўйидагиларни ёзган экан:

“Ҳар қандай нарсанинг қиймати мен “ҳаёт” деб атаган бу нарсага энди ва бундан кейин алмаштириш талаб этилувчи субстанциялар миқдори билан белгиланади”.

Бошқача сўзлар билан ифода этилгани шу фикр мана бундай жаранглайди: “Бирор нарса учун фақат нодонларгина бунга талаб этилувчи ҳаётий куч миқдорига кўпроқ ҳақ тўлади”.

Бироқ Гилберт ва Салливан айнан шундай қилишган эдилар. Қувноқ шеър ва мусиқа яратишда уларниң олдига тушадигани топилмас, аммо ўз ҳаётини қувонч билан қандай тўлдириш ҳақида деярли ҳеч нарса билишмасди. Улар душёдаги энг аъло оперетталар “Чидам”, “Пешбандча”, “Микадо”ни ёзган эдилар-у, аммо ўзини тутишга келгацда... Арзимаган гилам нархи деб бу ёрут дунёда бир-бирлари билан юз кўрмас бўлиб кетишиди. Сотиб олган театри учун Салливан гиламга буортма берди. Ҳисоб қоғозини кўрганда Гилбертнинг капалаги учиб кетди. Улар бир-бирларини судга бериб, шундан кейин то умрларининг охиригача бир-бирига бир оғиз “сўз” демай утиб кетишиди. Яиги асар учун ёзган мусиқасини Салливан Гилбертга почтадан юборади. Мусиқага сўз ёзганда Гилберт ҳам шундай жавоб қайтаришига тўгри келган. Улар саҳнага баравар чиқиши керак бўлиб қолди, аммо иккаласи бир-бирига кўзи тушмаслиги учун саҳнанинг ҳар икки чеккасидан туриб олиб, таъзим қиласр эди. Линкольн каби гина-кудуратга барҳам бериш учун зарарни чеклаш тартиби ўрнатишга уларниң ақл-заковати етмаганди.

Бенжамин Франклин етти яшарлигига йўл қўйган бир хатосини етмиш йил эсдан чиқаролмай юрди. Унинг ҳуштак олгиси келиб юрарди. Азбаройи ҳуштакка ишқибозлигидан ўйинчоқлар дўконига бордида, нархини ҳам сўрамай ёнидаги бор пулни тўплаб, ҳуштакни олди. “Уйга келиб, – деб ёзганди у бир дўстига, – етмиш йилдан кейин уйни бошимга кўтариб, хумордан чиққунча ҳуштак чалдим. Бироқ ака ва опаларим ҳуштакка ўзининг нархидан анча-мунича ортиқ тўлаганимни билиб, менинг устимдан роса кулишди”. Бенжамин Франклининг айтишича, у йиглаб юбориби.

Кўп йиллар кейин, ўша вақтда дунёга таниқли давлат арбоби ва АҚШнинг Франциядаги элчиси Франклин ҳуштакни қимматта олганини ҳануз эслаб юрган ва бу ҳуштак унга лаззатдан кўра кўпроқ афсус-надомат келтирган.

Аммо мана шу ҳаётий сабоқ учун Франклин пировард оқибатда уичалик қиммат тўламаган. Франклин шундай деган: мен ўсиб, вояга ета борганим ва одамлар билан танишганим сайин уларнинг хатти-ҳаракатларини кузатар ва ҳуштак учун жуда катта пул тўлаган одамларни учратар эдим. Хуллас, одатда одамлар бошига тушган мусибат у ёки бу нарсани нотўгри баҳолаш ва ҳуштак учун ортиқча пул тўлашдан келиб чиқади.

Гилберт ва Салливан, албатта, ўз ҳуштаклари учун яхшигина тўлов тўлашди. Дейл Карнеги ҳам вақти-вақти билан шундай хатога йўл қўйиб туради.

Ҳатто бу даврага ўлмас даҳо, “Уруш ва тинчлик”, “Анна Каренина”дек бекиёс романлар муаллифи Лев Толстой ҳам кириб қолганига нима дейиш мумкин?

Британия қомусида айтилишича, Лев Толстой умрининг сўнгти йигирма беш йилида дунёдаги энг ҳурматли одамлардан бири бўлган. Вафотигача

Йигирма йил давомида 1890 дан 1910 йилгача уни лоақал бир карра үз күзи билан күриш, овозини үз қулоги билан эшитиш, ё бұлмаса кийимига бирров құлинни теккизишга муштоқ сонсиз мухлислар келар эди. Унинг отырынан чиққан ҳар бир жумлани үша зақоти ён дафтарларига ёзіб олишар ва бамисоли муқаддас битикдай эъзозлашарди. Бироқ оддий турмуш ҳақида гап кеттеганида Толстой етти яшарлық Франклинга қараганда ҳам эси йүқроқ бўлган! Унинг баъзи қилиқларидан ёқа ушлайсиз.

Мен нимани назарда тутаяпман? Толстой үзи севган қизга уйланган. Улар чиндан ҳам бирга ящаганидан шунчалик баҳтиёр әдиларки, гоҳо тиз чўкканча шундай дориламон ва қувноқ ҳаётларининг узун бўлишини Худодан ёлвориб сўрашарди. Бироқ қиз тушибагур үзига етгунча рашикчи эди. У қишлоқча кийиниб олиб, эрининг ортидан ўрмонга йўл олар ва бу охири жанжалга олиб келаркан. Хотини уни ҳатто үз фарзаидларидан ҳам қизганган. Иш шунгача бориб етадики, бир куни хотини пистолетдан үз қизи суратига қараб ўқ узади. У ерда гужанак бўлиб ётганча афюнли шишани оғзига олиб бориб, ўзини улдириш билан қўрқитади. Бу пайтда болаларнинг ўтакаси ёрилиб, бир бурчакда ўтирганча қўрқувдан йиглаб юборишади.

Хўш, Толстой нима қилди, дейсизми? Борди-ю, у бақириб-чақирганда, нарсаларни ерга уриб синдирганида мен уни айбламасдим. Лекин у кундалик ёза бошлаган! Ҳа-ҳа, шахсий кундалик. Унда бошдан-оёқ үз хотини устидан магзава ағдарган. Бу унинг ҳуштаги эди. Ёзувчи келажак авлод уни оқлаб, хотинини ёмонлашини истаган. Унинг хотини жим қараб турганмиди? Қаёқда, у үзи ҳақида бўлмагур гаплар ёзилган саҳифаларини йиртиб олиб, ёқиб ташлайверган. Бу ҳам етмагандай, хотини ҳам

кундалик дафтарини тута бошлаган, унда түнкамизож эрини аҳмоқдан олиб, аҳмоққа солган. У ҳатто бир ҳикоя ёзиб, унга “Айб кимда?” деб сарлавҳа қўйган. Ҳикояда эрини хонаки золим, ўзини мазлума деб атаган.

Бунинг охири нима билан тугаган? Нима учун бу икки одам хонадонини, Толстойнинг ўз сўзи билан айтганда, жиннихонага айлантирган? Равшанки, бунинг учун кўп сабаб бўлган. Шулардан бири улар зурриётларида таассурот пайдо қилишни жон-жаҳдлари билан хоҳлашган. Улар айнан ўzlари ҳақидаги фикрдан кўпроқ ташвишланган. Аммо уларнинг оиласи тўгрисида ўйлашта бир дақиқа ҳам фурсатимиз йўқ. Бу икки бечора банда ўз ҳуштаклари учун қанақангি катта ҳақ тўламади. Эллик беш йил дўзахи алам ичида истиқомат қилиш, тагин улардан ҳеч бирида бас, деб айтиш учун фаросат етмаган. Кел, муносабатимизда тезлик билан зарарни чеклани тартибини жорий қилайлик, деб айтиш учун уларда бир чимдимгина соғлом ақл етишмаган. Биз умримизни исроф этишга ўрганганимиз. Келинг, ҳозироқ бас қилайлик.

Мен чин дилдан аминман, нарсаларнинг ҳақиқий қадрини англаш шундай муҳим синоат ҳисобланадики, уни билиш руҳий хотиржамлик, жоннинг ҳузурига олиб келади. Ўзимизнинг олтин анда замизни яратиб, унга қараб ҳаётимиз учун бу нарсаларнинг печогли муҳим эканини баҳолай олсак, биз ташвишларимизнинг 50 фойзини йўқотишга қодир бўламиз.

Шу боис, сизни енгасдан олдин ташвишланиш одатингизни енгай десангиз, 5-қоидага амал қилинг:

Ҳар гал саъй-ҳаракатингизни арзимайдиган максадга эришиш учун йўналтиromoқчи бўлганингизда тўхтанг ва ўзингизга учта саволни беринг:

- 1. Бу савол мен учун қай даражада муҳим?*
- 2. Унга нисбатан мен зарарни чеклаш тартибидан қачон фойдаланаман ва унутаман?*
- 3. Бу ҳуштакнинг асл нархи қанча? Унга керагидан ортиқча пул тўлаб юбормадимми?*

Ўн биринчи боб

ҚИПИҚНИ АРРАЛАШГА УРИНМАНГ!

Ушбу сатрларни ёзар эканман, деразадан қарайман ва бод майсазорида бир қанча динозавр изларини кўраман. Улар лой ва тошга муҳрланиб қолган. Мен уларни Йель университетидаги Пибоди музейига олиб бордим. Менда шу музей сақловчисидан бир хат бор. Ушбу изларнинг ёши 180 миллион йил дейилади. Бу изларни ўзгартириш учун 180 миллион йил орқага қайтиб бўлмаслигига учига чиқсан аҳмоқнинг ҳам ақли етади. Биз 180 миллион йил орқага қайтиб, уни ўзгартира олмаслигимиздан ташвишланишимиз ҳам буидай кам аҳмоқлик эмас. Аммо кўпларимиз айнан шу билан андармон. Албатта, 180 сония муқаддам содир бўлган ишнинг оқибатини ўзгартириш учун биз бирон нарса қила олармиз, аммо ўша содир бўлган воқеани ўзгартириш қўлимиздан келмайди.

Ер юзида ўтмиш воқеаларидан ошкоралик билан фойдаланишига имкон беруичи биргина йўл бор: уни bemalol таҳдил қилиб, ўзимиз учун фойда ундириш ва унутиб юбориш, вассалом.

Шундайлигини мен ҳам биламан. Аммо ўшандай ҳаракат қилишига ҳар доим журъатим ва фаросатим етадими? Бу саволга жавоб бериш учун кўп йиллар

илгари бошимдан ўттан бир эртакнамо воқеани сизларга сўзлаб бермоқчиман. Гап шундаки, ёнимда уч юз минг доллардан кўпроқ пул бор эди. Аммо ундан бир цент ҳам даромад олмай, бой берган эдим.

Мен катталар учун таълим соҳасида йирик корхона ташкил қилгандим. Кўп шаҳарларда бўлимлар очиб, қўшимча харажат ва рекламани қоплашга катта маблағ сарфлагандим. Дарс бериш билан шу қадар банд эдимки, молияни назорат қилишга на имконият ва на хоҳишим бор эди. Тажрибасиз эдим. Уларга чаққон молиявий директор кераклигини тушунмаган эканман.

Бироқ бир йилдан сўнг ишларининг ҳақиқий аҳволи қандайлигидан дарак тоидим. Бу мени ҳушёр қиласи, саросимага ҳам солди. Катта маблағ қўйишимизга қарамай, ҳеч қанақа даромад олмаганимиз маълум бўлди. Шу нарса аниқ бўлганидан кейин мен иккита йўлдан боришим лозим бўларди. Биринчидан, шляпамни олиб қўйиб ўйлашим ва қора танли олим Жорж Вашингтон Карвер қилган ишни қилишим керак эди. Банқда унинг бир умрлик жамгармаси ётарди. Касод бўлганидан унинг хабари бор-йўқлигини сурашганда, “Ҳа. Бу ҳақда эшитгандим”, деб жавоб берди-ю, машгулотларини давом эттираверди. У ташвишни бутунлай унугиб юборди. Буни шунчалик ишонч билан қилдики, бошқа ҳеч қачон содир бўлган воқеани эста олмади.

Иккинчидан, хатоларимни таҳлил қилишим ва бир умрга ундан сабоқ чиқаришим керак эди.

Бироқ, очигини айтганда, мен иа биринчи йўлни танладим ва на иккинчисини. Бунинг ўрнига бир неча ой ташвишга ботиб, туман ичида яшагандай яшадим. Уйқу ва иштаҳам йўқолди. Бу катта хатодан сабоқ олиш ўрнига индамай кетавердим. Бу хатомни сал кичикрок миқёсда такрорлайвердим.

Камчиликларимга иқрор бўлиш менга малол келарди. Бироқ кўп йиллар муқаддам шу нарсага амин бўлдимки, йигирмата одамни бирон-бир қийин ҳолатда қандай йўл тутишга ўргатиш ва шунга ўргана оладиган йигирмата одамдан биттаси бўлиш осонроқ экан.

Баъзи китобхонлар бош омон бўлса, шляпа топилади, йигит моли ерда, пул қўлнинг кири каби машҳур мақолларга яхшигина мисол бўлишини кўпинча эътиборга олишмайди.

Тўгри-да, бу чайналган ва жонга теккан ҳақиқат. Сиз буни минглаб маротаба эшиттанингизни биламан. Аммо шу нарсани ҳам биламанки, сийқаси чиққан мақоллар бутуни башариятнинг асрлар давомида жило топган ҳикматини ўзида намоён этади. Улар одамзоднинг кўп асрлик тажрибасидан туғилган ва юз йиллардан бери авлоддан-авлодга ўтиб келади. Борди-ю, сиз барча асрларнинг буюк мутафаккирлари ташвиш тўгрисида ёзган ҳамма нарсани ўрганолганингизда эди, сувни кўрмагунча этик ечма ёки айтилган сўз — отилган ўқ каби сийқаси чиққан мақоллардан кўра мұҳимроқ ва теранроқ бир нарса тополмаган бўлардингиз. Шуларни менсимаслик ўрнига фақат мана шу иккитагина мақолни амалда қўллайдиган бўлганимизда, бизга қўлимиздаги китобнинг умуман кераги бўлмасди. Боз устига кўхна мақолларнинг кўпчилигини таомилга киритганимизда эди, биз бекаму кўст ҳаёт тарзимизни йўлга солиб олган бўлардик. Аммо билим амалда қўллансангина куч ҳисобланади ва ушбу китобнинг мақсади бирон-бир янгиликни айтишдан иборат эмас, балки сизга яхши маълум бўлган нарсани эслатиш, ҳаракат қилишга ундаш ва кўхна ҳақиқатларни амалда қўллашга руҳлантиришдир.

Мен доим Фред Фуллер Шедд сингари одамлардан ҳайратланиб келганиман. Улар күхна ҳақиқатни янгича рангда ёрқин кўрсата билиш истеъодига эгадирлар. Фред Фуллер Шедд “Филадельфия бюллетени” газетасининг муҳаррири эди. Коллеж битиравчилариға қарата мурожаат қиласар экан, у сўради: “Ичингизда ҳеч ёғоч арралаган кимса борми? Қўлингизни кўтаринг”.

Ҳозир бўлганларнинг кўпчилиги қўлини кўтарди. Кейин муҳаррир яна сўради: “Ичингизда ҳеч қипиқ арралаганлар борми?” Битта ҳам одам қўлини кўтармади.

— Тўғри-да, қишиқни арралашга ҳожат йўқ, — деди мистер Шедд. — Чунки у арралаб бўлинган. Ўтмиш ҳам шунаقا. Сиз ўтиб кеттан ва умри тугаб бўлган нарсалар ҳақида ташвишлана бошлаганингизда қипиқ арралаш билан банд бўлган бўласиз.

Бир куни Синг-Синг қамоқхонасига бордим, ва мени энг кўп ҳайрон қолдирган нарса — маҳбусларнинг қиёфаси озодликдагига қараганда баҳтиёрроқ кўринарди. Мен бу ҳақда ўша вақтда қамоқхона бошлиғи лавозимида ишлаб турган Льюис Е. Лоузсга айтган эдим, у “Жиноятчилар Синг-Сингта биринчи марта тушганида хафа ва дарғазаб бўлади. Бироқ бир неча ойдан кейин эшхушлироқлари тақдирга тан бериб, урнашиб олади, ва қамоқхона ҳёти тартибига жимгина мослашиб, уни иложи борича яхшилашга ҳаракат қиласади”, деб жавоб берганди. Лоузснинг айтишича, бир маҳбус бөгбонлик қиласар, қамоқхона ичидаги турниб ҳам овозини баралла қўйиб ашула айтар экан.

Мана шу қўшиқ шайдоси бўлган маҳбус бизнинг кўпчилигимиздан кўра кўпроқ соглом фикр юритар эди. У биларди:

Парвардигор күрсаткич бармоги билан ёзади.

Сизнинг барча тақвонгиз-у ақлингиз Тангри бармогини орқага буриб қўйишга ёки битикларининг бир сатрини учиршишга қодир эмас.

Ҳатто селдай оққан қўз ўшлари ҳам биронта каломни учиролмайди.

Шу боис кўз ёши тўкмоқдан не наф? Биз, албатта, қўнол хатоларга ва беўхшов қилмишларга йўл қўямиз. Йўл қўйганимизда-чи? Ҳатто Наполеон ҳам энг йирик жангларининг учинчи қисмида мағлуб бўлган. Галаба ва мағлубиятимиз нисбати Наполеонникидан асло кам эмас. Аммо нима бўлгаңда ҳам бутуни қироллик суворийлар қўшини ҳам, қироллик жанг аравалари ҳам ўтмишимизни орқага қайтаролмайди.

Шу боис **б-қоидани** унутманг:

Кипиқни арралашга уринманг!

Кипиқни арралашга уринманг!
Кипиқни арралашга уринманг!

ЕТТИ ХИЛ ЯХШИ МУОМАЛА – ОМОНЛИК ВА ЭСОНЛИК ХАЗИНАСИ

Үн иккинчи боб

ҲАЁТИНГИЗНИ ҰЗГАРТИРА ОЛАДИГАН САККИЗ СҮЗ

Мендан бир неча йил мұқаддам радиоәшиттирув саволига жавоб беришімни илтимос қилишди: ҳаётиңгиздеги әнд мұхым сабоқ қайси?

Бундан осони бор эканми? Шу пайтгача мен үрганған асосий сабоқ биз нима ҳақида үйласак, шунинг мұхимлігін тушунишдан иборат бұлыб келган. Агар сизнінг нима ҳақида үйлаётганингизни билсам, үзингизни қандай тасаввур әтаётганингизни билған бўлардим. Фикрларимиз бизни яратади. Бизнінг ақлий кайфиятимиз тақдиримизни белгиловчи әнд мұхым омил ҳисобланади. Эмерсон айтган экан: “Инсон — ўзи күн давомида үйлаган нарсадан бошқа нимани ҳам била оларди?”

Энди менга шу нарса күндей равшанки, биз тўқнаш келадиган әнд катта муаммо фикримизни тўгри йўналишга солишдан иборат. Агар шунинг удасидан чиқолсак, барча муаммоларимизни ҳал қилишга имкон берадиган йўлни топган бўлардик. Рим салтанатида ҳукмронлик қилган буюқ файласуф Марк Аврелий бу фикрни тақдиримизни ұзгартира оладиган тўққиз сўзга жам қилған: ҳаётимиз, у ҳақда биз қандай үйласак, шунинг ўзиdir.

Тўгри-да, фикримиз баҳт билан тўлиқ бўлса, баҳтли бўламиз. Борди-ю, мунгли бўлсак, үзимизни баҳтсиз ҳис қиласиз.

Күркүв тұгрисида үйласақ, құрқамиз. Бетоблик ҳақида бош қотирсак, ростдан касал бұлиб қолишимиз ҳеч гап әмас. Омадсизман десак, омадсизлик бөшимиңга туимай қолмайды. Агар ута шафқатталаб бұлиб кетсак, ҳамма бىздан қочади!

Норман Винсент Пил: “Сиз үзингиз ҳақингизда үйлаган нарса әмассиз, балки нимани үйласантиз — үшасиз” деган әди.

Сиз мени, осон йұлни танлаяпти ва барча муаммоларингизга нисбатан ҳаётбахш муносабатни иоқақ равища ҳимоя қиляпти, деб үйлаёттан бұлсангиз керак. Ағсуски, йүқ. Ҳаёт у қадар оддий нарса әмас. Бироқ ҳақиқатан ҳам ёмон әмас. Яхши фикрлаш зарурлигини ҳимоя қиляпман. Бошқача айтганда, биз муаммоларимиз билан машғул бўлишимиз керак, аммо улардан ташвиш тортмаслигимиз зарур. Машғул бўлиш ва ташвишланиш ўртасидаги фарқ нимада? Бир мисол келтираман, ҳар гал Нью-Йоркнинг автомобилларга тұла күчасини кесиб үтганимда қилаёттан ишим билан банд бўламан, аммо бундан ташвища әмасман. Муаммо билан банд бўлиш унинг моҳиятини тушунишни ва уни бир ёқлик қилиш учун ҳар томонлама үйлаб иш тутишни англатади. Ташвишлар — муаммо ечимини үйламасдан жонини бериб куймаланишни билдиради.

Киши жиғдий муаммони ҳал қилиш билан машғул бўлиши, аммо айни вақтда күчада бошини баланд кутариб юриши мумкин. Лоуэлл Томас үзини шундай тутганига кўзим тушганди. Бу мен унга Биринчи жаҳон уруши вақтида Алленби ва Лоуренс компаниялари тұгрисидаги машҳур кинофильмларини тақдим этишда ёрдамлашиб юрганимда рўй берганди. Унинг жамоаси бу фильмни камида олтиға фронтда бўлган жаңгдан лавҳалар олиб, суратта туширишганди. Булар ичида энг яхшиси Т. Н. Лоуренс ва унинг ранг-баранг араб қў-

шиинин мұхрланған ҳужжатли ашёлар, шунингдек, Алленбийнг бу муқаддас заминни забт эттани тұғрисидаги тасмалар әди. Топилмаларни намойиш қилиш бараварида айтған ҳикоялари “Алленби билан Фаластиңда ва Лоуренс билан Арабистонда” деб аталарды. Фильм Лондонда ва бутун дүнёда катта шов-шувга сабаб бұлды. Унинг намойиши мұносабати билан Лондонда опера мавсумининг очилиши олти ҳафтагача сурилиб кеттәңди. Бу Томасга үзининг мұйыжизавий сарғузаштлари ҳақидағи ҳикояны давом эттириш, фотосурат ва фильмларин Конвент-Гардендеги қироллик опера театрида намойиши этиш имконини берди.

Лондондаги мана шундай чинакам мұваффақиятдан кейин у күплаб мамлакатларда довруқ қозонди. Сүнгра икки йил давомида Ҳиндистон ва Арабистондаги ҳаёт тұғрисида фильм олди. Бирок шундан кейинги күплаб ва мұтлақо ҳаёлға келмаган омадсизликдан сүнг чүнтагида бир ҳемиризиз Лондонда пайдо бұлды. Ұша вақтда мени у билан бирга әдим. Лайон Корнер-Хауздаги арzon ошхоналарда овқатланиб юрганымизни эслайман. Машхұр актёр Жеймс Макби исмли бир шотланддан пул қарз олмаганимизда, үзимизни бу күйга солиб құярмидик. Бирок ҳамма гап шунда әдики, қулогигача қарзға боттан ва омадсизликка учраган Лоуэлл Томас буңдан ташвишланиш үрнига муаммони ҳал этиш билан машғул бұлды. Агар қийинчиликтарға бүйин әггүдек бұлса, үзига ҳам, кредиторларға ҳам ҳеч қандай фойда бұлмаслигини биларди. Шу боис у күнни ҳар тонғда гул сотиб олиб, пиджаги илмогига қистириб олишдан бошлар ва бошини баланд күтарғаңча Оксфорд стрит бүйлаб шаһдам юрар әди. У яхши нарасаларни үйлар, үзини йүқтотmas ва омадсизликка ён бермасди. Уншын назарида, омадсизлик — үйиннинг бир қисми, үз ишида чүккігін етишни истайдиганлар учун фойдалы маңы.

Буюк француз файласуғи Монтең үзиге шиор қилиб қуидаги сұздарни танлаган экан: “Инсон содир бұлған воқеалардан күра бу ҳақдаги үйларидаң күпроқ изтироб чекади. Бирон-бир воқеа борасида нималарни үйлаш эса сиз билан бизнинг үзимизге болғық”.

Бу билан нима демоқчиман? Бошимизга нохос түшгән қийинчиликдан икки букилиб қолған, асабларимиз ипдай таранг тортилған ва гитара торидек жаранглаб турған бир вақтда тикка юзингизга қараб, мана шундай вазиятда фақат ирода кучи билангина руҳий қайфиятингизни үзгартира оласиз, деб айтиш учун киши қанақанғы сурбет бұлмоги керак. Нақотки, ҳа шундай, дейдігандаражада баттол бұлсам? Ҳа, мен айнан шу нарсаны назарда туаяпман! Ҳали бу ҳаммаси әмас. Буни қандай адө этишни сизге күрсатмоқчиман ҳам. Балки бир оз ҳаракат қилишингизге түгри келар, аммо бунинг сири жуда оддий.

Амалай руҳшупослиқда тентсиз сиймо бұлмиш Уильям Жеймс бир куни шундай ҳикоя қылған әди: “Тасаввурға күра, түйгу оргидан амал қолади, аммо аслида түйгу ва амал бир вақтдаги ҳодисадир. Ирода воситасида бошқариш осон бұлған ҳаракаттарни назорат қилиш йүли орқали биз ирода кучи билан бошқариш уича осон бұлмаган түйгуларимизни билвосита назорат қиласымыз.

Бошқача айттанды, ирода кучи билан үз ҳиссий ҳолатимизни күз очиб юмгүнча үзгартыролмаймиз, аммо амалларимиз табиати ва йұналувчанлигини үзгартыршымиз мүмкін. Амалларимиз табиати ва йұналувчанлигини үзгартырганимизда, бейхтиёр ҳиссий ҳолатимизни үзгартырамыз.

— Шундай қилиб, — деб изоқ беради Уильям Жеймс, — сизни аллақачон яйратиб юборғандек қилиб иш қилиш ва тапириш учун қайфиятингизни өзгеше ягона йұл ҳисобланади”.

Наҳотки шундай жүн усул қандайдир самара берса? Үзингиз бажариб күринг. Отзингиз қулоғингизга етгүнча жилмайинг, күкрагингизни керинг, чуқур нафас олинг ва қандайдир кичик бир құшиқни хиргойи қилинг. Құшиқ айтолмасанғиз, ҳуштак чалинг. Бу ҳам құлингиздан келмаса, алланималарни мингириләнг. Уильям Жеймс айттан ҳамма гаплар ҳақиқатта мувофиқ эканини биласиз-құясиз ва үзингизни мутлақо баҳтли одамдек тұтсанғиз, жисмоний жиһатдан ҳам ҳеч қанақанги зұриқишиңға дучор бўлмайсиз.

Бу инсон табиатининг энг оддий ва мустаҳкам хоссаларидан бири бўлиб, у ҳаётимизда жуда осонлик билан мўъжиза яратади. Мен калифорниялик бир хотинни биламан (унинг исми-шариғини айтиб ўтирумайман), агар у мана шу сирдан воқиф бўлганида, йигирма тўрт соат ичидәёқ барча мусибатларидан ҳалос тошарди. У ёши катта ва бева аёл. Аммо шу нарса үзини баҳтли одамдек тутиб юришига ҳалақит берадими? Агар ундан кайфиятингиз қанақа, деб сўрасанғиз, у ҳаммаси жойида, деб жавоб беради. Аммо унинг юз ифодаси-ю, аянчли овозида “Оҳ, бошимга не мусибатлар тушганини билсанғиз эди”, деб турганини кўрасиз. Унинг олдида хушчақчақ бир қиёфада пайдо бўлсанғиз, у сизни жинидан ҳам ёмон кўриб кетади. Юзлаб бошқа аёллар бундан-да оғир синовлардан ўттан. Зеро, эри ўлганидан кейин бу аёлнинг бисотида анча-мунча захира маблаг қолган, бу умрининг охиригача bemalol кун кўришига етар, фарзандлари аллақачон оиласлик бўлиб, узларидан тинчишган, ҳатто уларнике бориб турса ҳам бўлаверар экан. Бироқ шундай бўлса-да, унинг ҳеч очилиб-сочилиб турганини кўрмайсиз. Гарчи қизлариникида қолиб кетса ҳам, у бари ўлгудай зиқна деб, учала куёвидан тинмай нолиркан, гүё

қизлари унга совға-салом қилмас әмишлар. Ҳолбуки, унинг ўзи топганини ўлимлігига деб туғиб құяркан. Фақат ўзининггина әмас, барча фарзандарининг турмушини заҳар-заққумга айлантираади! Шуңақа ҳам бұладими, ахир? Афсуски, ўзини ўзгартыришини ва шүрлік кимса күринишидан иззатай ва ҳурматли оила аъзосига айланишини истамади. Агар истаганида, бу унинг құлидан келадиган иш әмасми? Бунинг учун ўзини баҳтли одамдай тутиб юрса бўлди эди. Одамларга муҳаббат кўрсатиб, ўйнаб-кулиб юрса, олам гулистон-ку. Бунинг ўрнига бор куч-қувватини баҳтсизлиги ва аламларини асрашта исроф қиласади.

Мана шу сирни билгани учун ҳам ҳозиргача тўрт мучаси соппа-сөғ юрган бир одамни танийман. Унинг исми-шарифи Х. Ж. Энглерт, Индиана штатининг Телл шаҳридан. Ўн йил аввал қизилча билан оғриганди. Тузалганидан кейин буйраги касал эканлиги маълум бўлган. Унинг қаратмаган жойи, қилмаган амали қолмаган. Янгичасига ҳам, эскичасига ҳам кўп кўрсатган-у, аммо бундан фойда бўлмаган.

Бу унда асорат пайдо қиласади: қон босими бирдан кўтарилиб кетиб, шифокорга борган, доктор унга артериал босими ҳалокатли, касаллик эса кучайиб бормоқда, шунинг учун зудлик билан тайёргарлигинизни кўраверинг, деган.

“Мен уйга қайтиб келдим, – деб ҳикоя қиласади у, – сугуртамини тўлаб қўйдим. Сўнг бандалик йўлида қиласан барча хато-ю гуноҳларимни магрифат қиласади, деб Яратганга илтижо қиласади ва мунгли ўйларга чўмдим. Барча яқин қариндош-уругларим мен билан баравар изтироб чекарди. Ўзим ҳам жуда ёмон аҳволда. Бироқ бир ҳафтача ўзимни аяб ётганимдан кейин, “Бу нима қилиқ, эй хом сут эмган банда эдим!” – дедим ўзимга. Балки ҳали бир йиллик насибанг бордир, ундан кўра кўзинг тириклигидә икки кун бўлса ҳам ўйнаб-кулиб қолсанг-чи.

Мен қадимни ростлаб, жилмайдим ва ўзимни түё ҳаммаси жойидагидек тутдим. Аввалига бу бир оз қийин бўлди, лекин бари бир ўзимни очиқ кўнгил ва қувноқ тутишга ҳаракат қиласердим. Бу менинг оиласмагина эмас, ҳаттоқи ўзимга ҳам ёрдам берди.

Мен ҳис қилган биринчи нарса бу кайфиятни яхшилаш. Ўзимни худди тасаввур қилганимдай яхши ҳис этар эдим. Шундан яхшиланиб кетавердим. Бугун эса тирикман ва баҳтлиман. Қон босимим ҳам пасайған. Бир нарсани аниқ биламан: борди-ю, ўламан деб ўйлайверганимда, ҳеч шубҳасиз, докторнинг айттани бўлмай қолмасди. Лекин мен фикримни ўзгартириб, ўз танамнинг согайнб кетишига имкон тутдирган эдим”.

Сизга бир савол берсам, малол келмасин. Борди-ю, бир одам жанговар кайфиятини йўқотмай, яхши нарсаларни фикрлай бошласа, у фақат шу йўл билан ҳаётини сақлаб қолар экан. Унда нима учун биз лоақал бир дақиқагина ўзимизнинг ёмон кайфиятимиз ва асабийлашувимиз билан муроса қилишимиз керак? Ўзимиз ва атрофимиздагиларнинг ҳаётини хирадаштириш нечун? Ахир, баҳтимизни ўзимиз яратишга тайёр имкон бор-ку. Бунинг учун борйўги ўзимизни қувноқ ва шодон тутсак — шунинг ўзи кифоя.

Кўп йиллар илгари бир китоб ўқигандим, у менга кучли таъсир кўрсатганди. Бу китоб “Одам қандай фикрлайди?” деб номланган бўлиб, муаллифи Жеймс Аллен эди. У бундай деб ёзади:

“Кимки нарса ва одамларга ўз муносабатини ўзгартиrsa, ўша заҳоти улар ҳам унга муносабатини ўзгартиради”. Инсон ўз фикрини яхшилик томони ўзгартирсин. Шунда бу униг ҳаётидаги моддий шароитларга қандай тез таъсир кўрсатишидан ҳайратда қолади. Одамлар ўзи хоҳлаган нарсани эмас, балки аслида нимани намоён этса, ўшани ўзита

қараб тортади. Тақдиримизни бор қиласын Илоҳ ичимиңда жойлашған. Бу моҳиятимиздинг қоқ юраги. Инсон етишган ҳамма нарса фикрларининг бевосита натижасидир. Фикрлари олдига қўйилған вазифа даражасида юксалғандагина инсон жанг қила олиши ва мақсадига етишини мумкин. Борди-ю, у фикрлари юксалишидан воз кечгудай бўлса, заиф, иродасиз ва баҳтсизлигича қолиб кетади.

Бугуннинг ўзидаёқ

1. Бугуннинг ўзидаёқ мен баҳтли бўламан. Бу Авраам Лишколын айтган гаплар тўғрилигиди билдиради: одам ўзини қанчалик баҳтли деб ҳисобласа, ўшанчалик баҳтиёрдир. Баҳт сарчашмаси ичимиңда жойлашған, у ташқи олам билан боғлиқ эмас.

2. Бугуноқ бор нарсанинг ўзига мослашишга ҳаракат қиласман ва ҳамма нарсани ўз хоҳишлиаримга мослаштиришга уриимайман. Оиламни, ишимни ва омадимни, улар қандай бўлса, шундайлигича қабул қиласман. Ўзимни мавжуд шароитта мослаштираман.

3. Шу бугундан вужудимга гамхўрлик қиласман. Жисмоний тарбия билан шутулланаман, унга эътибор кўрсатиб тўйинтираман. Ундан нотўтри фойдаланимайман ёки пафратланмайман. Шу тариқа у талабларим ижроси учун мукаммал машинага айланади.

4. Бугундан бошлаб ақлимни ривожлантиришга ҳаракат қиласман. Биронта фойдали нарсани ўрганиман. Ақлий ялқовликка берилмайман. Саъй-ҳаракат, мулоҳаза ва эътиборни талаб этувчи китобни мутолаа қиласман.

5. Шу бугуноқ барча йўналишларда руҳимни чиниқтираман. Мен ҳеч ким билмайдиган тарзда кимгадир яхшилик қиласман.

6. Бугуннинг ўзидаёқ пок ниятли бўламан. Кўлимдан келганча яхши кийинаман ва ораста юраман. Паст овозда сўзлашаман. Ўзимни яхши тутаман, кўпроқ бошқаларни мақтайман. Умуман ҳеч кимни танқид қилмайман. Бироннинг ўйлари ва ишларидан хато қидирмайман, камчилигини тўгриламайман.

7. Бугунданоқ фақат бугуним билан яшайман ва барча ҳаётий муаммоларимни дафъатан ҳал этишга уринмайман. Ўн икки соат мобайнида битта ишни бажариш учун кучим етади.

8. Бугуннинг ўзидаёқ ўз дастуримни тузишга киришаман. Ҳар бир соатда қиладиган ишимни қайд этиб бораман. Эҳтимол, миридан-сиригача бажаришга муваффақ бўлмасман, аммо уни келажакда навбати билан адо этаман. Мен икки душманимга: шошма-шошарлик ва саросималикка барҳам бераман.

9. Бугундан бошлаб ярим соат бўлса ҳам ўзим билан ёлгиз қолиб, кунни осудаликда ўтказаман. Ҳаётимга кенгроқ назар ташлаш учун гоҳо мана шу ярим соатда Худо ҳақида хаёл сураман.

10. Бугуннинг ўзидаёқ қўрқувни бас қиласман, айниқса, баҳтили бўлишдан, гўзалликдан баҳра олишдан, мен севган одам мени ҳам севишига ишонишдан — севилишдан чўчимайман.

Ўн учинчи боб

ҲИСОБЛАШИШ ЖУДА ҚИММАТГА ТУШАДИ

Кўп йиллар муқаддам Йеллоустон миллий богига туристик саёҳат қилган эдим. Кечқуруи туристлар равогида утирган эдик, бу ердан қарагайзор ва арчазорлар кафтдагидай кўриниб турарди. Биз ушбу ўрмоннинг сардори — айиқполвоннинг пайдо

бұлишини кутаёттандик. Ана, у қуёш нурларига тұла майдонда тұсатдан пайдо бұлди. Айқынғолвон бу ерда қолдирған ошхонадан чиққан қолдиқтарни бемалол титкилашға туыди. Маҳаллий үрмөнчи майор Мартиндейл отда үтирганча ҳаяжонланған туристларга айқылар ҳақида ҳикоя сүзлар әди. Бу айқ Гарбий яримшардаги бошқа қар қандай ҳайвон билан бемалол бас бойлашар экан. Тұгри, фақат буйвол билан кадыяк айигини бундан мустасно этиш мүмкін. Дарвоңе, яқында очиқ майдонда айқынғолвон билан яна қандайдыр жонивор турғаниға эътибор қылдым. Бу Америка сассиққұзани. Гарчи сассиққұзаниң панжаси билан бир уриб тинчитиб құя қолиши мүмкін бұлса-да, айқ үнға бепарво әди. Нега у бундай қылмади? Бундан ҳеч қандай маъно йүқлигини у биларди.

Буни мен ҳам билардым. Болалик пайтимда фермада яшаганимда Миссури қыргогидаги чакалакзорда тұрт оёқли сассиққұзани тутыб олғандым. Катта бұлғаң, Нью-Йорк тротуарларида бир қанча “икки оёқли сассиққұзан”ларға дүң келдім. Муомала қилишдаги мүнгсли тажрибам хоҳ тұрт оёқли, хоҳ икки оёқли бұлсиян, бундай “сассиққұзанлар” билан илакишишмаслик кераклигини доим үқтириб туради.

Душманимиздан нафратланар эканмыз, устимиздан ҳукмронлик қилишиға йўл қўйиб берамиз. У уйқумиз, иштаҳамиз, қон босимимиз, согалигимиз, баҳтимиз устидан ҳукмронлик қилади. У туғайли қанчалик изтироб чекишимизни, бошимизга не-не ташвиш солишини билганида, душманимиз шляпасини осмонга отади. Бу, албатта, у биз билан орани очиқ қилиши учун ажойиб имконият яратади. Бизнинг қанчалик нафратланишимиз үнға бир пул, аммо бу нафрат ҳаётимизни бошдан-оёқ дўзахга айлантиради.

Аммо душманингиз билан орани очиқ қилишга уринишингиз ўзингизга қанчалик салбий таъсир кўрсатиши мумкин? Аслида буининг ҳисобига етиб бўлмайди. “Life” журнали ҳатто соғликни йўқотиши мумкинлиги ҳақида ёзиб чиққанди: “Гипертониклар, яъни қон босимидан жарбланувчилар табиатининг асосий хусусияти хафагарчиликка мойиллигидир. Бу чўзилиб кетса, сурункали гипертония юзага келиб, юрак фаолиятида муаммо пайдо бўлади...”

Яқиндагина мен танийдиган бир аёл жиадий юрак хуружини бошидан ўтказди. Доктор уни тўшакка ётқизди ва нима бўлганда ҳам жаҳл қиласликни тайинлади. Агар юракда муаммо бўлса, газаб қўзиши, ҳатто ўлдириши мумкинлигини шифокорлар яхши билишади. Ўлдириши мумкин дедими? Бир неча йил бурун тошиб келган газаб Вашингтон иттати Спекейн шаҳридаги бир ресторон соҳибининг жонига зомин бўлди. Ҳозир олдимда шу шаҳар полиция бошқармаси бошлиги Жерри Соуртаутдан келган бир хат ётарди:

“Бир неча йил олдин Уильям Фалькабер қаттиқ газабланишдан ўлди. У қаҳвахона соҳиби эди. Оддий ошиаз унинг чашкасида қаҳва ичганидан қаттиқ жаҳли чиққан. Газаби тошгани шунчаликки, пистолетини қўлига олганча, “ошпаз қани?” деб излашга тушибган. Бироқ шу вайт юраги хуруж қилиб қолган. У ўлган, қўли эса ҳамон пистолетни қисиб турган. Суд-тиббиёт эксперtlари хулосасида юрак хуружининг сабаби газаб деб қайд этилган”.

Мен Швециянинг Уппсала шаҳрилик Жорж Ронадан хат олдим. Кўп йиллар давомида у Венада адвокат бўлиб ишлаган. Иккичи жаҳон уруши вақтида Швецияга кетиб қолган экан. У пулдан сиқилиб, иш излаган. У бир қанча тилларда bemalol ўқиб, ёза оларкан. Шу боис биронта ташқи савдо фирмасига ишга киришга умид боғлаб юаркан.

Урушни баҳона қилиб, күпгина фирмалар унга иш йўқ, деб жавоб берар, аммо исминизни картотекага киритиб қўямиз, деб вайда қилишаркан. Дарвоҳе, бир одам унга шундай хат билан жавоб қайтарибди: “Сиз менинг иш жараёнимни нотўри тушунибсиз. Бироқ қаттиқ адашасиз, бунинг устига, нодон ҳамсиз. Менга мухбир керак эмас. Бордӣ-ю, керак бўлганида ҳам сизни зинҳор ишга олмаган бўлардим. Чунки сиз швед тилида жуда ёмон ёзар экансиз. Хатингизда хатолар гиж-гиж”.

Хатни ўқиб, Ропанинг чапараста жаҳли чиқибди. Менга шведчада ёзолмайсиз, деб нимани назарда тутаялти? Ўзининг ёзувида гиж-гиж хато. Шу боис Жорж Рона бу бизнесменинг обрўйини бир пул қилишга чоғланиб, жавоб хати ёзибди. Бироқ сал нарига бориб ўйланиб қолибди: шошма, бу одамнинг ноҳақлигини сен қаёқдан билиб ўтирибсан? Мен швед тилини ўргандим, аммо бу менинг она тилим эмаску, шунинг учун хато қилган бўлсам қилгандирман, буни ўзим билмагандирман.

Модомики, хато қилган эканман, унда албатта тилни яхшироқ ўрганишим керак, ишга жойлашиш ниятида юрибман-ку. Эҳтимол, бу одам ўзи хоҳламаган ҳолда менга яхшиликни согиниб айтгандир. Унинг қиласан қўпол муомаласи эса ёзган хатидан келадиган фойда олдида ҳеч нарса. Демак, кўрсаттан ҳурмати учун мени ундан миннатдор бўлишум керак.

Шундан кейин Жорж Рона хатни йиртиб ташлабди-да, бошқасини ёзибди:

“Сизга мухбир керакмаслигини ҳисобга олиб, хатимга жавоб ёзганингиздан тоят миннатдорман. Фирмангиз фаолияти йўналишини нотўри тушунганим учун узр сўрайман.

Компаниянгиз мени қизиқтирувчи фаолият соҳасида етакчи эканлиги ҳақида олган маълумотимга асосланиб, уз суроимни ёзиб юборган эдим.

Хатимда бир қанча грамматик хатоларга йўл қўйганимни билмабман. Эътиборсизлик қилганим учун узр сўрайман ва шу муносабат билан ўзимни ғоят ноқулай ҳис этяпман. Энди швед тилини мукаммал ўрганишга киришаман ва грамматикадаги хатоларимни йўқотишга ҳаракат қиласман. Мен билимимни такомиллаштиришимда ёрдам берганингиз учун сизга миннатдорлик билдираман”.

Бир неча кундан кейин Жорж Рона шу одамдан жавоб хати олди. Унда сұхбат учун бир келиб кетиши суралганди. Рона келди ва ишли бўлди. Рона ўз тажрибасида 1-қоидани муваффақиятли синааб кўрди: камтарлик газабни даф эта(ди)р экан.

Ўн тўққиз аср муқаддам Эпиктет: “Биз экканимизни ўрамиз, шундай вақт бўладики, содир этган барча ёвузлигимиз учун тақдир бизни жавоб беришга мажбур қиласди”, деган экан.

“Охир-оқибатда, – давом этади Эпиктет, – ҳар бир одам ўз қилмиши учун жавоб беради. Буни ёдида тутган одам ҳеч кимдан жаҳли чиқмайди, бирор унинг газабига дучор бўлмайди. У ўзгани айбламайди, ҳақорат қиласди ва ёмон кўрмайди”.

Эҳтимол, Американинг бутун тарихида ҳеч ким Линколычалик ҳақорат ва нафрат ботқогига ботмаган бўлса керак. Бироқ Хердон ўзининг мумтоз бўлиб қолган Линcoln таржимаи ҳолида ёзганидек, ҳеч қачон ўзининг яхши ё ёмон кўришига асосланиб одамлар ҳақида фикр юритмаган.

Борди-ю, нимадир қилиниши керак бўлса, буни душмани бошқалардан яхшироқ бажаришга қодирлиги уни ташвишга солмаган. Борди-ю, бирор уни ҳақорат қиласа, айни вақтда у мазкур лавозимга энг яхши номзод ҳисобланиб турган бўлса, Линcoln айнаи шу одамини ўша лавозимга худди ўз аўстини тайинлагандек тайинлаган.. У шахсий адвати туфайли қачондир, кимнидир лавозимдан четлаштирганига кўзим етмайди.

Линкольн масъул лавозимларга айнан ўзи тайинлаган одамларнинг ҳужумига тез-тез дучор бўлиб турарди. Масалан, Маклелан, Стиоард, Стэнтон, Чэйз. Бундан ташқари, Хердонга кўра одамни қилган иши учун кўкка кўтариш, фаолияти ёки фаолиятсизлиги учун қоралаш керак эмас. Чунки Линкольн барчамиз таомил ва меросхўрлиқдан олинган шароит, ҳиссиёт, таълим даражасининг фарзандимиз холос деб ҳисоблаган.

Линкольннинг ҳақлигига шубҳа йўқ. Борди-ю, душманимизниң жисмоний, ақлий ва ҳиссий сифатларини мерос қилиб олсак, агар ҳаёт биз учун худди душманимиздагидек ташкил топган бўлса, биз ҳам худди у каби иш туттан бўлардик. Бундан бошқача йўл тополмасдик ҳам. Шу боис, душманларни фош қилиш ва қасд олиш ўрнига, ёрдам беришингизни, кечиришингизни, улар учун дуо қилишингизни ҳис этишларига имкон тугдиринг.

Мана шундай руҳий ҳолатта етишмоқ, тинчлик ва баҳтга эга бўлмоқ учун ҳаётниң ўзи тақозо этаётган **2-қоидани ёдда тутинг:**

Ҳеч қачон душманларингиз билан орани очиқ қилишга уринманг, агар шундай қилсак, ўзимизга зарар етказамиз.

Ўн тўртинчи боб

**„АГАР ШУНДАЙ ЙУЛ ТУТСАНГИЗ,
ОҚИБАТСИЗЛИК ТУФАЙЛИ
ҲЕЧ ҚАЧОН ОЗОР ЧЕКМАЙСИЗ“**

Яқинда мен техаслик бир бизнесмен билан танишиб қолдим, ундали ғазабининг чеки йўқ эди. У билан танишганимиздан кейин ўн беш дақиқа ўттач, ҳаммасини сўзлаб беради, деб огоҳлантиришганди.

Шундай қилди ҳам. Газабини келтирган воқеа ўн бир ой муқаддам содир бўлган, аммо ҳамон шундан фигони фалакда экан. Шу мавзудан бошқа ҳеч нарсани гапира олмасди. Ўзининг ўғтиз тўрт нафар ходимига Рождествога мукофот тарзида ўн минг доллар, яъни киши бошига уч юз долларга яқин пул берибди. Аммо улардан биронгаси бир оғиз раҳмат демабди. "Уларга пул берганимдан, — деб такрорларди у, — минг-минг пушаймонман".

"Жаҳли чиққан одам, — деган экан Конфуций, — ҳар доим заҳарга тұлиб туради". Бу бизнесмен том маънода заҳарга тұлиб турғанди, менинг унга ростдан ҳам раҳмим келиб кетди. У олтмиш ёшларда. Сугурта компаниясининг ҳисоб-китобига кўра ҳозир саксон ёнда бўлса, яна қанчагина умри қолгаңди, дейсиз. Шундай бўлгач, бу одам, агар омади келса, эҳтимол, яна ўи тўрг-ӯи беш йил яшар. Бундан ташқари, у ўи бир ой муқаддам заҳарга айланған умрининг бир йилини деярли яшаб бўлгаңди. Бу муддат қайтмас бўлиб ўтди-кетди. Мен унга қаттиқ ачиидим. Хафа бўлиб ва ўзига ўзи ачиниб юрганидан кўра, балки ўзидан бир сўраб кўрса бўлармиди: нима учун одамлари ундан миннатдор булмади? Эҳтимол, улар Рождество мукофотили совға сифатида қабул қилиб, бунинг учун ишлаб қўйганмиз деб ҳисоблашгаңдир? Балки у ходимларига азбаройи қаттиқ туриб, уларни ўзидан бездириб қўйган-у, раҳмат айттани ҳузурига киришга юраклари дов бермагандир? Балки бари бир фойданинг каттагина қисмига солиқ солингани учун у шундай қилган, деб ўйлашгаңдир?

Балки унинг ходимлари худбиш, яхшиликни билмайдиган ионкўр одамлардир. Балки унисиdir, балки бунисиdir. Сиз каби мен ҳам бу воқеа тўгрисида бошқа ҳеч парса билмайман. Аммо доктор Самуэль Жонсон нима деганини биламай: "Оқибат — инсон тараққиётин олий даражасининг натижасидир. Яхши

тарбия күрмаган одамларда уни учратмайсан". Сизга айтмоқчи бұлғаним; бу одам тез-тез учраб турадиган нохуш хатога йүл қўйган. У инсон табиатини билмаган, вассалом.

Дейлик, сиз бир кишининг ҳаётини қутқариб қолдингиз, бунга жавобан ундан миннатдорлик умидвор бұласизми? Сиз умидвор бұларсиз, аммо Самуэль Лейбовиц ундей қилмайди. Судья бұлгунигача у жиший ишлар бўйича оқловчӣ бўлиб ишлаган ва етмиш етти одамни электр курсида қатл этишдан сақлаб қолган! Нима деб ўйлайсиз: улардан нечтаси Самуэль Лейбовицга ташаккур айтгани вақт тополган ёки Рождество билан табриклаб, унга хат йўллашдан эринмаган? Нечтаси? Ўйлаб кўринг-чи. Тўғри — улардан биронтаси ҳам бундай қилмаган.

Бир куни Исо ўн шафар моховни тузатиб юборди. Нечтаси унга миннатдорчилик билдиргани вақт топган, деб ўйлайсиз? Фақат биттаси. Шунда Исо Масих үгирилиб, шогирдларидан сўрайди: қолган тўққизтаси қани? Уларниң барчаси бир оғиз шукронга сўз айтмай қочиб қолган экан! Энди сизга бир савол бермоқчимаң: нима учун сиз, мен ёки техаслик аюйи бизнесмен ўзимизниң майда савоб ишларимиз учун Исота билдирилган шукроаликдан кўпроқ миннатдорликка умидвор бўлишимиз керак экан?

Иш пулга бориб тақаладиган бўлса, аҳвол бундан бешбаттар бўлади. Чарльз Швабниң ҳикоя қилишича, бир куни у жамғарма бозорида банкка қарашли пуллар билан қимор ўйнаган хазинабонни қутқариб қолган экан. Шваб бу пулни унга берган ва у мағлубият товоинини тўлаган. Хазинабонни қамалиб кетишдан сақлаб қолган. У мишинатдор бўлганими? Ҳа, сал-пал. Кейин у Швабга қарши иғво тарқатиб, тухматлар қилиб айблай бошлаган. Тағип келиб-келиб қамоқقا тушишидан сақлаб қолган одамга шундай қилган.

Агар бир миллион доллар пулни мерос қилиб қолдирсангиз, қариндошингиз сиздан миннатдор бўлармиди? Карнеги худди шуидай қилган — бир миллион доллар қолдирган. Агар у гўридан тирилиб чиққанда, қариндош-уруглари унга аямай лаънат ёғдираёттанини кўриб, озмунча таажжубга тушмасди. Нима учун? Чунки қария Карнеги қолган 365 миллион долларини хайрия эҳтиёжларига васият қилганди.

Булар бари мана бундай содир бўлади. Инсон табиати ҳар доим инсон табиати бўлиб қолаверади ва эҳтимол, бутун умр давомида бу борада ҳеч нарса ўзгармас. Унда нима учун шунга иқор бўлиб қўя қолмаймиз? Рим салтанатининг энг доно ҳукмдорларидан бири кекса Марк Аврелий йўлини тутсак, осмон узилиб, ерга тушармиди? Ўз кундалигига у қуидагиларни ёзган экан: “Бугун худбин, очкўз, ноинсоф ва шаллақи одамлар билан учрашаман. Аммо бу мени ҳайрат ва ташвишта туширмайди, зоро дунёни уларсиз тасаввур этиб бўлмайди”.

Бу гап чуқур мантиққа эга. Биз фақат одамларнинг ноинсофлигидан ёзгириш билангина машгул бўлсак, унда кимни айбламоқчи бўламиз? Ҳамма гап инсон табиатида ёки уни яхши билмаслигимизда. Келинг, ҳеч кимнинг биздан миннатдор бўлишини кутмайлик. Шунга мұяссар бўлиб қолсак, у бизга кўнгилли, ҳеч нима бўлмагандай юраверамиз.

Ўн минг йилдан буён ота-она фарзандларининг нобакорлигидан сочини юлиб келади. Ҳатто Шекспирнинг қирол Лири ҳам: “Фарзанднинг нобакор бўлгани илон чаққандан ҳам азоблироқдир”, дейди. Модомики, уларга эътибор кўрсатишга ўзимиз вақт тополмас эканмиз, сирасини айтганда, нима учун фарзаандаримиз биздан миннатдор бўлиши керак? Беоқибатлилик табиий ҳолдир ва шу жиҳати билан

у хас-хашакка ўхшайди. Оқибатни гулга қиёс қилиш мүмкин. Уни ўғитлаб туриш, сугориш, парваришилаш, севиш ва ҳимоя қилиш керак.

Фарзандларимиз солиҳ бўлмаса, кимни айлаш керак? Балки ўзимизнидир? Агар уларни бошқалардай миннатдор бўлишга ургатмасак, биздан миннатдор бўлишини қутмоқдан не наф?

Мен чикаголик бир одамни биламан. У ношуд асранди ўгилларидан ёзгирарди. Бунга сабаб бор эди. У қогоз фабрикасида ишлаб, ҳафтасига базур қирқ доллар топарди. Бир бева хотинга уйлангач, аёл уни қарз кўтариб, ўгилларини коллежга жойлаштиришга кўндириди. Ҳафтасига оладиган мана шу 40 долларни у овқатта, уйга, ўтинга, кийим-кечакка етказиши, бундан ташқари заёмга ҳам тўлаб бориши керак эди. Тўрт йил шу тариқа эшакдай ишлади ва бирон марта оғзидаи шикоят сўзи чиқмади.

Хўш, ундан миннатдор бўлищдими? Йўқ. Буни хотини ва ўгиллари шундай бўлиши керак деб билишарди. Ҳаммаси учун ўгай отадан миннатдор бўлиш уларнинг тушига ҳам кирмасди, бир оғиз раҳмат айтиб, кўнглини кўтариш йўқ. Кимни айлаш керак энди? Болаларими? Ҳа, аммо уларнинг онаси кўпроқ айбдор. Норасидаларни меҳнатда эзиб қўйсак уяг бўлади деб ҳисобларди у. Фарзандларининг ишни қарз тўлашдан бошлишини хоҳламасди. Она, болаларим, сизларни коллежга жойлаштириб, ўгай отангиз улуг иш қилди, деб бир оғиз айтишга ярамади. Бунинг ўрнига у, қўлингиздан келибди — қилибсиз, деб қўя қоларди, холос.

Бу билан у болаларини қутқариб қоламан деб ўйларди, аслида эса дунё улардан қарздор деган машғум хаёл билан ҳаётга йўллаган эди. Ҳа, бу ростданам хатарли ўй эди. Ўгилларидан бири хўжайиндан пул қарз олди-да, қамоқقا тушди.

Шу сабабдан, келинг, унутмайлик: солиҳ фарзандлар етиштириш учун аввал ўзимиз солиҳ бўлайлик. Шу нарса ёдингизда бўлсинки, болажонларимиз митти бўлсалар ҳам қулоқлари катта бўлади, оғзимиздан чиққан гапни бигта қолдирмай эшитиб туришади. Болаларингиз борида биронта одамнинг яхшилигини камситиш кўнглинигизга келиб қолгудай бўлса, таққа тўхтанг. Зинҳор-базинҳор: Съо хола Рождествога юборган мана бу салфеткаларни қаранг, уларни ўзи тўқиган, ёшидан бир цент ҳам кетмаган, деманг. Сизга кунида бўладиган гапдай тутолиши мумкин, аммо фарзандларингиз уларни диққат билан эшитади. Бунинг ўрнига Съо хола Рождествога юборган мана бу салфеткаларни қаранг. Жуда ажойиб-а? Эринмай тикканига қойил. Келинг, унга ташаккурнома юбрайлик, деганимиз яхни эмасми? Шу тариқа фарзандларимиз бошқани алқаш ва ундан миннатдор бўлишини билиб-бilmай ўрганиб олиши мумкин.

Оқибатсизлик туфайли ташвиш ва алам чекмаслик учун **З-қоидани** адо этинг:

- а) Бироннинг оқибатсизлиги туфайли ташвиш тортгандан кўра, келинг, ундан қўлни ювиб, қўлтиққа уринг.
- б) Эсингизда бўлсин, баҳтли бўлишнинг ягона йўли қилган яхшилигиңиз эвазига миннатдор бўлишларини кутишдан эмас, балки шу савоб ишни бажаришдан келувчи гашт ва лаззатдан иборат.
- в) Инсонни меҳр-муҳаббатли қилиб тарбиялаш мумкин. Фарзандларимиз оқибатли бўлишини истасак, уларни шунга ўргатишимиш зарур.

Үн бешинчи боб

БИСОТИНГИЗДА БОРИ УЧУН ҮН БЕШ МИЛЛИОН ДОЛЛАР ОЛАРМИДИНГИЗ?

Мен Гарольд Эббот билан күп йиллардан бери танишман. У Миссури штатидаги Уэбб-Сити шаҳрида яшарди ва бир вақтлар мәрзузаларни ташкил этиш билан шугулланарди. Бир куни биз Канзас-Ситидаги учрашиб қолдик. У мени машинасида Белтондаги фермамга олиб бориб қўйди. Шу саёҳатимиз асносида ундан ташвишдан қандай халос бўлиши ҳақида сўрадим. Жавоб сифатида у менга гоят қизиқарли бир воқеани ҳикоя қилиб бердик, уни бир умр эсдан чиқармайман.

“Илгари мен тез-тез ташвишланар эдим, – деди у, – бироқ бир куни Уэбб-Ситидаги Уэст-Доуэрти кўчасидан кетаётib, бир маизарарага дуч келдим, ана шу нарса барча ташвишларимдан бир йўла фориг бўлишимга туртки берди. Ҳаммаси ўн сония ичидан содир бўлди, аммо мана шу ўн сонияда қандай яшашим кераклиги ҳақида умримнинг ўттан ўн йилидан кўпроқ нарсани билиб олдим. Икки йил давомида Уэбб-Ситидаги баққоллик дўконини юргиздим. Барча йиққан-терганиларимни бой берибгина қолмадим, балки шунчалик қарзга ботдимки, уни тўлаб қутулишим учун роса етти йил керак бўлди. Ўттан якшанбада дўжонимни ёпдим, ўша куннинг үзида иш қидиргани Канзастга бориш учун ссуда оламан деб “Савдо ва тоф банки”га йўл олдим.

Сувга тушган латтадай шалвираб кетиб борарадим. Тўсатдан рўпарамдан бир оёқсиз одам чиқиб қолди. У ихчамгина аравачада ўтиради. Қўлидаги ёғоч калтакчаларга тирадиб итарганча шу аравачада кўчадан кетиб бораради. Мен унга кўчани кесиб утиб, бордюр

тоши устига чиқиб келаёттанида дуч келган эдим. Аравачаси хиёл бурилиб, кўзларимиз тўқнаш келгач, унинг юзи табассумдан ёришиб кетди. “Хайрли тоңг, сэр! Ажойиб кун, шундай эмасми?” – қувноқ оҳангда деди у. Унга қарадим ва шу заҳоти қанчалик бой эканимни англадим. Менинг иккала оёғим бор, юра оламан. Бир неча дақиқа аввал ўзимга қанчалик раҳмим келиб турганидан уялиб кетдим. Модомики, мана бу оёқсиз одам баҳтли, хурсанд ва ўзига ишонган экан, унда иккала оёғим бутун бўла туриб, мен ҳам шундай баҳтли булишимга асло шубҳа йўқ, дедим ўзимга. Вужудим тетиклашиб кетаёттаңдай ҳис эта бошладим. Мен банқдан 100 доллар миқдорида ссуда сўрамоқчи эдим, энди икки баравар кўп сўрайман деб ўйладим. Банқдагиларга Канзасдан иш топишга ҳаракат қиляпман, деб айтмоқчи эдим, энди эса иш олгани бораяпман, дейман. Тамом-вассалом. Мен пул олдим ва иш ҳам топдим.

“Гулливерниң саргузашлари”ни ёзган муаллиф Жонатан Свифт инглиз адабиётидаги энг катта пессимист одам бўлган. У дунёга келганидан шу қадар нушаймон бўлганки, фақат қора кийиб юрган ва тугилган кунини мотам куни сифатида нишонлаган. Аммо бари бир айнан у — ўнгланмас ўйчи ҳам шодлик ва хушчақчақликниң тетиклаштирувчи кучини мақтаган. “Дунёдаги энг яхши шифокор, — деган эди у, — тўгри овқатланиш, хотиржамлик ва шодлик ҳисобланади”.

Биз шодлик хизматидан қаторасига неча кунлаб бепул фойдаланишимиз мумкин, фақат ўзимизда бор бўлган бойликларга эътиборимизни қаратсак бўлгани. Бу бойликлар Алибобонинг барча афсонавий хазиналаридан ҳам қиммат туради. Икки кўзингизни бир миллион долларга сотасизми? Иккала оёғингизни қанчага савдолашасиз? Қўл, қулоқ, фарзаңдарингиз, онлангизни-чи? Бисотингизни бир жойга тўплаб,

қаранг, уни Рокфеллерлар, Морганлар ва Фордлар биргаликда тұплаган барча олтинга алмаштирмайсиз.

Аммо биз шу бойлиknинг қадрига етапмизми? Афсуски, йүқ, Шопенгауэр айтганидек: “Ұзимизда бори ҳақида кам үйлаймиз-у, ұзимизда йүқ нарса хаёлмиздан нари кетмайды”. Ҳа, айнан ұзимизда бори ҳақида кам үйлашта мойиллик ҳаётдаги энг катта фожиадир. Эхтимол, башарият тарихидаги барча урушлару ұлатларга қараганда каттароқ мусибат ана шу.

Люси Блейк исмәли таниш бир аёл үлім тұшагида ётарди. То үзида йүқ нарсадан қайғуриш эмас, балки үзида боридан қувонишиңи үрганмагунча ахволи үнгланмади.

Мен Люси билан күп йиллар илгари танишғанман, биз Колумбия университети қошидаги журналистлар мактабида “Кичик ҳикоялар қандай ёзилади?” мавзусидаги үқув курсида бирга үқир әдик. Түккіз йил муқаддам бир баҳтсизлик рүй беради-ю, ҳаёти ағдартұнтар бўлиб кетади. Бу вақтда у Аризона штатидаги Туксон шаҳрида яшарди. У мешга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди:

“Уша вақтда мен фаол ҳаёт кечирардим. Аризона штатида орган чалишни үрганардим, пүтқадаги нұқсанларни тузатиш бүйича шаҳар клиникасига мудирлик қиласардим, шунингдек, Дезерт-Уиллоу-Ранчда мусиқа маданиятидан дарс берардим. Оқшом dancing(рақс)ларда қатнашардим, тунда от миниб күнгил очардим. Бир куни эрталаб ҳушдан кетиб қолдим. Юрагим хуруж қилиб қолғанди. Доктор бутунлай соғайиб кетишім учун бир йил тұшакка михланиб ётишим кераклигини айтди. Аммо яна олдингидек ҳеч нарса күрмагандай бўлиб кетасиз, демади.

Бир йил тұшакда михланиб ётиш. Мен дақшатда әдим. Ногирон бўлиб қоламанми? Ё балки үлиб

кетарман? Нега бундай бўлиб қолдим? Бунга қай ёзугим сабаб бўлдийкин? Қисматимдан йиглар, оҳвоҳлар қилар ва куйиб-ёниб ҳасрат қилардим. Аммо бари бир доктор айтганидек, тўшакка михландим. Артист қўшим мистер Рудольф менга бундай деди: “Хозир сен бир йил тўшакда ётишни фожиа деб уйлаяпсан. Аммо бундай эмас, сен ўзинг ҳақингда уйлашинг ва ўзингни билиб олишинг учун фурсатта эта бўласан. Мана шу бир неча ой ичида бутун ўтгани ҳаётингта қараганда маънавий томондан кўпроқ усасан!”

Мен тизчландим ва ҳаётий қадриятларни янгича тушунишга ҳаракат қила бошладим. Фикрни ишлатиш учун керак бўладиган китобларни ўқишига киришдим. Бир куни радиодан шундай сўзлар қулогимта чалиниб қолди: “Сиз шуурингизда бор нарсанигини ифода эта оласиз”. Бу ганини илгари кўп марталаб эшитгандим. Аммо ҳозир улар ҳақида чуқур ўйлаб қолдим ва онгимга маҳкам мухрладим.

Мен яшашимга ёрдам берадиган нарсалар — севинч, баҳт, соғлиқ ҳақидагина ўйлашга аҳд қилдим. Ҳар куни эрталаб уйгонганимдан кейин ўз ҳаётимда нимадан миннатдор бўлишим кераклигини эслайман. Ҳеч қанақа оғриқ йўқ. Радиодан таралаётган мусиқа тоят ёқимли. Китоб ўқиши учун вақт тўлиб-тошиб ётибди, таомлар бир-биридан тотли. Дўстларнинг яхшилигини айтмайсизми: ана шундай аъло кайфијатда эдим. Шунча кўп одам мени кўргани келардик, шифокорим “Кўргани келганлар маҳсус тузилган жадвал бўйича наебат билан кирсин” деган эълон осиб қўйинига мажбур бўлди.

Ўшандан буён ўн йил ўтди. Ҳозир ишларни бошимдан ошиб-тошган ўша йили касалхона тұшагидан менга пігъом эттан нарсаси учун тақдиримга қайта-қайта шукронда айтаман. Бу ҳаммасидан қадрли ва баҳти давр эди. Ўшанда тақдирга шукропа айтишдек янги одатим туфайли ортирган мартабам умрбод ўзим

билан қолди. Бу менинг энг қимматли бойликларим» дан бири эди. Үлимдан чинакамига құрқмагунимча қандай яшашни билмаганимдан ҳанузгача уяламан.

Азизим Люси Блейк! Балки билмассан, аммо сен иккى юз йил муқаддам доктор Самуэль Жонсон олган сабоқни олғансан. “Утмишнинг энг яхши жиҳатини күриш одати, — деган эди доктор Самуэль Жонсон, — йилига миңг фунтдан фойда күришдән күпроқ аҳамиятта эга”.

Бир нарсага эътибор беринг, буни ҳаётни жонидан севгаи ва кўпни кўрган одам айтмаган, балки уни йигирма йиллик умри мобайнида ташвиш, алам ва ҳаддан ташқари муҳтожлик кўрган, шировардида ўз даврининг энт машҳур ёзувчисига айланган шахс оғзидаи эшитиб турибсиз:

Логан Пирс Смит сўзларида ҳам теран маъно бор: “Ҳаётда иккита асосий мақсад мавжуд: биринчидан, истаган нарсаигга етишин. Иккинчидан эса бундан лаззат олиш. Иккичиси фақат энг доноларгагина насиб этади.

Агар биз ташвишлапишни бас қилиб яшай бошлимоқчи бўлсак, 4-қоидага риоя қилишимиз лозим.

Муаммони эмас, омадни ҳисоблаб боринг.

Ўн олтинчи боб

ЎЗИНГИЗНИ ТОПИНГ ВА ЎЗИНГИЗДАН ҚОЛМАНГ: ЕР ЮЗИДА ТЕНГСИЗ ОДАМГА АЙЛАНАСИЗ

Олдимда Шимолий Каролина штати Маунт-Айри шаҳридан миссис Эдит Олреддинг хати ётибди.

“Болалигимда мен жуда таъсирчай ва тортичоқ эдим, — деб ёзади у, — бунинг устига тиқмачоқдеккина эдим. Лўлпи юзларим мени баттар семиз қилиб

күрсатарди. Ойим анча эскича усулдаги хотинлардан бўлиб, қизини чиройли кийинтиришни подонлик деб ҳисобларди. Унинг топған гапи: “Кенг кўйлак узоқ чидайди, тори эса бир ёқдан кийдинг, бошқа ёқдан сўкилиб кетади”. Кечки базмларга бормасдим, ўйин-кулги нима — билмасдим. Мактабга қатнай бошлагач ҳам, дарсдан кейин сифдошларим билан ҳеч қачон ҳеч қаёққа бормаганимай. Спорт билан шугуланмасдим. Ўтакеттан тортинчоқ эдим. Бошқалардан нима биландир ажралиб турмасдим, ҳеч кимга керагим йўқлигини ҳис этардим.

Улгайгац, ўзимдан бир неча ёш катта кишига эрга беришди. Аммо бу ҳам мени ўзгартирмади. Эриминг оиласи ўртаҳол ва ўзига ишонған одамлардан иборат эди. Ўз қадрларини яхши билишарди. Мен ҳам улардай бўлишим керак эди-ю, бироқ бу қўлимдан келмади. Роса тиришдим, ҳеч гап чиқмади. Қилган барча уринишларим шунга олиб келдики, мен баттар “ичимдагини топ” бўлиб қолдим. Дўстлардан қочардим. Аҳволим шу қадар ёмонлашдик, эшпик жириингласа, юрагим қинидан чиққудай бўларди. Ҳаётим заҳарга айланганди. Бир кун келиб эриминг бундан воқиф булишидан даҳшатта тушардим. Шу боис, ҳар гал кўча-кўйга чиққанимизда қувноқ бўлиб кўринишга ҳаракат қиласдим. Кўпинча бу ишни қойил қилиб уddaлардим. Аммо шундан кейин кўп кунлар давомида ич-этимни еб, роса эзилардим. Ўзимни шундай бадбаҳт ҳис эта бошладимки, тирик юришимда ҳеч қандай маънио қолмагандай ўз жонимга қасд қилишини ўйлай бошладим”.

Бу шўрпешана аёлнинг қисматини нима ўзгартира оларди: бор-йўғи бир оғиз гап, холос.

— Мана шу бир оғиз гап, — дея иқрор бўлди миссис Олред, — бутун ҳаётимни тубдан ўзгартириб юборди. Бир куни қайнанам менга фарзандларини қандай ўстирганини гапириб бериб ўтирганди.

“Атрофда нима бұлаёттапига қарамай, – деди у, – мен ҳар доим уларга үзингдан қолма, дердім.

“Үзингдан қолма!” Мана шу бир оғиз үгит бутын ҳәётимни үзгартыриб үборди. Үша аснода тушундымки, барча бахтсизликларимга сабаб үзимта мутлақо түгри келмайдиган аллақандай никәбии кийишга уринишимдан келиб чиқаёттан экан.

Мен бир кечадаёқ үзгардым. Үзимдай бұла бошладым. Шахсиятимни тадқиқ этишга ва үзимнинг нимага арзишимни аниқлашта ҳаракат қилдым. Кучли жиҳатларимни ўргандым. Кийим ранги ва урфлары ҳақида құлымдан келганча билиб олдым. Назаримда, ҳаммадан яхши күринадиган бўлиб кийицдим. Уича катта бўлмаган жамоат ташкилотига аъзо бўлиб, дўстлар ортиридим. Менга маъруза қилишни топширганларида шундай қўрқиб кетдимки, бироқ ҳар сўзга чиққанимда журъатлироқ бўлиб боравердим. Бунига анча вақт кетди. Ҳозир шунчалик баҳтиёр яшамоқдаманки, илгари буни хаёлимга ҳам келтиролмасдим. Фарзаидларимни тарбиялар эканиман, уларга ҳар доим аччиқ тажрибамни гапириб бераман. Бошга не савдолар тушибасин, киши үзидан қолмаслиги, ҳеч ким сохта нарсага қул бўлмаслиги керак экан”.

Бир қиз аччиқ тажрибасида шу сўзларининг тўғрилигига амин бўлғаңди. У трамвай ҳайдовчисининг қизи бўлиб, қўшиқчи бўлишни жуда хоҳлар, бироқ ҳусни тушибагур унга панд берарди. Уништ оғзи катта, курак тишлари олдинга туртиб чиққанди. Нью-Жерсидаги тулиги клубда биринчи марта саҳнага чиққапида латофатли бўлиб кўриниш учун юқориги лаби билан пастки тишларини япириншга ҳаракат қилди. Натижә қандай бўлди дейсизми? У кулагили тус олиб, ҳайдаладиган бўлди.

Шу куни клубдаги бир томониабин қизининг қўниқ айтишини кўрди-да, унда ажойиб истеъдод борлигини-

пайқаб қолди. “Менга қара, – деди у қизға, – сенинг чиқишиңгни күрдим ва тишларингни яширмоқчи бўлганингни ҳам билдим. Сен тишларингдан уял-япсан!”

Қиз хижолатдан чурқ этмасди, бироқ ҳалиги киши давом этди: “Хўш, шунга нима бўпти? Бунақа тиш булиши жиноятта кирмайди-ку! Сен уларни яширишга ҳаракат қилма! Отзингни кенг оч, томошабин сени яхши кўриб қолади, чунки уялмаёттанингни кўрадида. Бундан ташқари, – деб синчковлик билан қаради у, – сен яширмоқчи бўлган мана шу тишлар сени бадавлат қилиб юбориши мумкин”. Кэс Дейли уининг маслаҳатига кирди ва тишларини эсидан чиқарди. Шундан буён қиз фақат ўзишинг томонабини ҳақида уйлаб келади. У оғзини катта очиб, шу қадар эҳтирос ва иштиёқ билан кўйлардики, натижада радио ва телевидениенинг юлдузига айланди. Энди бошқа хонанда қизлар унга тақлид қилишга тиришардилар.

Элга машҳур Уильям Жеймс ҳар бир одам ўз ақлий қобилиятининг атиги ўн фоизинигина ривожлантира олади деб ҳисоблайди. У бу ганини ўзини топиш қўлидан келмайдиган одамлар хусусида айтган. “Аслимизга нисбатан, – деб ёзганди у, – биз ярим уйқудамиз. Жисмоний ва маънавий кучларимизниң фақат кичик улушидангина фойдаланамиз. Кенг маънода эса инсоният индивидуаллиги ривожланиши учун жуда катта имкониятга эга”.

Инсон, одатда фойдаланмаётган турли хилдаги кучларни ўзида мужассам этган.

Модомики, шундай имкониятта эга эканмиз, келинг, бошқа одамларга ўхшамаганимиздан ташвишланиб, умримизни зое кетказмайлик. Сиз — бу душёда янгисиз, ёруғ дунё бино бўлгаңдан буён ҳеч қачон сизга бутунлай ўхшаган зот бўлмаган ва то қиёматгача ҳам ҳеч қачон сизга мутлақо ўхшайдигани бўлмайди.

Ирсиятдаги янги кашифийётларнинг шоҳидлик беришича, биз кўп даражада ўзимиз билан 24 та ота ва она уругларининг ўзаро ҳамкорлиги натижасини намоён этар эканмиз. Мана шу 48 та уруг бутун авлод-аждодимиз ҳақидаги маълумотдан иборат. “Ҳар бир уругда, — дейди Ароан Шейинфилд, — йигирматадан то юзтагача ирсий моддалар жойлашган, шу билан бирга, инсоният тараққиёти йўналишини бутунлай ўзгартириб юбориш учун гоҳо битта ирсий мөддадаги ўзгариш ҳам кифоя қиласи. Дарҳақиқат, биз даҳнатли ва мўъжизакор тарзда бино этилганимиз”.

Ҳатто ота-онамиз никоҳдан ўтиб, қовушганларидан кейин айнан сизнинг дунёга келишингиз эҳтимоллиги 300000 миллиардан биттани ташкил этаркан. Бошқача айтганда, агар сиз 300000 миллиард акаукаю опа-сингилли бўлганингизда ҳам, улардан сизга ухшагани кам бўларкан. Сиз буни ичидан тўқияпти деб ўйламанг, йўқ, бу — иламий далил.

Бетакрорлигинингиздан суюнинг. Табиат сизга инъом этган неъматдан тўла фойдаланинг. Пировардида бутун сашъат тадрижийдир. Фақат ўзингиз ҳақда куйлашингиз ва фақат ўз расмингизни чизишингиз мумкин. Қандай булишни хоҳласангиз, ушандай булишингиз лозим. Бу яхшими ё ёмонми, аммо сиз ўз шахсиятингизнинг жажжигина боғини барпо этишингиз зарур. Эмерсон “Ўз-ўзига ишонч” эссесида ёзади: “Ҳар қандай инсоннинг ўз тараққиёт жараёнида шундай палла келадики, у ҳасад — жаҳолат, такрорлаш — ўз жонига қасд қилиш эканлитини, инсон энг оддий бўлса ҳам ҳаётдаги ўз ўришидан қаноатланиши кераклигини, гарчанд олам кепг ва маъмур бўлса-да, инсон ундан фақат ўзи этиштирган ҳосилни табиат унга ато этган маълум жойдагина олиши мумкинлигини ахийри англаб етади. Ҳар бир инсонга берилган куч моҳиятсан янигидир ва унинг ўзидан бошқа ҳеч ким у нима қила олишини бил-

майди, то ўзи синаб кўрмагунча буни ҳатто унинг ўзи ҳам англаб етмайди”.

5-қоида:

Бошқалардан нусха олманг. Ўзингизни топинг ва ўзингиздан қолманг.

Ўи еттинчи боб

ЛИМОНИНГИЗ БЎЛСА, УНДАН ЛИМОНАД ТАЙЁРЛАНГ

Ушбу китобни ёзаётганимда, бир куни Чикаго шаҳри университетида бўлиб, унинг ректори Роберт Мейнард Хатчинсидан ташвиш билан қандай курашаёттанини сўрадим. У: “Мен ҳар доим бир вақтлар “Сирс, Роубак ва Компани” фирмасининг президенти бўлган марҳум Жулиус Розенвальд маслаҳатига амал қилишга ҳаракат қиласман. У “Агарда сенда лимон бўлса, ундан лимонад қил дерди”, деб жавоб берди.

Таълим соҳасидаги таниқли мутахассис ана шундай иш тутарди. Аммо аҳмоқ одам бунинг айнан тескарисини қиласми. Агар ҳаёт унга лимон топширса, у таслим бўлади-да, дейди: “Ютқаздим. Бу тақдир. Мен тамом бўлдим”. Кейин у дунёниг бевафолигидан нолиб, бетўхтов шикоят қилишга тушади. Бироқ лимон донишмацдиниг қўлига тушса, у: “Бу омадсизликдан қандай сабоқ олишим мумкин? Мавжуд аҳволни қандай қилиб яхшиласам экан? Лимонни қайси усулда лимонадга айлантирса бўлади?” дея мулоҳаза қиласми.

Буюк руҳшунос Альфред Адлер: “Иисониятнинг ҳайратомуз сифатларидан бири: у минусни плюсга айлантиришга қодир”, деганди. Худди шундай қиласми Тельма Томпсон исмали бир аёл ҳақидаги қизиқарли ва завқли ҳикояга қулоқ тутинг.

“Уруш вақтида, — деб сўзлайди аёл, — эрим Калифорния штатидаги Моҳаве саҳросидан сал нарида жойлашган ҳарбий машқулар лагерида хизмат қиласарди. Унинг ёнида бўлиш учун уша ёқса бордим. Бу жойни жуда ёмон кўриб қолдим. У турган-биттани расво жой экаи. Мен ўзимни гариб ва нотавон ҳис эта бошладим. Эримни машқ қилгани саҳрога жўнатишарди, мен эса кафтдеккина шаҳарчада бир ўзим танҳо қолардим. Жазирама чидаб бўлмас даражада ёндирарди — кактуслар соясида ҳарорат 50 даражага кўтарилаарди. У ерда фақат ҳиндулар ва мексикаликлар истиқомат қиласарди. Мен гаплашадиган биронта зот йўқ, чунки улардан биронтаси ҳам инглизчани билмасди. Тинмай шамол гувиллар, овқатлар ва ҳатто ҳаво ҳам қумга тўла. Қаёқса қараманг, қум, қум, қум...

Ўзимни шу қадар хокисор сезар ва ўзимга шунчалик раҳмим келиб кетардики, охири ота-онамга, ортиқ чидолмайман, уйга қайтаман, бу ерда бир дақиқа ҳам қолишга мажолим йўқ, деб хат ёздим. Бундан қамоқда бўлганим дуруст. Отам менга атиги икки сатр жавоб хати йўллабди ва мана шу икки сатр менга шундай таъсир кўрсатдики, ҳаётимни бутунлай ўзгартириб юборди:

*Икки маҳбус боқар эди қамоқхона ортидан:
Бири кўрап ерда лойни, бири кўкда юлдузни.*

Мисраларни қайта-қайта ўқирдим ва уятдан ерга киргудай бўлардим. Шу аҳволимда бирон-бир яхши нарса қидириб топишга азму қарор қилдим. Мен юлдузни қидиришга тушдим.

Маҳаллий аҳоли билан дўстлашиб олдим ва уларнинг муносабатидан ҳайратда қолдим. Мато ва со-пол буюмларига қизиқиб қараётганимни кўриб, улар менга ўзишларининг туристларга сотишини

истамаган энг яхши намуналарини совға қилишди. Шу билан бирга кактусларнинг ажойиб ва гаройиб шакларини, дараҳтсимон турларини ўргандим. Ўтлоқзор кучуклари ҳаёти ҳақида кўп нарса билиб олдим. Саҳрода қуёш ботишидан завққа тўлдим. Чул қушлари, уммон тубида уч миллион йилдан бери ётган денгиз чиганоқларини тўпладим.

Нима учун меңда бундай ҳайратомуз ўзгариш содир бўлди? Саҳронинг ўзи ўзгарганий йўқ. Ҳиндулар ҳам уша-уша. Аммо мен ўзгарганман. Мен мавжудликка муносабатимни ўзгартирган эдим. Шу орқали дўзахи ҳаётимни энг мароқли саёҳатга айлантиредим. Ўзимга янги олам эшигини очиб, севинч ва завққа тўлдим. Ҳаяжоним шунчалик кучли эдик, бу жой ҳақида китоб ёздим, олам юзини кўрган бу романни “Жилвагар манзиллар” деб атаганман...

Мен ўзимни қамаб қўйган қамоқҳонада мўралаб, юлдузларни кўрган эдим.

Тельма Томпсон, сиз кўхна ҳақиқатни кашф этгансиз, Исодай беш юз йил аввал Юноистонда шуни урганишган: ҳаммасидаи қийни энг яхши нарсани яратишидир.

ХХ асрдаёқ Гарри Эмерсон Фодик буни тагин тақрорлади: “Баҳт аслида лаззат ҳисобланмайди, у галабадир”. Албатта, бу шундай галабаки, оддинга қўйилган мақсадга етиш натижасида қўлга киритилади, у лимонни лимонадга айлантириш нашидасидир.

Сунги ўттиз беш йилда мен Нью-Йорқдаги катта ёшдагиларни ўқитиш курсини олиб бордим ва ўқувчиларнииг кўнчилиги уларда олий маълумотнииг йўқлинидан ташвишда эканлигини билдим. Улар олий маълумотнииг йўқлиги ҳаётда тўсқинлик яратади деб ўйлашаркан. Мен бу унчалик тўғри эмаслигини биламан, чунки муваффақиятга эришган минглаб одамлар билан танишлингим бор.

Нафақат олий, ҳатто урта маълумотта ҳам эга бўлмаган бир танишим ҳақидаги воқеани ҳикоя қилиб бераман.

У муҳтожликда ўсган. Отаси ўлганида тобут сотиб олишга дўстлари пул тұлашган. Отасининг үлимидан сўнг онаси соябон чиқарадиган фабрикага ишга кирган. Шўрлик аёл кунда ўн соатдан ишлаган, бу ҳам етмагандай, уйига ҳам иш олиб келиб, тунги соат ўн биргача ишлаган.

Шуидай шароитда вояга етган ўғил черков қошидаги театр тўгарагида шугулана бошлаган. У актёрликка шу қадар берилиб кетганки, нотиқлик санъатини үрганишга қарор қиласган. Бу уни сиёсатга олиб келган. Ўттиз ёшида уни Нью-Йорк қонунчилик йигини аъзоси қилиб сайлайдилар. У бундай ишни бажариш учун муглақо тайёр эмасди. Боз устига ўзи нима иш қилишини ҳам тасаввур этолмас экан. У ўзи овоз бериш керак бўлган узун-узун мураккаб қонун лойиҳаларини ўқир, аммо улар шу қадар тушунарсиз бўлганки, гўё улар инглизча эмас, ҳиндуларнинг қаиқдайдир чактоу деган тилида ёзилгандай. Уни ўрмон ва ўрмон хўжалиги бўйича қўмитага сайлаганларида қаттиқ ташвиш ва саросимага тушиб қолган. Ахир у ўрмон ҳақида ҳеч нима билмас эди-да. Уни банклар бўйича давлат қўмитаси аъзоси қилиб сайлашганида ҳам шундай бўлган. Ахир банк ҳисоби деган нарсага умрида иши тушмаган, кўрмаган экан-да. Яна айтишича, шунақангি таҳликага тушиб қолганки, агар маглубиятига иқрор бўлганида онаси олдида уялишдан андиша қилмаганида, шартта истеъфога чиқиб кетар экан. Аламидан кунига ўн олти соатдан ўқишига ва жаҳолат лимонини билим лимонадига айлантиришга жазм эттан. Шу иш билан шугулланиб, маҳаллий аҳамиятдаги сиёсатчидан бутун мамлакатга таниқли сиёсий сиймога айланган. Ҳатто “Нью-Йорк

таймс" газетаси уни "Нью-Йоркниң энг ҳурматли инсони" деб атаган.

Мен Эл Смит ҳақида ганираётган эдим.

Үн йил үтгач, Эл Смит ўзининг сиёсий ўз-
ўзини ташкил этиш дастурини амалга оширишга
киришганидан кейин Нью-Йорк штатида энг катта
нуфузли шахсга айланди. Уни тўрт марта Нью-
Йорк губернаторлигига сайлашди. Бу рекордни
ҳеч ким такрорламаган. 1928 йилда у демократлар
партиясидан президентликка номзод бўлган эди.
Колумбия ва Гарвард университетлари билан бир-
галиқда олтида энг йирик университет лоақал ўрта
маълумотга эга бўлмаган бу одамга илмий даража
такдим этди.

Одамларнинг муваффақияти сабабини қанча кўп ўрганганим сайнин шунга амин бўлдимки, кўплари ҳаёт йўлининг бошида дуч келган қийинчилик туфайли муваффақиятга эришган. Бу қийинчилик уларни ажойиб натижага олиб келган зарурий саъи-ҳаракатларни қилишга унданган. Уильям Жеймс буидай деганди: “Муаммоларимиз бизга тўсатдан ёрдам беради”.

Ха, күр бұлғани учун ҳам Милтон яхши асарлар ёзғани, карлиги туфайли Бетховен энг яхши мусиқа асарлари яраттгани бежиз әмбес.

Агар Чайковский ҳаётда хотинидаң ёлчимай, бу таҳлит түшкүплилікка тушмаганида ва сал бұлмаса үз жонига қасд қилишгача бориб етмаганида, худи шунингдек, шахсий ҳаёти фожиалар билан тұлиб-тошмаганида, әхтимол, у ҳеч қачон үлмас “Питетик симфонияси”ни ёзмагаң бўларди.

Агар Достоевскийнинг ҳаёти азоб-уқубатга тұлға бұлмаганида, әхтимол, у ҳеч қачон үзининг үлмас романларини ёзмаган бўларди.

"Агар мен мана шундай катта жисмоний камчиликка эга бўлмаганимда, — деб ёзганди Ер сайёрасида

турларнинг келиб чиқиши илмий тушунчасини ўзгартирган Чарльз Дарвин, – бундай улкан ишни қилолмаган бўлардим”.

Англияда Дарвин тугилган ўша кунда Кентукки ўрмонидаги ёғоч кулбада бошқа бир чақалоқ ҳам дунёга келди. Унга ҳам қийинчилик ёрдам берди. Унинг исми Авраам Линкольн эди. У зодагонлар оиласида тугилиб ўсгач, Гарвардда ҳуқуқшуносликдан сабоқ олиб, оилавий ҳаётда баҳтли булганида, эҳтимол, юрагининг туб-тубига ва Геттисбургда тошга муҳрлаб қўйилган: “Нафратсиз, аммо жумлаи оламга мурувват ила...” деган энг гўзал, илоҳий ва ҳайратомуз сўзларни ҳеч қачон топиб айттолмаган бўлармиди?

Фараз қилайликки, биз мутлақо саросимага тушиб қолганмиз, ўз лимонимизни лимонадга айлантириш учун заррача умид йўқ. Шундай бўлса-да, нима учун буни қилишимиз кераклигига ҳар қандай ҳолатда ҳам иккита сабаб мавжуд. Зоро биз ютиб чиқишимиз, аммо ҳеч нарса йўқотмаслигимиз мумкин.

Биринчи сабаб: биз муваффақиятга эриша оламиз.

Иккинчи сабаб: гарчи биз муваффақиятта эришмасак ҳам минусларни плюсга айлантиришга саъи-ҳаракатимизнинг ўзиёқ шунга олиб келадики, биз орқага эмас, оддинга боқамиз ва салбий фикрларимиз ижобийга алмашади. Бу ижодий қувватни халос этишга мажбур қиласи ва ишларимизга бошимиз билан шўнгигиб, абадий ўтиб кетган нарса ҳақида шикоят қилишга на вақт, на хоҳиш бўлмаслиги томон ундейди.

Ҳаётта нисбатан қалбимизда осудалик ва баҳтни жо айлаб, 6-қоядага амал қилайлик.

Тақдир сизга лимон ато этса, ундан лимонад қилишга урининг!

ИККИ ҲАФТА ИЧИДА ҲАФАҚОНДАН ХАЛОС БҮЛИШ

Мен ушбу китобни ёзишга киришганимда, “Ташвиш устидан ғалаба қозониш хусусида” мавзууда энг ибратли ва ҳаётбахш ҳаққоний ҳикоя учун икки юз долларлик мукофот билан танлов эълон қилдим. Ҳайъат аъзолигига уч одамни таклиф этдим. Булар: “Шарқ ҳаво йўллари” компанияси президенти Эдди Реккенбакер, Линкольн хотираси музейи директори доктор Стюарт К. Маккеланд, радиошарҳловчи Х. В. Кайтенборн эди. Бироқ биз шу қадар ажойиб ҳикоялар олдикки, ҳайъат аъзолари улардан қайси бири энг яхши эканлигини аниқлай олмади. Шу боис, мукофотни тақсимладик. Биринчи мукофотни олган ҳикоялардан бири қўйидагича эди. Унинг муаллифи С. Р. Бертон (фирмада ишлайди, “Уиззер” автомобиллари сотувчиси, Миссури штати Сприингфилд шаҳри).

Тўққиз ёшимда онасиз қолдим, үн икки ёшимда эса отадан ажралдим. Отам ҳалок бўлган эди, онам эса үн тўққиз йил бурун уйдан чиқиб кетган, уни бошқа кўрганим йўқ. Яна икки сингилчамни ҳам онам ўзи билан олиб кетганди. Фақат егти йилдан кейингина ундан хат олдим.

Онам кеттанидан уч йил ўтгач, отам ҳалок бўлди. У Миссури штатидаги бир кичикроқ шаҳарда қаҳвахона сотиб олганди, отам иш сафарида бўлган вақтда унинг шериги қаҳвахонани сотган-да, пулни олиб, қочиб қолган. Бир дўсти отамга телеграмма юборган ва зудлик билан шаҳарга қайтишни суратан. Отам шошиб йўлга чиққан ва Канзас штатининг Салинас шаҳрида автомобиль ҳалокатидан ҳалок бўлган. Отамнинг иккита камбагал ва касалванд

опаси бор эди... Улар оиласынан уч болани ўзларига олган. Бироқ мен ва укам ортиқчалик қылға, шаҳар аҳли қарамогида қолғанмиз. Бизни етимлар деб аташларидан, ёмон мұомала қилишларидан жуда құрқардик. Күп үтмай, худи құрқанимиздай бұлиб чиқди ҳам. Бирмунча вақт мен бир камбағал оиласа турдим. Бироқ оғир замонлар эди, оила бошлиғи ишини йүқтотға, ортиқ мени боқа олмасди. Шундан кейин мени эр-хотин Лофтинг үзларига олишди. Биз шаҳардан үн бир миля наридаги фермада яшар әдік. Етмиш ёшли мистер Лофтинг темираткининг оғир тури билан оғрир ва тұшакдан турмасди.

У менга агарда ёлғон гапирмасам, үгрилик қылмасам ва безорилик қилишга уринмасам, уларни кіде қолишим мүмкінлегини айтди. Бу шартлар менинг қатъий қоидаларим бұлиб қолди. Мана шу сұзларға мутлақо мұвоғиқ тарзда яшай бошладым.

Мен мактабға қатнағып, бир ҳафтадан кейин у ёққа бормай қўйдим, уйда қолиб, ёш боладай йиглардим. Мактабда болалар мени етимча деб масхара қилишар ва узун бурнимни калака қилиб кулишарди. Шунчалик қатғиқ хафа қилишди, улар билан муштлашишта тайёр әдим. Бироқ фермер Лофтинг менга: “Шуни билки, муштлашмаслик муштлашишнинг ўзидан кўра кўпроқ матонатни талаб этади”, деди. Мен мактабдаги бир бола юзимга товуқ ахлати билан солиб қолмагуича муштлашувдан ўзимни тийиб юрдим. Аммо ўша болашыңг боплаб таъзирини бермай туролмадым ва иккита дүст орттирудим. Улар менга, безори шунга муносиб, дейишиди.

Мен мистер Лофтинг олиб берган янги қалпоғимдан гурурланиб юрадым. Бир куни юқори синфдаги бир қызы қалпоғимни бошимдан юлиб олди-да, сувга ботириб, ивитиб ташлади. Кейин “Сенинг мис манглайингни ҳұллаб юмшатищ учун шундай қилдим, бұлмаса, товуқ миянг қуриб қолади”, деди. Мактабда

ҳеч қачон йигламасдим, лекин уйга келгач, ҳўнграб юбордим. Шунда миссис Лофтин менга қилган битта насиҳат барча ташвиш-ўйларимни йўқقا чиқариб, душманларимни дўстга айлантириди: “Ральф, агар синфдошларингга қизиқиб қарасанг, улар учун ни-мадир қилишинг мумкинлигини ўиласанг, сени бошқа масхараламай қўйишади ва етимвачча, деб аташмайди”, деди. Унинг насиҳатига кўниб, қунт билан ўқий бошлагач, кўп утмай, энг яхши ўқувчига айландим. Ҳеч ким мешга кек сақламай қўйди, чуники ҳаммага ёрдам беришга ҳаракат қиласдим.

Бир неча болага баён ва мати ёзишда кўмаклашдим. Бошқаларига эса баҳс учун шутқ ёзив берардим. Бир бола уй вазифасини тайёрлашда ёрдамим тегаётганини айтиб миннатдорчилик билдириди. Шунинг учун ойисига балиқ туттани кетяпмай деб, менинг олдимга келарди. У кучукларини саройга боғлаб қўяр, биз бирга дарс тайёрлардик. Бошқа бир боланинг китобига шарҳ ёзив бердим, бунинг учун бир нечта оқшомшинг баҳридан ўтишимга тўғри келди. Яна бир қизга эса математикада қарашиб юбордим.

Мана, ўн уч йилдирки, мени ҳеч ким етимвачча деб атамайдиган бўлди.

Яшасин С. Р. Бертон! Дўст ортиришда унинг олдига тушадигани йўқ. Бундан ташқари, ташвишни қандай енгишни ва ҳаётдан лаззатланишни билади.

Буюк руҳшунос Альфред Адлер хафақондан азият чеккан мижозларига одатда бундай дерди: “Агар маслаҳатимга кирсангиз, икки ҳафтага қолмай тузалиб кетасиз. Ҳар куни одамларга қандай лаззат багишилаш мумкинлиги ҳақида ўйлашга ҳаракат қилинг”.

Бу гап шу қадар эҳтимолдан йироқ туюладики, мен доктор Адлернинг “Сизнингча ҳаёт нимани англатиши керак?” деган ажойиб китобидан икки бетни кўчириб, изоҳлашга ҳаракат қиласдим:

“Хафақонлик, – дейди у, – бошқаларга нисбатан пинҳоний ғазаб ва таънани эсга солади, бироқ bemорда ўз айбидан эзилгандай таассурот уйготади. Ҳолбуки, унинг мақсади атрофдагиларнинг унга эътибор бериши, ҳамдард бўлиши ва қўллаб-куватлашига эришишдан иборат. Хафақонлик эсга соладиган биринчи нарса тахминан қўйидаги сўзлар билан ифода этилиши мумкин: “Эсимда, акам күшеткада ётган эди. Мен қанча хоҳласам ҳам у ёнидан жой бермагач, қаттиқ йиглай бошлагандим, жой беришга мажбур бўлди”.

Хафақонлик билан оғриғанлар кўпинча ўз жонига қасд қилиш йўли билан қасос олишга мойил бўлади, шу боис шифокорнинг биринчи вазифаси бундай қилишга йўл қўймасликдан иборат. Муолажанинг биринчи қоидасига кўра мен кескинилики юмшатишга ҳаракат қиласман: “Ҳеч қачон истамаган нарсангизни қилманг!” Бу маслаҳат ҳаддан ташқари оддий бўлиб тулолади, аммо у касалликнинг энг асосий сабабини бартараф этишга қаратилган. Борди-ю, хафақонга чалингап киши ўзи истаган ҳамма нарсани қилишга қодир бўлса, ким айблай олади? “Борди-ю, сиз театрга бормоқчи ёки таътилга чиқмоқчи бўлсангиз, шундай қилинг, дейман мен. Борди-ю, бирданига боргингиз келмай қолса, унда тўхтанг. Бу киши тушиши мумкин бўлган энг яхши ҳолатdir. Ҳолат унинг интилишини афзаллик томон қондиришта имкон беради. У ўзини Ҳудога қиёс қиласди ва нима хоҳласа, ҳаммасини қилиши мумкин. Бошқа тарафдан, буидай хулқ-атвори унинг ҳаёт услуби билан биритириб юбориш учалик осон эмас. У буйруқ беришни ва бошқаларни айлашни истайди, борди-ю, улар ўзи билан ҳамжиҳатликларини изҳор этса, унда буйруқ беришга бўлган ўз интилишини амалга ошириш имкониятидан маҳрум бўлади. Бу

қоида касаллик маромини анча енгиллаштиради ва менинг bemорларим орасида бирон марта ҳам ўз жонига қасд қилиш ҳодисаси содир бўлган эмас”.

Одатда bemор мана бундай жавоб беради: “Ахир, мен қилишни хоҳлайдиган ҳеч вақо йўқ”. Бундай фикрларни тез-тез эшитаман. Бундай ҳолатда менда оддиндан тайёрланган жавоб бор: “Унда сизга ёқмайдиган парсани қилиндан ўзингизни тийинг”. Гоҳо у шундай жавоб бериши мумкин: “Мен уззукун каравотда узала тушиб ётишни хоҳлардим”. Аммо биламанки, агар имкон бергудек бўлсан, у бошқа бундай қилишни хоҳламайди. Агар унга халақит бергудек бўлсан, у росмана қиёмат қилишини биламан. Шу боис мен ҳар доим рози бўламан.

Бу битта қоида. Иккинчи қоида улардаги ҳаёт услубининг ўзига бевосита қарши қаратилган.

Мен уларга “Агар маслаҳатимга риоя қилсангиз, ўн тўрт кун ичида тузалиб кетишингиз мумкин. Ҳар куни одамларга қандай лаззат багишлашингиз ҳақида ўйланг”, дейман. Улар учун бу нимани англатишини бир кўринг-а. Одатда улар мана бундай фикрдан ташвищ тортишади: “Бирорларни хафа қилишга қандай кўнглим боради?” Жавоблари ҳам гоят қизиқ: “Бу жуда осон, ахир мен бутун умр шундай қилиб келямсан”. Аслида улар ҳеч қачон бундай қилмаган... Бошқалари эса: “Ҳеч қачон бундай қилолмаслигидан қаттиқ ташвишдаман”, деб жавоб беради. Мен уларга “Ташвишланишдан тўхтаманг, аммо шу билан бирга гоҳ-гоҳ бошқалар ҳақида ҳам ўйланг”, дейман. Кўплар айтишади: “Нима учун мен бошқаларга лаззат багишлашим керак экан? Улар менга лаззат багишлашга ҳаракат қилишмаяпти-ку?” Мен жавоб бераман: “Сиз ўз соглиғингиз ҳақида ўйлашингиз керак. Бошқалар кейинроқ оғрийдилар”. Жуда кам ҳоллардагина bemор: “Мен сизнинг таклифингизни обдан ўйлаб кўрдим”, деб айтади.

Менинг барча саъй-ҳаракатларим беморнинг ижти-моий манфаатларини фаоллаштиришга қаратилган. Касалининг ҳақиқий сабаби бошқалар билан муносабат ўрнатишида ҳамкорлик етишмаслигидан иборат эканини биламал, аммо беморим буни тушунишини хоҳлайман. Тенглик ва ҳамкорлик асосида бошқалар билан муносабат ўрнатгани ҳа-моно у тузалиб кетади... Энг муҳим инсоний вазифа атрофдагиларга меҳр беришдан иборат. Одамлар билан иши йўқ одам ҳаётида жуда катта қийин-чиликларга дуч келади ва бошқаларни кўпроқ хафа қилади. Айнан у одамлар ичида энг омадсиз... Бонқа инсон зотидан биз талаб қиласиган барча нарса ва унга беришимиз мумкин бўлган ҳамма нарса унинг ишда яхши сафдош, атрофидагиларга дўст, севги ва никоҳда вафодор шерик бўлмогидаи иборат.

Доктор Адлер бизни ҳар куни савоб ишлар қилишга чақиради. Савоб иш нима дегани ўзи? “Савоб иш, – дейди Муҳаммад пайғамбар, – қувноқ табассум билан бошқа одамнинг чеҳрасини ёритишдан иборат”.

Нима учун ҳар куни савоб иш қилиш уни қи-лайтган одамга бу қадар яхши таъсир кўрсатади? Гап шундаки, бошқаларга лаззат багишлиар эканмиз, ўзимиз ҳақимизда ўйлашдан тўхтаймиз. Айнан ўзини ўйлаш безовталик, қўрқув ва хафақонликнинг бош сабабидир.

Агар эркак киши бўлсангиз, ушбу хатбошини ўқиманг. Сиз учун унинг қизиқ жойи йўқ, чунки унда бир потавон қизнинг бир неча йигит мұхаббатига мұяссар бўлгани ҳикоя қилинади. Бу қиз ҳозир буви булиб қолган. Мен бир неча йил аввал у эри билан турадиган уйда тунаб қолдим. Шу шаҳарда маърузалар ўқиёттандим ва эртасига тонгда у мени Нью-Йоркнинг марказий вокзалига қатнайдиган тезюрар поездга илинишим учун эллик

миля наридаги станцияга олиб бориб қўйди. Йўлда қандай дўст орттириш устида таъ сотиб кетдик. У: “Мистер Карнеги, мен сизга ҳеч қачон ҳеч кимга, ҳатто ўз эримга айтмаган бир нарсани ҳикоя қилиб бермоқчиман”, деди (ҳар тугул, бу ҳикоя сиз ўйлаганчалик қизиқ эмас).

Қиз Филадельфия жамиятининг олий табақага мансуб оиласида үсган экан. “Болалигим ва балогат ёшимдаги фожиа шундан иборатки, – деди у, – биз камбагал эдик. Атрофимдаги қизлар яшагандек яшашта менинг қурбим ҳам, имконим ҳам йўқ эди. Яхши кийина олмасдим. Вақт ўтгани сайин кийимларим тор келиб, урфдан ҳам чиқиб кетди. Азбаройи хўрланганим ва уялганимдан кўпинча қонқон йигитлардим. Охири аламимдан бир иш қилишга жазм этдим. Йигитлардан ҳаёти, гоялари, келажакдаги режалари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилишга тушидим. Бундай савол беришимнинг сабаби ундан қандай жавоб олиш эмасди. Бундан мақсадим битта: нима қилиб бўлса ҳам уларнинг нигоҳини этнимдаги либосдан чалғитиш. Бироқ талати ҳол содир бўлди: йигитларнинг ҳикоясини тинглар эканман, улар ҳақида кўпроқ била бошладим. Суҳбатта берилиб кетганимдан ҳатто ўзимнинг кўримсиз либосимни ҳам унутиб қўярдим. Аммо мени бошқа нарса ҳайратта солганди: яхши тингловчи бўлганим ва йигитларга кўпроқ узлари ҳақида тапиришга қўйиб берганим боис, даврамиздаги энг кўзга яқин қизга айлана бошладим. Шунда бир эмас, бирваракайига уч йигит қулимни сўраса бўладими. (Кўрдингизми, қизлар қандай бўлиши керак).

Бу бобни ўқиб, айримлар айтишлари мумкин: “Бошқа одамларга нисбатан қизиқиш ҳақидаги бу барча суҳбатлар — пучак ва хурофий сафсатадан бошқа ҳеч нарса эмас! Уларнинг меңга нима кераги бор! Менга чўнтағимда муллажиринг бўлса, бас.

Пулинг бўлса, чангандада шўрва. Куруқ қошиқ оғиз йиртади".

Начора, модомики сиз шундай ўйлар экансиз, бунга тұла ҳаққингиз бор. Аммо борди-ю, сиз ҳақ бўлсангиз, башарият тафаккуриининг илк ёзма ёдгорликларидан тортиб, барча буюк файласуфу устозларгача хато қилишган экан-да? Мен Конфуций, Сүқрот, Афлотун, Арасту, Петрагаларни кўзда тутяпман. Бу буюк сиймолар номини эслаш сизда нафратомуз киноя уйғотса, келинг, унда даҳрийларга мурожаат этайлик. Американинг XX асрдаги энг машҳур даҳрийси Теодор Драйзер бу борада нималар деганини эшитинг-а. У барча динлар устидан кулган. Уларни эртаклар деб атаб, ҳаёт жиннилиқ, бақириш ва газаб билан ҳикоя қилинган ҳеч нарсани англатмовчи тарихдир, деганди. Аммо Драйзер Исо Масиҳ ўргатган одамларга хизмат қилишдай буюк бир тамойилни ҳимоя қилиб чиққан: "Агар у умридан завқланишини истаса, ўзинигина эмас, бошқаларниң ҳам ҳолатини қандай яхшилаши тўғрисидә мулоҳаза юритиши керак, чунки унинг бошқалар учун қувониши — бошқалар унинг учун қанчалик севинишини белгилайди".

Драйзер таъкидлаганидек, агар биз ўзимизнингтина эмас, бошқаларниң ҳам ҳаётини яхшилашини истар эканмиз, шоимаслик ва вактни зое кетказмаслик керак. "Модомики, шу йўлни ихтиёр этдикми, ҳозироқ каромат кўрсатиш ёки савоб иш қилингга ва бу имкониятни бой бермасликка изи бер, зоро бир йўлдан иккичи марта юриш насиб этмайди".

7-қоида:

Бошқаларни ўйлаб, ўзингизни унугингизни табассум билан инсон чөхрасини ёритадиган савоб иш қилинг.

ТАҢҚИДДАН ТАШВИШ ТОРТМАНГІ

Үн тұққизинчи боб

ҰЛГАН ИТНИ ҲЕЧ КИМ ТЕПМАЙДИ

1929 йилда барча таълим ходимлари орасыда чинакам шов-шув келтириб чиқарған воқеа содир бўлди. Ушбу соҳа вакиллари мисли кўрилмаган воқеа гувоҳи бўлиш учун Американинг барча бурчакларидан Чикагога иштилишиди. Бир неча йил илгари Роберт Хатчинс исмали бир йигит қаттиқ меҳнат билан Йель университетига йўл топиб кирди. Бунгача у официант, ўрмон кесувчи, рецептор ва кийимфуруш бўлиб ишлаганди. Энди эса орадан атиги саккиз йилгина ўтиб, у Чикаго университети ректори лавозимига кўтарилаған эди. Бу даргоҳ Америкадаги барча университетлар орасыда тўртинчи ўринида туради. Йигитнинг ёши нечада эди, дейсизми? Ўттизда. Бу мутлақо кўз кўриб, қулоқ эпнитмаган воқеа! Сочлари оқарган профессорлар қағтиқ норозилик билдиришиди. Ёш йигитта танқид дўлдай ёғила бошлади. Унга ҳар томондан ҳужум қилиб ёшлиқ ва тажрибасизликда айблашар, таълим ҳақида билими ҳаминиқадар, дейишарди. Ҳагто газеталарда ҳам Хатчинсга қарши фақат танқидий мақолалар чоп этиларди.

Лавозимни бажаришга киришадиган куни Роберт Хатчинснинг бир дўсти унинг отасига: “Бугун эрталаб ўғлингизни танқид қилиб чиқсан бош мақолани ўқиб, эсимни йўқотиб қўяёздим”, деди.

“Ха, – унинг гапига қўшилди ота Хатчинс. – Танқид жуда қаттиқ бўлибди, аммо билиб қўй, ҳеч ким ҳеч қачон ұлган итни тепмайди”.

Бу шундай, нима бұлғанда ҳам “ит” қанчалик мұхым бұлса, уни төтгапндар шунча күпроқ маза қилишади. Кейинчалик қирол Эдуард VIII (ундан кейин Виндзор герцоги) бұлған Уэлс валиаҳди буни үз бошидан үтказиб билди. Ұша вақтда у Девонширдеги Дартмут коллежида үқир, Англияда бу худди Аннаполисдеги ҳарбий дәнгиз академиясидек бир гап. Ұшаңда валиаҳд үн түрт ёшда бұлиб, бир куни дәнгизчи зобитлардан бири у йиғлаб турғанида кириб қолади ва нима бұлғанини сұрайди. Аввалига валиаҳд гапиришдан бош тортади, бироқ кейин бари бир гапиришга күнади-да, ҳақиқатни айтади. Маълум бўлишича, билим юрти ўқувчилари уни дўппослаб кетишган экан. Колледж комподори ўқувчиларни ҳузурига чорлайди ва уларга валиаҳд ҳеч қандай шикоят қилмаганини, аммо улар валиаҳдга нима учун бундай қўпол ва ярамас тарзда муносабатда бўлғанликларини билмоқчи эканини айтди.

Курсантлар ҳеч нарса айтишни истамай, оғириликларини у оёқларидаи бу оёқларига солиб турар, үзларича бир нималар деб мингирилашарди, бироқ охир иқрор бўлиб айтиштапки, улар келажакда қирол фронтининг капитани бўлғанда биз қиролниң үзини дўппослаб урганмиз, деб мақтаниб юришни хоҳлашган.

Шу боис, эсингизда бўлсин, сизга қарши қаратилган таңқид күпинча шуни англатадики, таңқид қиувчи үзини устунроқ ҳис этади. Бу аксар ҳолатда эътиборга лойиқ бир нарса қилаёттанингиздан далолат беради. Кўплар ўзидан маълумотлироқ ёки катта муваффақиятга эришган одамларни таңқид остига олганида қандайдир ёвузона лаззатни ҳис этади.

Агар адолатсиз таңқиддан чидаёлмай ташвишга ботсангиз, 1-қоидага риоя қилинг:

Эсингизда бұлсин, адолатсиз танқид күпинча яширин такаллуф ҳисобланади. Ҳеч ким ҳеч қачон үлган итни урмаслигини эсдан чиқарманг.

Йигирманчи боб

ШУНДАЙ ҚИЛСАНГИЗ, ТАНҚИД СИЗГА ЗАРАР ЕТКАЗМАЙДИ

Бир гал мен генерал-майор Смедли Батлер билан сұхбатлашиб қолдым. Жаҳанинам шайтони Батлер чол! Эсингиздами, у АҚШ деңгиз пиёда аскарларига құмандонлик қылған генералларнинг эиг үзига хос ва довюракларидан бири эди.

У менга ёшлик чөгларида таниқли ва ҳаммада яхши таассурот қолдирадиган бұлишни жуда қаттық орзу қилганини сұзлаб берганди.

Ұша пайтларда шаънига айтилған зигирча танқидға ҳам чидаёлмас экан, аммо деңгиз пиёда қүшинидаги үттиз йил уни обдан тоблайди.

“Мени құлларидан келғанча калака ва ҳақорат қилишди, – тан олиб деди у. – Сариқ күппак, илон ва ҳатто қаламуш дейиши. Сүкишда устаси фаранглар хумордан чиққунча китобда ёзиб бұлмайдиган инглизча қанақанги сұкиш тури бұлса, ҳаммасини менга ишлатиб күришди. Мени буларга эътибор берар эди, дейсизми? Қилича ҳам! Борди-ю, ҳозир биров мени сұкса, унға бошимни буриб ҳам қарамайман”.

Әхтимол, күз тешар чол үз шаънига айтилған танқидға ҳаддан ташқари бепарво қарап. Ҳа, балки шундайдыр. Аммо бир нарса аниқ: ичимиздә күпларимиз майда-чуйда таҳқику гина-кудуратларға керагидағы ортиқча эътибор бериб юборамиз. Эсимда, күп йиллар илгари “Sun” газетаси шархловчиси

курсларимдаги күргазмали сабоққа келди, кейин мен ва ишим тұгрисида аччиқ танқидий мақола ёзди. Газабдан үзимни құйғани жой тополмай қолдимми? Қаёқда, мен уни шахсий ҳақорат деб қабул қылдым. Мен ўша захоти "Sun" газетаси ижроия құмитаси раиси Жил Хожерсга құнғироқ қилиб, шархловчи бұлмагур тұқима гаплар әмас, далиллар баён этилган мақола ёзишини расман талаб қылдым. Жазо жиноятта яраша бұлиши учун қатъий туриб олдым.

Ушанды шуңдай қылғанимдан энди уяламан. Ушбу газетани сотиб олған одамларнинг ярми ҳам ҳалиги мақолани умуман үқимаганини энди тушунаяпман. Уни үқиганларнинг ярми эса бегараз мақсадда әрмак учун үқишигаш, қолған ярми ичи қоралик билан құл ишқаб, бир неча ҳафтадан кейин эса унугиб юборған.

Одамлар мен ҳақимда үйламаслигини ва биз тұғримизда нима деяёттандырылған оларға бары бирлигини энди биляпман. Сизнинг ёки менинг үлемим ҳақидаги хабардан күра үзлариининг арзимас бош оғриқларидан минг баравар күпроқ ташвиш тортишади.

Борди-ю, сиз ёки мен алдасақ, кулгига қолсак, чүв түштін бұлсақ, орқадаң пичоқ есак, сотилсақ ва булар барини олти нафар энг яқин дүстимизнинг биттасида күрган бұлсақ, үзимизга ичимиз баттар ачиб үтираслигимиз керак. Бунинг үрнига Исо Масиҳнинг ҳам бошига шундай күнлар түшганини бир эслаб құйсак, маъқул бўларди. Унинг үн икки нафар дүстидан бири сотқин бўлиб чиқади ва ҳозирги ҳисоб билан уни үн тўққиз долларга согади. Яна бир шогирди Исо мусибатта дуч келганида ундан шартта юз үтиради ва мен сизни танимайман, деб уч карра қайтариб қасам ичади. Булар Исо Масиҳнинг бошига түшганилари.

Гарчи шаънига айтилған адолатсиз танқиддан одамларни тұхтатиб қололмасам-да, кўп йиллар

илгари шуни билдимки, мен мислсиз даражада муҳим ишлар қилиб: танқиднинг менда ташвиш тугдиришига имкон бериш-бермаслигимни ҳал эта олар эканман.

Очигини айтиб қўя қолай: мен танқидни умуман рад этиш тарафдори эмасман. Бундай фикрдан жуда йироқман. Фақатadolatsiz танқиднигина рад этиш тўгрисида гапиряпман. Бир куни Элеонора Рузвельтданadolatsiz танқидга қандай қарайсиз, деб сўрадим. Унинг чекига бундай танқидларнинг қанчаси тушгани бир Худога маълум. Оқ уйнинг ҳар қандай бекасига қарагандা, эҳтимол, энг кўп самимий дўст ва энг ашаддий душманларга эга бека у бўлса керак.

У айтдики, болалигида ўтакетган тортиноқ бўлган ва одамларнинг гапидан жуда қўрқсан. Азбаройи танқиддан даҳшатга тушганидан бир куни маслаҳат сўраб, аммаси Теодора Рузвельтга мурожаат қиласа: “Аммажон, мен фалон-фалон ишларни қилмоқчиман, аммо бунинг учун мени танқид қилишларидан қўрқяпман”.

Тедди Рузвельтнинг опаси жиянининг кўзига тик қараб деди: “Агар тўгри иш қилаётганингга юракдан ишонсанг, одамларнинг нима дейишларига парво қилма”. Элеонора Рузвельтнинг менга айтишича, бу маслаҳат унга Оқ уйда яшаган барча йиллар давомида букилмас таянч бўлган. У қўшимча қилиб, танқиддан қутгулишнинг ягона йўли — Дрезден чиннисида ишланган ҳайкалга айланиш ва токчада туришdir. Юрагинг нимани айтса, шуни қил, зеро сени бари бир танқид қилишади. Сен нимадир қиласанми, қилмайсанми, ҳар қандай ҳолда ҳам сени лаънатлайдилар. Амманинг маслаҳати ана шундай эди.

Линколн айтган эди: “Шаънимга айтилган барча танқидларга жавоб бермасликка эмас, бор-йўги ўқиб

чиқишига ҳаракат қилганимда ҳам мен бары бир нима қилиб турған бұлсам, шуни қилаверған бұлардим. Барча билимидан фойдаланған ҳолда ҳаракат қиласын ва үзимга bogliq ҳамма ишни бажараман, бу умримнинг охиригача үзгармайды. Агар мени ғалаба кутаёттан бұлса, менга қарши гапирилаёттан ҳамма гаплар бир пулға қиммат. Борди-ю, мағлубият кутаёттан бұлса, ўнта фаришта менинг ҳақлигимга қасам ичиб, гувохликка үтганида ҳам ақвони үзгартириб бўлмайди”.

Адолатсиз танқидга дуч келганингизда, келинг, 2-көндани эслайлик:

Сизга bogliq ҳамма ишни қилинг, кейин эса ёмгири томчилари ёқантиздан ичингизга келиб тушмаслиги учун танқидий гаплар ёмгири ёққанда соябонингизни очиб, бошингизга тутиб олинг!

Йигирма биринчи боб

МЕНДАН ҮТГАН АҲМОҚЛИКЛАР

Шахсий архивимда “МЎА” номи остидаги бир жилд бор. Бу “мендан үтган аҳмоқликлар” иборасининг қисқартирилганидир. Бу жилдің мендан үтган аҳмоқона ишларга таалукъли ҳамма нарсани жойлаб қўяман. Гоҳо уларни котибамга айтиб туриб ёздирамаш, гоҳо улар шу қадар шахсий, шу қадар аҳмоқона бўладики, айтиб туриб ёздиришга уяламан, шунинг учун ҳаммасини қўлда ёзиб чиқаман.

Дейл Карнегига қарши бир қанча танқидий нутқларни эслайман, уларни “МЎА” жилдига ўн беш йил муқаддам солиб қўйганман. Агар мен виждоним олдида чиндан пок бўлганимда, “МЎА”

муҳрли жиљдларимни сигдиролмай жавоним ёрилиб кетган бўларди. Шу ўринда шоҳ Саулнинг ўтиз аср муқаддам айтган сўзларини такрорламоқчиман: “Ўйламасдан иш қилиб, жуда кўп гуноҳларга йўл қўйдим”.

“МЎА” сарлавҳали жилдни очганимда ва ўзим ҳақимда ёзганим танқидий фикрларни қайта ўқиганимда тинимсиз дуч келадиганим энг мураккаб муаммоларни ҳал қилишда улар менга ёрдам беради.

Одатда, ўз муаммоларимда бошқаларни айблар эдим, бироқ ёшим улгайиши баробарида донороқ була бошлаганимда шундай хulosага келдимки, пировардида ўзимнинг барча омадсизликларимда фақат ўзимнигина айлашим керак экан. Ёши улгайиб, донолик рутбасига етишгач, жуда кўп одамлар ала шундай хulosса қилишган.

“Менинг маглуб бўлишимда, – деган эди Наполеон Муқаддас Елена оролида, – ўзимдан бошқа ҳеч ким айбор эмас. Энг ёвуз душманим, фожиали тақдиримниг сабаби менинг ўзим эдим”.

Мен сизга ўзига баҳо бериш санъатида ва ўзини ўзи бошқаришда чинакам маҳоратта эришган бир танишим ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчиман. Унинг исми Х. П. Хауэлл. 1944 йил 3 июлда Нью-Йорқдаги “Амбассадор” меҳмонхонаси дорихонасида унинг тұсатдан ўлими ҳақидағы хабар мамлакат бўйлаб ёйилганда Американинг молия дунёси даҳшатта түшган. Гап шундаки, Хауэлл Тижорат миллий банки директорлар кеңгаши раиси, шунингдек, кўпгина йирик корпорациялар директори эди. Тугал маълумот олмаган ва ўз меҳнат фаолиятини қишлоқ дўконида клеркликтан бошлаганди, кейинчалик “Ю. С. Стил” компаниясида кредит алоқалари масалалари бўйича бошқарувчи бўлиб ишлаган. Шундан кейин баланд лавозимларга ва ҳокимиятга эга бўлганди.

“Кўп йиллар давомида кундалик ёзар, унда кун бўйи булиб ўтган ўзимнинг барча амалий учрашувларимни қайд этардим, – деб ҳикоя қилганди мистер Хауэлл, уният муваффақиятлари сабабини тушунтириб беришни сўраганимда. – Якшанба оқшомига оиласам ҳеч нарсани режалаштирумасди, чунки бу вақтда ишларимнинг таҳлили, бир ҳафта да қилинган ишларни кўриб чиқиши ва шу ишни баҳолаш билан шугулланишимни ҳамма биларди. Кечки овқатдан кейин танҳо қоламан, учрашувлар китобини очаман ва ўтган ҳафтадаги барча сухбат, муҳокама ва йигилишлар устида фикр юритаман. Ўзимдан, бир ҳафта ичида қанча хатога йўл қўйдим, қандай тўгри иш қилдим ва ўз фаолиятимни қанчалик яхшилашим мумкин эди, деб сўрайман. Баъзан шундай бўладики, фаолиятимни шундай таҳлил қилишим натижасида ўзим ҳақимда гоят ташвишли хуносага келаман. Гоҳо ишда қўпол хатоларимдан фифоним чиқади. Албатта, йиллар ўтгани сайин бундай қўпол хатоларим тобора камроқ содир бўла бошларди. Ўзимни таҳлил этишнинг бу тизимига кўп йиллар риоя қилдим ва бу бошқа ҳар қандай ташаббусимдан кўра менга кўпроқ фойда келтириди”.

Эҳтимол, Х. П. Хауэлл ўз гоясини Бенжамин Франклиндан олгандир. Тўгри, Франклин якшанбани кутиб ўтирумасди. У ҳар куни кечқурун бир кунда қилган ишларини жиддий таҳлил қилар экан. Бир куни у битта иш кунида ўн учта жиддий хатога йўл қўйганини билиб қолди. Шундан учтаси: вақтни йўқотиш, арзимаган нарсадан ташвишланиш, баҳс ва келишмовчиликлар. Агар шу нуқсонлардан қутулмаса, ҳаётда кўп нарсага эришмаслигини доно ва кекса Франклин англаб еттанди. Шу боис у ҳар ҳафтада камчиликларидан биттаси билан кураш

олиб борарди. Бу кураш натижаларини кундалигига қайд этиб қўйгач, келаси ҳафта учун бошқа бемаъни қилигини танлар ва боксчи қўлқопини кийиб, рингта чиққанча уни жаштга чақирарди. Франклин икки йилдан кўпроқ ўзининг ёмон қилиқлари билан жанг олиб борди. Унинг энг кўп довруқ қозониган ва Америкада зўр эътиборга сазовор бўлган одамлардан бирига айлангани таажжубланарли ҳол эмасди.

Элберт Хаббер: “Ҳар бир одам бир кунда жуда бўлмаганди беш дақиқа гирт аҳмоқ бўлади”, деб айтган. Шу меъёрдан ошиб кетмаса, билингки, у чинакам донишмандир”. Пасткаш одам ўз шаънига айтилган кичкинагина танқиддан қаттиқ дарғазаб бўлади, доно одам эса уни қоралаган, айبلاغан ва йўлини тўсган одамдан жон-жон деб ақл ўрганади.

Фараз қилайликки, кимdir сизни гирт аҳмоқ деб атади. Бундай ҳолда қандай чора кўрган бўлардингиз? Тутақсан бўлармидингиз? Аъзойи баданингиз ўт олгандай бўлармиди? Шундай вазиятда Линкольн нима қилганини бир кўринг.

Бир худбин сиёсатчининг эсини жойига келтириб қўйиш учун Линкольн бир нечта полкни бошқа жойга кўчириб ўtkазиш ҳақидаги буйруққа имзо чекади. Линкольн кабинетининг мудофаа вазири Эдвард М. Стантон буйруқни бажаришдан бош тортибгина қолмай, бундай фармойиши учун Линкольнни “гирт аҳмоқ” деб ҳақорат қиласди. Линкольн ишига аралашаётганидан Стантоннинг фигони фалакка чиқаётганди. Кейин нима бўлди дейсизми? Стантоннинг у ҳақда нима деганини Линкольнга маълум қилганиларида, у бамайлихотир шундай жавоб беради: “Агар мени Стантон “гирт аҳмоқ” деган бўлса, демак, гирт аҳмоқман, зеро у деярли ҳар доим ҳақ. Бу ҳақда ўйлаб кўришим керак экан”.

Линкольн ҳақиқатан ҳам Стантон билан учрашди. У буйруқнииг нотүгри эканига президентни ишоитирди, натижада Линкольн буйруқни үзгартирди. Ўз шаънига айтилган танқид самимий далилларга асосланган ва кўмак руҳи билан сугорилган бўлса, Линкольн уни очиқ чеҳра билан қабул қиласди.

Замонамизнииг энг теран мутафаккири Альберт Эйнштейн, “Илмий хуросаларимнииг атиги 1 физигина ҳақиқатдан иборат”, деган эди. “Душманимизнииг биз ҳақимиздаги фикри, – деган эди Ларошфуко, – ўзимиз ҳақимизда ўз фикримизга қараганда ҳақиқатга яқинроқдир”.

Бу гаплар кўинича ҳақиқатга мос келишини биламан. Бироқ мени танқид қила бошлишганда гарчи ўзимни тутолсам-да, ҳатто у энди бир нима демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаши биланоқ, ўша заҳоти беихтиёр ҳимоялана бошлайман. Ҳар гал шундай қилганимда ўзимни ёмон кўриб кетаман. Танқид ёки мақтов қанчалик бўлишидан қатъи назар, барчамизда танқидни ёмон кўриш ва мақтовни яхши кўриш мойиллиги бор. Амалларимиз мантиққа тұтры келмайды. Улар ҳиссиётта асосланган. Бизниңг мантиғимиз ҳиссиётларимизнииг бўронли тўлқини у ёқдан-бу ёққа итқитаётган қайиққа ўхшайди.

Бундан олдинги бобларда агар адолатсиз танқид ёмгири остида қолсангиз, ўзингизни қандай тутишингиз лозимлиги тұгрисида сұзлаб берғандим. Энди бунга қуидагиларни қўшимча қилмоқчиман. Агар ноҳақ қилинган танқид туфайли даргазаб бўла бошлаганингизда, тұхтаб туриб қуидаги гапларни айтсангиз, ҳеч нима ютқазмайсиз: “Бир дақиқа. Мен у қадар комил инсон эмасман. Агар Эйнштейн ўз хуросаларинииг юздадан биттаси ҳақиқат эканига иқрор бўлган экан, унда мен балки йигирматасида ҳақдирман. Балки танқид қилишаётгани ўринлидир.

Агар шундай бўлса, бунинг аксини исботлаш учун ҳаракат қилишим керак".

Танқид түфайли безовталанишдан халос бўлай дессангиз, З-қоидага риоя қилинг:

Ўзингиз қилган аҳмоқликларни ёзиб боринг ва ўзингизни ўзингиз танқид қилинг. Шунингдек, ўзгаларнинг танқидига ҳам қулоқ тутинг. Чунки Ларошфуко таъкидлаганидек: "Душманимизнинг биз ҳақимиздаги фикри ўзимиз ҳақимизда ўз фикримизга қараганда, ҳақиқатга яқинроқдир".

ТОЛИҚИШ ВА БЕЗОВТАЛИКДАН ХАЛОС БУЛИШНИНГ ОЛТИТА СИРИ

Йигирма иккинчи боб

ФАОЛ ҲАЁТИНГИЗНИ БИР СОАТГА ЎЗГАРТИРИНГ!

Нима учун ташвиш билан курашта багишлиланган китобда толиқищдан халос бўлиши ҳақидағи бобни ёзаётирман? Жавоб гоят оддий: гап шундаки, толиқиши аксарият безовталик пайдо бўлишига олиб келади ёки жуда бўлмагандан сизни безовталика мойил қилиб қўяди. Ҳар бир тиббиёт талабаси биладики, толиқиши вужуднинг одатдаги шамоллашига ва юзлаб бошқа бетобликларга жисмоний қаршилигини сусайтиради ва ҳар бир руҳшунос шифокор эътироф этадики, толиқиши қўрқув ва безовталик сингари ҳиссиётларга сизнинг қаршилигингизни сусайтиради. Шу боис, толиқишингизнинг олдини олиш безовталиknинг олдини олиш учун шароит тутдиради.

Безовталиknинг олдини олиш учун шароит тутдиради, дедимми? Бу яшам юмшоқроқ тарзда айтганим. Доктор Эдмунд Якобсон бундан кўра жиддийроқ гапларни айтади. У безовталик ҳақида “Босқичли релаксация” ва “Сиз дам олишингиз керак” деган иккита китоб ёзган. У Чикаго университети қошидаги клиник физиологик лабораториясининг директори эди ва узоқ йиллар релаксация (сустлашиш, бўшашиш)нинг тиббий мақсадларда қўлланилишини тадқиқ этган. Қандай сабаб билан келиб чиқсан бўлмасин, агар одам тўла тинчлик ҳолатида бўлса, ҳиссий зўриқиши гойиб бўлади. Бошқача

айтганды, агар вужудингизни тұла тинчлик ҳолатига келтирсанғыз, ортиқ безовталанмай құясиз.

Шу боис, толиқиіш ва ташвиш пайдо бұлишининг олдіни олсанғыз, биринчи қойдага амал қилинг, у “тез-тез дам олиш туриш керак.” Чарчашиңгиздан олдинроқ дам олиңг”дан иборатдир.

Нима учун бу бүнчалик мұхым ақамиятта зәг? Гап шундаки, толиқиіш шиддат биләп тұпланаади. АҚШ армиясидеги күп тажрибалар шуни күрсатдикі, ұттого күп йиллик ҳарбий тайёр гарликдан үттан йигитлар ҳам ҳар соатда үн дақиқа дам олсалар, оғир жаңговар ҳаракатларда катта чидамалик күрсата олар экан. Шу боис армияда айнаң шундай қилишга мажбур этишади. Юрагыңғыз буни мустақил бажаради. Ҳар күни у темирийүл цистернасини тұлдыришга етгулик қонии ҳайдаркан. Йигирма түрт соат ичіда юрак уч фур баландлықдаги платформага йигирма тонна күмирни ортиш үчүн кифоя қиладиган қувватни сарфлайди. Бу ҳайратомуз ишни юрак эллик, етмиш ва балки тұқсон йил давомида бажариб туради. Бундай оғирликка юрак қандоқ чидаркин? Гарвард тиббиёт мактаби профессори доктор Уолтер Б. Кенпен буни қыйындағыча изохлады: “Күплар юракни тинимсиз ишлайды, дейди. Ҳақиқатда эса ҳар бир қисишлишдан кейин у бирмунча муддат дам олади. Агар юрак дақиқасыга үртача етмиш марта уриб қисқарса, у аслида йигирма түрт соатдан фақат тұққыз соатгина ишлайды. Умуман бир күнде юрак үн беш соат дам олади”.

Иккинчи жағон урушида Уинстон Черчилль етмиш ёшларда әди. Бироқ ёши улуглигига қарамай, у бир күнде үн олти соат ишлар әди. Британия империяси армиясына боңчылым қылар экан, у бундай күн тартибита бутун уруш давомида риоя қылди. Унинг бу қадар фавқулодда иш қобиляти сири нимада әди? Гап шундаки, у ҳар күни газеталарни қараб чиқиши,

буйруқларни айтиб туриш, телефонда гаплапиш ва муҳим учрашувлар үтказиц билан машгул бўларди. Тушлиқдан кейин бир соат дам оларди. Кечқурун овқатланишдан один икки соат ухларди. У толиқишидан даволаимас, чунки ўзини чарчатиб қўймасди. Доим тетик, гайратли, ишчан эди. Тез-тез дам олгани шарофати билан ярим тұнгача ишлай оларди.

Жисмоний меҳнат билан шугулланувчи ишчи, агар у кўпроқ дам олса, катта ҳажмдаги ишни бажариши мумкин. Фредерик Тейлор пўлат қўйиш компаниясида буни намойиш қиласан. Унинг кузатишича, ҳар бир юкчи тахминан 12,5 тонна чўянни машинага ортарди ва тушга яқин ҳаммаси чарчоқдан ташпа-ташпа ташларди. У чарчоқ келтириб чиқарувчи барча омилларни илмий тадқиқотдан үтказди ва шундай хulosага келдики, ишчилар кунига 12,5 тонна эмас, балки 47 тонна чўян ортишлари мумкин экан. Унинг ҳисоб-китобига қараганда, улар иш самарадорлигини қарийб турт мартагача ошириши, бунинг устига олдингидан камроқ чарчали мумкин экан! Аммо бу қандай исботланади?!

Бунинг учун Тейлор Шмидт деган бир ишчига ўз ишини хронометрлаб боришини таклиф этди.

Иш пайтида унга мутахассислар ҳамроҳлик қилиб, у ёки бу жараёни бажариш учун қанча вақт кетишини қайд этиб боришиди. Улар Шмидтга бундай дейишишарди: “Энди қўймани кўтар-да, жўна, энди ўтириб дам ол, энди бор, дам ол”.

Хўш, нима бўлди? Шмидт кун бўйи 47 тонна чўянни ортди. Бошқа ишчилар эса атиги 12,5 тоннадан ортишди. Ҳақиқатан ҳам Фредерик Тейлор заводда ишлаб турган вақтда Шмидт жадвалда бирон марта хато қиласади. Шмидтниңг бундай натижага кўрсатишига сабаб шунда эдики, у толиқишига улгурмасдан туриб дам оларди. Ҳар бир соатда у

таксиминан 26 дақиқа ишларди, қолган 34 дақиқада дам оларди. У ишлашдан күра күпроқ дам олар, аммо бошқаларга қараганда ишни түрт баравар ортиқ бажаарарди.

Булар барчаси қуруқ гаплар эмас. Сиз ашёвий маълумотлар билан Фредерик Тейлорнинг илмий бошқарув тамойиллари китобида танишишингиз мумкин.

Йигирма учинчи боб

АСАБИЙ ТАНГЛИКНИ ЙЎҚОТИНГ!

Ақлий фаолият ўзидан-ўзи сизда толиқиши пайдо қилиши мумкин эмаслиги исбот этилган. Гарчи қулоққа ғалати эшитилса-да, бу ажойиб ва ҳайратомуз далил. Бироқ бир неча йил муқаддам олимлар инсон мияси ўз иш қобилиятини сусайтирмасдан қанча вақтгача фаолият кўрсатишини аниқлашга ҳаракат қилишди. Ҳайрон қоладиган жойи шундаки, олимларнинг мияси орқали ўтадиган қонда чарвоқ аломати кузатилмаганини билдилар! Агар ишчи қонидан анализ олсангиз, унда чарвоқ токсинлари ва чарвоқ маҳсулотлари деган нарсаларнинг талай миқдорини топасиз. Бироқ борди-ю, Альберт Эйнштейн миясидан бир томчи қонни олсангиз, унда иш кунининг охиригача чарвоқ токсинларидан номнишон кўрмайсиз.

Мията келсак, у иш бошлаганидан ўн икки соат кейин ҳам худди ҳозир иш бошлаганидек яхши ва аниқ ишлаши мумкин. Миянинг ўзи толиқиши нималигини билмайди. Унда сизни чарчатаётган нарса нима?

Руҳшуносларнинг айтишича, асосан бизнинг толиқишимиз руҳий ва ҳиссий ҳолатимиз билан белгиланади. Энг етук инглиз руҳшуносларидан

бири Ж. Э. Хеллфилд ўзининг "Куч руҳшунослиги" китобида бундай деб ёzáди: "Бизни қийнайдиган толиқиши аксар ҳолда руҳий табиатта эга. Соғ жисмоний сабаблардан келиб чиқувчи қаттиқ толиқиши жуда кам учрайди".

Қандай ҳиссий омиллар столда үтирган ақлий меҳнат одамида чарчоқ келтириб чиқаради? Севинчми? Лаззатми? Ҳеч қачон! Зерикиш, алам, меҳнати муносиб баҳоланмагани, куйиниш, сарф қилган саъй-ҳаракатларининг беҳудалигини ҳис этиш, шошиш, ташвиш, безовталик — мана сизга ақлий меҳнат ходими чарчоқлигининг ҳиссий сабаблари. Мана шу сабаблар уни шамоллаш касалликларига чидамсиз қилиб қўяди. Меҳнат унумдорлигини пасайтиради, ишни тўхтатиб қўйишга мажбур этувчи бош оғриқлар келтириб чиқаради. Ҳа, биз чарчаймиз, чунки бизнинг ҳиссиётларимиз баданимизда асабий зўриқиши пайдо қиласди.

Ақлий меҳнат билан машгул бўлар эканмиз, нима учун вужудимизда кераксиз зўриқиши сезамиз? Жосселий айтади: "Мураккаб ишни бажариш учун зўриқиши ҳис этиш талаб этилади, акс ҳолда бу ишни бажариб булмайди деган оммавий тушунча асосий тўсиқ ҳисобланади, деб ўйлайман". Айнан шунинг учун ҳам бирон нарсага диққатимизни жамласак, хўмрая бошлаймиз. Биз етти букиламиз. Мушакларимизни тараглашишга мажбур этамиз, бу эса миямизниң ишлашига ҳеч қандай ёрдам бермайди.

Қандай йўл билан зўриқишдан халос бўласиз? Миядан бошлайсизми ёки асабданми? Йўқ. Сиз ҳар доим мушакларингиздаги тангликини бартараф этишдан бошлайсиз!

Келинг, танглики олиб ташлашта ҳаракат қилиб кўрайлик. Бунинг қандай қилинишини кўрсатиш учун кўздан бошлаймиз. Ушбу параграфни ўқиб

чиқинг ва унинг охирига етганды үзингизни ўриңдиқ сұяңчиғига ташланғ. Күзингизни юминг ва хаёлан күзларингизга: “Тинчланинг, тинчланинг, тараңгланимант, тараңглашманг, тинчланинг, тинчланинг”, дег. Бир дақиқа давомида буни тақрорлаб туриң.

Бир неча сониядан сүнг күз мушакларингиз сизга қулоқ сола бошлаганини пайқайсиз. Тангликни ютиб чиққанингизни түшуниб етдингизми? Бу қанчалик галати эшитилмасин, бир дақиқа ичида үз тажрибанингизда моҳиятни ҳис этдингиз ва релаксация санъати сирини аңгладингиз. Жағлар, юз, бүйин, елка ва бутун бадандаги мушаклар билан ҳам шундан машқ қилишингиз мүмкин. Аммо эштег асосий альбо бу — күз. Чикаго университетидан доктор Эдмунд Якобсон бундай деб марҳамат қиласы: “Агар күзларингиздаги тангликни бутунлай бартараф этсаныңыз, барча муаммоларингизни бирваракайыга унтушишингиз мүмкин!”

Асабий кескинликни юмшатында күзлар катта роль үйнайды. Бу шу билан bogliqki, улар инсон вужудидаги бутун асаб құвватининг тұртдан бир қисмидан фойдаланаады. Айнан шунинг учун күзлари соглом бұлса-да, жуда күп одамлар күз толиқишидан азият чекады. Улар күзларига зұр берадилар.

Қуйидаги беш маслағат сизга релаксацияни үрганишида ёрдам беради:

1) Шу мавзуга оид энт яхши китоблардан бирини мутолаа қилиң. Унинг муаллифи Дэвид Гарольд Финк. Китоб “Асаб зүриқишидан халос бўлиш” деб аталади.

2) Имкон топилди дегунча ҳар доим баданингиздан тангликни йўқотинг. Баданингиз эски пайпоқдай юмшоқ булиб қолсин. Ишләёттан вақтимда рўпарамдаги столгатўққизилрангдаги эски пайпогимни ташлаб қўяман. У менга баданим қандай юмшоқ булиши

кераклигини эслатиб туради. Агар пайпогингиз бұлмаса, мушук ҳам бұлаверади. Бирор марта офтобда бұшашган мушукни құлингизга олғанмисиз? Агар олған бұлсангиз, ҳұл газетата үхшаб унинг боши ва думи кафтиңгизга осидиб түшганига эътибор берган бұлишингиз керак. Ҳатто ҳиңд йөглари ҳам, агар сиз релаксация санъатини әгалламоқчи бұлсангиз, мушукнинг феълини үрганишингизга тұгри келади, дейишигай экан. Мен ҳеч қачон чарчатаң мушукни күргаш әмбесман. Уларда ҳеч қачон асаббузарлик бұлмайды. Үйқусизлик, безовталиқ, ошқозон ярасидан ҳеч қачон азият чекмайды. Мушуклар каби баданингиздеги тангликни йүқотишиңи үргансанды, сиз ҳам мана шу асаб бузилишларидан қутуласиз.

3) Құлай ҳолатда ва иложи борича мушакларни зўриқтирмасдан ишланғ. Эсигизда бұлсінки, бадани тараңглаштираң экансиз, елкаларипизда оғриқ пайдо бұлиб, асабларипиз толиқади.

4) Ўзингизга: “Ишимни аслидагидан қийинроқ бажаряшманми? Уни бажариңда зарурати талаб этилмайдын мушаклардан фойдалапмаяшманми?” деб савол бериб, кунда ўзингизни тұрт ё беш марта текшириб боринг. Бу сизге танантиси тангликдан халос этиш күникмасини шакллантиришга ёрдам беради. Зоро, доктор Дэвид Гарольд Финклинг сұzlарига кура бу күникма руҳшупосликнинг энг яхши билімдонлари орасида кең тарқалған.

5) Ўзингизга: “Қанчалик чарчадим, агар чарчагаш булсан, бу мен қылған ақлий меңнат сабаблым, уни қай йүсінде бажарғаним туфайли?” деб савол бериб, кун охирида яна бир карра текшириб күринг. “Қылған ишимни чарчаганимға қараб әмас, балки қанчалик чарчаганимға қараб бақолайман, – деган әди доктор Даниэль У. Жоселин. – Кун охирида, айниқса, чаржоқ ҳис әттапимда ёки қаттиқ

асабийлашганимда, ҳеч шубҳасиз, қилган ишимнинг сифат жиҳатдан эмас, балки миқдор жиҳатидан ҳам куним мувафаққиятсиз ўтган бўлади”.

Агар ҳар бир ишбилармон шуни эътиборга олса, бир кечада ўта зўриқиши билан боғлиқ касалликлардан ўлиш кўрсаткичи кескин қисқаради. Санаторий ва дам олиш уйларимиз чарчоқ ва ташвиш билан асаб касалликлардан соғлигини ишдан чиқарган одамларга бу қадар тўлиб-тошиб кетмасди.

Йигирма тўртинчи боб

УЙ БЕКАСИННИГ ЧАРЧОҚДАН ҚУТУЛИБ, ЁШ КУРИНИШИ

Ўтган кузда ходималаримиздан бири тиббиёт бўйича дунёдаги энг гаройиб курслардан бирида иштирок этиш учун Бостонга борди. Тиббиёт бўйича? Ҳа, тиббиёт бўйича деса ҳам бўлади. Курс Бостон касалхонасида ҳафтада бир марта ўtkазилар ва унда қатнашадиган беморлар қабул қилинишдан один жиддий тиббий кўриқдан ўтар экан. Гарчи расман амалий руҳшунослик курси деб аталса-да, улар руҳий ташвишдан бемор бўлганларга ёрдам кўрсатишдан иборат. Бундай беморларнинг кўпчилигини руҳий тангликка дучор бўлган уй бекалари ташкил этарди.

Бу курслар қандай вужудга келган? 1930 йилда доктор сэр Жосеф Х. Пратт, гарчи ташқаридан қараганда ҳақиқатан ҳам у ёки бу касаллик аломатлари пайдо бўлган эса-да, Бостон касалхонасининг аксарият беморлари жисмоний касалликлардан азият чекмаганига эътибор қаратди. Бир аёлнинг қўллари артритдан дабдаласи чиққан бўлиб, иш қилолмасди. Беморларнинг бири бел, бошқаси бош оғриғи билан, яна айримлари сурункали чарчоқдан

қийналарди. Уларнинг аҳволи ростдан ҳам оғир, аммо энг пухта тиббий кўрик ҳам жисмоний жиҳатдан мутлақо соглом эканликларини кўрсатган. Кўплаб эски мактаб шифокорлари барчасининг касаллиги — тасаввурининг меваси сабаб, асос эса мияда, деб айтган бўлишарди.

Аммо доктор Пратт бундай бемор аёлларга: "Уйга боринг-да, оғриқларингизни унунинг", деб айтиш беҳудалигини англади. Бу аёлларнинг кўпчилиги оғришни истамаганини у биларди. Агар касалликларни унуниш осон бўлганида, буни айтмаса ҳам ўзлари қилаверишарди. Хўш, қандай чора кўриш мумкин? Тиббиётта ишонадиганларга учакишиб, у ўз курсларини очди. Ҳайҳот, нақ мўъжиза рўй берди, десангиз! Очилганидан бери утган ўн саккиз йил ичида минглаб bemorлар у ёрда шифо топди. Айримлари курсга йил бўйи қатнашди. Улар курсларга ихлос қўйиб, қолдирмасдан қатнадилар. Ходима бир аёлнинг тўққиз йилдан кўпроқ вақт давомида битта ҳам машгулотии қолдирмай қатнаганини айтди. У клиникага биринчи бор келганида буйраги ва юрагида касали борлигига қаттиқ ишонган. Бундан ташвишланиб, азбаройи зўриққанидан аста-секин кўзлари хиралаша бошлиган ва деярли кўрмайдиган бўлиб қолган. Лекин ҳозир у соглиги мутлақо жойида эканига имони комил. Куринишидан қирқ ёшларга ўхшаса-да, қўлида неварасини кўтариб олган.

"Илгари оиласидаги муаммолардан шунчалик ташвиш чекардимки, — дейди у, — яшагим келмасди. Клиникада эса ташвиш ноўрин эканини тушуниб етдим. Мен ташвишланишдан қочишни ўргандим. Ҳозир эса бегам-беташвиш яшаяшман, деб бемалол айта оламан".

Курсларда тиббий маслаҳатчи бўлиб ишлайдиган доктор Роза Хилфердининг айтишича, ташвишни

енгиллаштирувчи энг яхши дори уни ўзи ишонган бир одамга тўкиб солишидир. Буни биз “катарсис” (“форигланиш”) деб атаймиз.

Маълум даражадаги руҳий тадқиқот сўзларнинг шу шифобахш кучига асосланади. Фрейд замониданоқ руҳий тадқиқотчилар bemor гапирса, ё шунчаки гап сотса ҳам ўзининг ички ташвишларидан халос булишини билган. Нега шундай? Балки сухбат чогида ички муаммоларимиз моҳияти ва ҳақиқий сабабини яхшироқ тушунармиз? Ҳеч ким тўлиқ жавоб беролмайди. Аммо агар юрагидаги гапларни тўкиб солса ва ҳимоя қиласа, киши дарҳол енгил тортишини ҳамма билади.

Ўз муаммосини айтиб бериш — Бостон касалхонасидағи курсларда фойдаланиладиган асосий муолажа усусларидан бири. Дарвоҷе, биз у ерда қатор гоялар олиб, уйда мустақил бажаришимиз мумкин.

1. Жонлантирувчи мутолаа учун ўзингизга дафтар ёки ён дафтари тутинг. Бу дафтарга шеър, қисқа дуолар ёки кайфиятингизни кўтарувчи ва ўзингизга ёқсан парчаларни ёзиб қўйинг. Руҳингиз тушганда ўқиб, ғамингизни аритинг.

2. Бошқаларнинг камчилигини таҳлил қилишга қаттиқ киришиб кетманг. Ҳеч щубҳа йўқки, эрингизнинг камчилиги бисёр. Агар фаришта бўлганида у сизга уйланмаган бўларди. Шундай эмасми? Ўзининг сержаҳл ва вайсақи хотинга айланиб қолаётганини сезиб қолган бир аёл курсларга қатнай бошлаган. Кутимаганда мен: “Агар эрингиз ўлиб қолса, нима қилар эдингиз?” деб савол берганимдан кейин у дарҳол эрининг фазилатларини қайд этишга киришди. Улар талайгина экан. Агар аллақандай зиқна ва золим одамга турмушга чиқсан бўлсангиз, балки сиз ҳам шундай йўл туттанингиз маъқулдир. Унинг яхши жиҳатлари рўйхатини тузар экансиз, бу

айни сизга керакли одам эканидан бохабар бұларсиз, балки?

3. Ёнингизда яшайдиган одамларга қизиқиб қаранг. Сиз билан бирга ва бир күчада яшайдиган одамларга нисбатан үзингизда соғлом ва дүстона муносабатни ривожлантириңг.

4. Уйқута ётишдан олдин әртанды ишиңгизни режалаштириңг. Машгулот вақтида күпгина уй бекалари соңсиз рұзгор юмушларидан тинкаси қуриши маълум бұлған. Уларга қилиниши шарт бұлған юмушлар рүйхати тузиш таклиф этилган. Натижә қандай? Ҳам күп юмуш бажарилған ҳамда уй бекалари кам чарчаган. Дам олиш ва үзларига қараашга ҳам бемалол улгурышған.

5. Ниҳоят, зўриқишиш ва толиқишидан үзингизни олиб қочинг. Мушакларингиздаги тангликни йўқотишга ҳаракат қилинг. Релаксация билан шугулланинг. Зўриқишиш ва толиқишиш сизни жуда тез қаритади. Баданингиздаги селни қуритиб, тароватингизни йўқотади.

Энди уйда бажаришингиз мумкин бұлған бир қанча ишларни бир ҳафта давомида бажарыб борсангиз, кейин ташқи кўринишишингиз ва кайфиятингизда қандай үзгаришлар юз беришни кўрамиз!

А) Чарчоқни ҳис қилганингизда, ерга узала тушиб чалқанча ётиңг. Бор кучингиз билан керишинг. Истасангиз, у ва бу ёнингизга ағдарилиб, кунда икки маргадан бажаринг.

Б) Кўзларингизни юминг. Профессор Жонсон маслаҳат берганидек, тахминан қуйидаги сўзларни тақрорланг: “Куёш бошимдан үзининг заррин нурларини сочмоқда. Мовий осмон чарақлаб турибди. Табиат тинч нафас олмоқда. У дунёни бошқармоқда. Мен — табиат фарзандиман ва борлық билан ҳамнафас яшайман”. Аммо энг яхшиси дуо ўқинг.

В) Ётишга имконингиз бўлмаса ёки машгулот учун вақт тополмасангиз, стулда ўтириб бажарсангиз ҳам бўлади. Суянчиғи баланд қаттиқ стул бўлса, ундан ҳам яхши. Миср ҳайкалидек тикка ўтиринг, қўлларингизни тиззаларингиз устидан кафтларингизни пастта қилиб, қўйиб олинг.

Г) Энди аста оёқ бармоқларингизни керинг, сўнг аста-секин тарангликни йўқотиб, оёқ мушакларингизни керинг. Ҳар бир мушак гуруҳи учун шуни такрорлаб то бўйинга етмагунча шастдан юқорига қараб ҳаракат қилинг. Кейин бошингизни футбол тўпидек елкаларингизга эгинг. “Тинчланинг, тинчланинг”, деганча мушакларингизга мурожаат қилиб туринг.

Д) Оҳиста равон нафас олиб, асабларингизни тинчлантиринг. Чуқурроқ нафас олинг, ҳишд йоғлари бир маромда нафас олиш — асабни тинчлантиришнинг энг яхши йўли, деб таъкидлашган.

Е) Юзингиздаги ажин ва тиришлар ҳақида ўйланг ва хаёлан уларни текисланг. Хўмрайганингизда қошлиарингиз орасида пайдо бўладиган тиришларни текисланг, буни кунда икки маротабадан бажаринг, юзингизни уқалатиш учун пардоҳонага боришингизга ҳожат қолмайди. Ташвиш билан бирга ажинлар ҳам йўқ бўлиб кетади.

Йигирма бешинчи боб

ТУРТ ФОЙДАЛИ МЕҲНАТ МАЛАКАСИ

Биринчи меҳнат малакаси:

Хозир бажарадиган ишингизга бевосита алоқаси бўлмаган барча қоғозлардан иш столингизни тозалант.

Вашингтондаги Конгресс кутубхонасида бўлсангиз, шифтга шоир Александр Поп қаламига мансуб биргина мисра ёзиб қўйилганига кўзингиз тушади:

“Тартиб — бу биринчи самовий қонун”.

Тартиб бизнеснинг биринчи қонуни бўлиши керак. Аслида ҳам шундаймикан? Ҳеч ҳам ундаи эмас. Одатда бизнесменнинг столи у ҳафталаб қўлига олмайдиган турли қоғозларга кўмилган бўлади. Янги-Орлеандаги газета ношири менга ҳикоя қилиб беришича, котиба унинг столини у ерда тўпланиб қолган қоғозлардан тозалагандан тагидан икки йил бурун йўқотиб қўйилган ёзув машинкаси чиқкан экан!

Қогоз, хат, маъруза ва хабарларга кўмилган столга кўзингиз тушган ҳамон вужудингизни безовталик, танглик ва ташвиш эгаллади. Аммо бу ҳали энг ёмони эмас. Столдаги тартибсизлик — бажаришга вақт бўлмаган миллионта ишни қилиш кераклиги ҳақида муттасил эслатиб туради, бундан пайдо бўлган ташвиш қон босими ошишига, юрак муаммоси ёки ошқозон яраси вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин.

Асаби ишдан чиқкан бир бемор ёрдам сўраб доктор Уильям Л. Селдер қабулига киради.

“Бу одам дардини айтар экан, — деб ҳикоя қиласди доктор Селдер, — телефон жиринглаб қолди. Касалхонадан қўнгироқ қилишаётган экан. Мен ўша заҳотиёқ масалани бир ёқлиқ қилиб бердим. Гўшакни жойига қўйишим билан яна жиринглади. Иш шошилинч бўлиб, талай вақт муҳокама қилинди. Учинчи гал суҳбатимизни бир мушкул воқеа бўйича маслаҳат олишига кирган ҳамкасабам бўлди. У билан гапни тугатиб, ниҳоят яна беморга мурожаат қилдим. уни куттириб қўйганим учун кечирим сўрай бошладим. Бироқ унинг чеҳраси ёришиб, мутлақо бошқача ифода касб этди.

— Кечирим сўраманг, доктор, — деди у, — мана шу ўн дақиқа ичида, назаримда, кўзим мошдек очилди. Мен оғисимга қайтаман-да, ишдаги тартибимни қайта кўриб чиқаман. Бироқ энг аввал йўқ демасангиз, сизнинг ёзув столингизни бир кўрсам дегандим.

Доктор Селдер столи тортмасини очди. Ёзувчиув буюмларидан бошқа у ерда ҳеч вақо йўқ эди.

— Айтинг-чи, — деди бемор, — тугаллашмаган иш қоғозларингизни қаерда сақлайсиз?

— Мен ҳаммасини тугаллаб бўлганман, — жавоб берди Селдер.

— Ҳали жавоб қайтарилмаган хатлар қаерда?

— Ҳамма хатларга жавоб қайтарганман, — деди унга доктор Селдер. — Жавоб берилмаган хатларни бир четта ташлаб қўядиган одатим йўқ. Жавобни уша заҳоти котибамга айтиб ёздираман.

Олти ҳафтадан кейин уша бемор доктор Селдерни ўз оғисига чақириди. У жуда ўзгариб кеттанди. Ёзув столининг кўриниши бутунлай бошқача. Тортмаларини очиб кўрсатгаңда ичида ишлов берилиши керак бўлган ҳужжатлардан бошқа ҳеч нарса йўқ.

Олти ҳафта илгари оғисимда иккита стол турарди. Иккаласи ҳам қоғозларга кўмилиб ётарди. Иш тугамайдигандек туюларди. Сиз билан бўлган суҳбатдан кейин оғисимга қайтдим-да, маърузаларнинг эски ҳисботларини бир машина қилиб чиқариб ташладим. Энди эса, мана битта стол кифоя қилмоқда. Илгари гашимга тегадиган, ташвишга соладиган тугалланмаган ишлар йўқ, ҳаммасига уша заҳоти нуқта қўйяпман. Аммо ҳаммадан ҳам бутунлай согайиб кеттанимдан ҳайратдаман. Энди гижинглаган тойдай ҳис қиляпман ўзимни”.

АҚШ олий судининг собиқ бош судьяси Чарльз Эванс Хьюз: “Ҳаддан ташқари кўп ишлаш ўлимга олиб келмайди. Ўлимга фақат кучни беҳуда сарфлаш ва ташвиш сабаб бўлади”, деган экан.

Ҳа, айнан шундай. Одамлар ўз ишини ҳеч қачон бажариб бўлмайдигандек кўринганидан ташвишланиб ва ортиқча куч сарфлаб ўлади.

Иккинчи меҳнат малакаси:

Вазифаларни уларнинг муҳимлигига қараб ҳал этинг!

Шаҳар хизматлари умуммиллий компанияси алоқачиси Генри Л. Дохерти айтган эдики, тўлаиадиган иш ҳақи миқдори қанчалигидан қатъи назар, унинг ходимларида икки хислатини топиш амри маҳол: биринчиси ўйлаш қобилияти ва иккинчиси вазифаларни уларнинг мукаммалиги тартибида ҳал этиш. Ишни шу жойда бошлаган ва ўн икки йил ичида "Пепсодент" компанияси президентигача ўсган йигит Чарльз Лукман йилига юз минг доллар миқдорида иш ҳақи олар ва буидан ташқари яна миллион долларча ишлаб топарди. Айнан шу йигитнинг маълум қилишича, у ўзининг Генри Дохерти айтганидек, топиш амри маҳол бўлган икки хислатини ривожлантириш шарофати билан муваффақиятта эришган экан. Чарльз Лукман бундай деган: "Эсимда, мен ҳар доим эрталаб соат бешда туардим, чунки бу вақтда ҳаммадан яхши ўйлар, демакки, бир кунлик тадбирларимни яхши режалаштирас ва муҳимлигига қараб қайсинисини қилишим кераклигини ҳал этиб олардим".

Агар Жорж Бернард Шоу биринчи даражали ишларни аввал бажаришнинг ёзилмаган қоидасига риоя қилмаганида, у ёзувчи эмас, бир умр банқда хазинабон бўлиб қолган бўларди.

Унинг бир режаси бўлиб, унга кўра бир кунда беш саҳифадан ёзиб бориши керак эди. Бу энг оғир режа тўққиз йил давомида унинг жонига ора кирди ва у кунига беш саҳифадан ёзиб борганига қарамай, бу вақт ичида атиги ўттиз доллар ишлаб топарди, холос. Яъни, кунига бир пениидан тўғри келарди.

Ҳатто кимсасиз оролда яшаган Робинзон Крузо ҳам ҳар бир кунга соатбай режа тузиб чиққан экан.

Учинчи меҳнат малакаси:

Муаммога дуч келганини гизда, агар қарор қабул қилиш учун сизда далиллар бор бўлса, уни зудлик билан ҳал этинг. Қарор қабул қилишда имилламанг.

Собиқ тингловчиларимдан бири Х. П. Хауэлл менга компаниясидағи мажлис жуда узоқ чўзилиб кетиши ҳақида сўзлаб берганди. Унда кўп масала мухокама этилса ҳам, жуда кам қарорлар қабул қилинаркан.

Бу шунга олиб келганки, бошқарувнинг ҳар бир аъзоси ҳужжатларнинг кўпчилигини уйда кўриб чиқиши керак бўлган.

Пировардида мистер Хауэлл бошқарув аъзоларини ҳар бир мажлисда биттадан масалани кўриб чиқишига, аммо унинг учун кечиктирмай ва сансалорлик қилмай аниқ ечимлар топишга кўндиришга муваффақ бўлган. Қарор қабул қилиш учун зарурй қўшимча далилларни тўплаш, қандайдир чоралар кўриш ёки умуман ҳеч нима қиласлик — мана бор-йўқ қарор. Бироқ кейинги муаммога ўтишдан олдин албатта ечим топилиши шарт бўлган. Мистер Хауэлл менга айтдики, натижалар жуда яхшиланган: мажлиснинг кун тартибига киритилган барча масала тўлиқ кўриб чиқилиб, навбатдагисида имилаш бўлмаган ва даста-даста ҳужжатни уйга кўтариб кетишга ортиқ зарурат қолмаган. Ҳал этилмай қолган муаммолар туфайли ҳеч ким бошқа ташвиш тортмаган.

Бу яхши қоида, у компания директорлари кенгаши мажлиси учунгина эмас, балки сизу бизнинг ишларимиз учун ҳам қўл келиши турган гап.

Туртинчи меҳнат малакаси:

Ташкил этиш, вакиллар жўнатиш ва назорат қилишни ўрганинг.

Кўпгина бизнесменларнинг тезда инқирозга учрашининг сабаби, ўз ваколатини бошқаларга топши-

ришни ўрганмаганидадир. Натижада майда-чуйдалар ва ноаниқликларга уралашиб қолишган. Улар муттасил шошган, ташвишланган, ҳаяжонга тушган ва зўриқкан. Ваколатини топширишга ўрганиш фоят оғир. Бундай қилиш мен учун айниқса қийин эди. Ўз тажрибамдан биламанки, ваколат топшириладиган одамини танлашда агар хатолик ўтса, натижаси чиндан ҳалокатли бўлиши мумкин. Аммо вазифа ҳар қанча оғир бўлмасин, уни албатта бажариш керак.

Йирик корхона тузаётган, аммо ишини ташкил этиш, ваколат топшириш ва бошқалар ишини назорат қилишни ўрганмаган одам, одатда эллик-олтмини ёшга кириб, зўриқиши ва ташвиши туфайли юрак касаллиги ортириб олиши ҳеч гап эмас. Аниқ мисоллар истайсизми? Маҳаллий газетамиизда чоп этиладиган ўлим ҳақидағи хабарларга бир кўз ташласангиз, кифоя.

Йигирма олтичи боб

ЧАРЧОҚ, ТАШВИШ ВА ХАФАГАРЧИЛИК ТУГДИРАДИГАН ЗЕРИКИШДАН ХАЛОС БЎЛИНГ!

Дилгирилик — чарчоқликнинг бош сабабларидан бири. Мисол учун, келинг, стенографчи қиз Алисага нима бўлганини кўриб чиқайлик. Бундай Алиса, ҳойнаҳой, сизнинг кўчангизда ҳам бўлса керак. Кечқурун чарчоқдан оёқлари шол бўлган Алиса уйга келди. Оғриқдан ҳатто боши чатнаб кетмоқда. Азбаройи чарчаганидан овқат ҳам емаса-ю, таппа ташлаб ётса. Онаси унинг жонига ора кирмоқчи бўлди. Қиз столга келиб ўтиради. Бирдан телефон жиринглайди. Бу унинг йигити. У қизни рақс кечасига таклиф қиляпти. Алисанинг кўзлари ёнишини кўрсангиз. Бундан те-

тикланади, учиб тепага чиқади. Мовий кўйлагини кияди ва тунги учгача рақс тушади. Уйга қайтаётганда эса унда чарчоқдан асар ҳам кўринмайди. Аксинча, тўлқинланганидан уйқуси келмасди.

Саккиз соат муқаддам ўзини толиққандай туттанида Алиса ростданам чарчаганими? Бўлмасам-чи, унинг иши зерикарли. Балки ёрут оламда яшаш унинг жонига теккандир. Бундай Алисалар атрофимизда миллионлаб топилади. Эҳтимол, сиз — шуларнинг бирисиз.

Шу нарса яхили маълумки, одатда чарчоқлик жисмоний зўриқишдан кўра кўпроқ ҳиссий ҳолатта боғлиқ. Диагноздан чарчоқлик келиб чиқиши ҳақида доктор Жозеф Э. Бармак талабалар билан тест синови утказди. Бу тест талабаларда кам қизиқиш уйғотишини биларди. Натижа нима бўлди, дейсизми? Талабалар толиқиб, уйқуси келди. Бош ва кўзи оғриб, асабийлашди. Баъзиларининг қорни ҳам оғриди. Хўш, буларнинг барини тасаввур үйини деб аташ керакми?

Йўқ, албатта. Бу талабаларда моддалар алмашинуви суръатини аниқлаш бўйича тадқиқот ўтказилгаиди. Бу шуни қўрсатдики, ҳақиқатан ҳам одам диагир бўлса, қой босими пасаяр ва кислород истеъмоли қисқарап экан. Иш ўзига завқ багишлиши ҳамон унга қизиқ туюла бошлаб, нафас олиши зумда фаоллашаркан.

Қизиқ ва серзавқ иш билан шугулланар эканмиз, деярли чарчамаймиз. Мисол учуп яқинда мен Канаданинг Луиз кўли атрофидаги қоядор тоғларида дам олган эдим. Каррал-Крик дарёсида бир неча кун форель тутдим. Бўйимдан баланд келадиган бутазор оралаб борар эдим, қулаган дараҳтлар йўлимни тўсар, аммо саккиз соатлик бу синовларда заррача толиқиши сезмадим. Нима учун? Гап шундаки, кайфиятим кўтариники эди. Кун ажойиб бўлиб, олтида каттагатта форель туттандим. Бироқ, балиқ ови зерикарли

булганида жисмоний ҳолатимда бундай ўзгариш юз берармиди? Албатта. Чунки дөнгиз сатқидан етти минг фут баландликда бу қадар зўриқишидан кучли чарчоқ мени ҳолдан тойдирган бўларди.

Ушбу боб устида ишлар эканман, бир куни кечқурин Жером Керннинг “Йирлоқи театр” деган ажойиб мусиқали комедиясининг яңги постановкасии томоша қилгани бордим. “Пахта гули” қемасининг капитани Энди ўзининг бир фалсафий монологида: “Кўнглига ёққан нарсани қилган одамтина баҳтидир”, дейди. Унинг баҳтиёrlиги шундаки, у анча гайратчан, кўпроқ қувноқ, камроқ ташвишли ва озроқ чарчаган бўлади. Куч-қудратимиз манфаатларимиз сари йўналтирилган бўлмоги керак. Шаллақи хотин билан қилинган озтина сайр севган қиз билан қилинган ўн милялик гаштли юришдан кўра кўпроқ чарчатиши мумкин.

Уильям Жеймс гўё жасур одамлардек ҳаракат қилишимизни маслаҳат берганди ва шунда ростдан ҳам жасур бўлиб қоламиз. Ўзингизни шундай тутингки, гўё сиз баҳтиёrsиз, қарабсизки, сал ўтмай ўзингизни ҳақиқатан ҳам баҳтли ҳис қиласиз.

Ишинингга нисбатан ўзингизни “гўё” тамойили бўйича тутинг. Шунда унинг қизиқ бўлиб қолганини кўрасиз. Шунингдек, чарчоқ ва зўриқиши ҳам уччалик забтига олмайди.

Бир неча йил бурун Харлан А. Говард ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган бир тўхтамга келди. У ўзининг зерикали ишили қизиқарли қилишга азму қарор этди. Ишининг зерикали экани маълум: у идиштовоқ یовар, пештахталарни артар, болалар кўчакўйларда маза қилиб юрганда мактаб ошхонасида музқаймоқ улашарди. Шу ишни бажаришга мажбурлиги учун ҳам уни ёмон кўради. Шунда у музқаймоқقا оид барча масалаларни ўрганишга киришади: қандай ишлаб чиқарилади, таркиби қа-

нақа, нега навлари бир-биридан фарқ қиласи ва ҳоказо. Озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркибига азбаройи қизиққанидан Массачусетс штати коллежига ўқишига киради ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиясини ўрганади. Нью-Йорк Какао бирлашмаси какао ва шоколаддан фойдаланиш ҳақида энг яхши талаба маъruzасига танлов эълон қилинганида ким галаба қилди-ю, ким юз долларлик мукофот соҳиби бўлди? Жуда тўғри топдингиз, бу Харлан А. Говард.

Эрталаб ўзини сўзлар билан тетиклаштириш бориб турган бачканалик деб ўйлайсизми? Ҳечам ундай эмас, оқилона руҳшуносликтинг моҳияти шундан иборат-ку. Ҳаётимиз — биз у ҳақда нимани ўйласак, шунинг ўзиdir. Ўзининг “Мушоҳадалар” китобида Марк Аврелий ўн саккиз аср олдин бу сўзларни илк бор айтганида қанчалик ҳақиқат бўлса, ҳозир ҳам шундай.

Тўғри, фикрлар ишингизни жозибадор қилишга ёрдам беради. Бошлиқ ишга қизиқиш билан қарашнигизни истаганида, у кўпроқ маош олишингизга ёрдам бериб юборади. Келинг, бошлигинги нимани хоҳлашини бир четта қўйиб, ишдаги қизиқишингиз шахсан сизга нима олиб келиши ҳақида ўйлаб кўрайлик. У ҳаётдан оладиган қувончингизни икки баравар ортиришини эсингизда туting. Чунки сиз куннинг ярмини ишда ўтказасиз, борди-ю, у сизга севинч бахш этмаса, эҳтимол бу севинчи бошқа ҳеч нима сизга бахш этолмас. Муттасил бир нарса устида ўйланг: ишдаги қизиқиш сизни ташвишдан халос этади. Келажакда балки лавозимингизда кўтарилиш бўлар ва олдингидан кўпроқ миқдорда ойлик ола бошларсиз. Борди-ю, агар бундай бўлмаган тақдирда ҳам сиз ишдаги чарчоқни деярли йўқотишга эришасиз ва бўш вақтингизнинг ҳар бир соатидан кўпроқ лаззат оласиз.

УЙҚУСИЗЛИКДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИНГІ

Сизни уйқусизлик безовта қиласады? Агар шундай бұлса, балки умрида бирон марта тузук ухлолмаган дунёга таниқли ҳуқуқшунос. Сэмюэль Унтермейер қилған нарсани бажарып күрарсиз?

Коллежга ўқишига кирған чогида уни икки нарса қийнарди: дамқисма (астма) ва уйқусизлик. Сирасини олиб қараганда, у на унисидан ва на бунисидан халос бұла олғанды. Шунинг учун у бундай пайтда күриш мүмкін бұлған ягона түнгі бедорликдан фойдаланиб қолиши чорасини құллади: ухлолмаганидан каравотда ётиб асабийлацииш үрнига үрнидан тұрауды да, вактими машгүліттегі сарфларды. Натижә қандай бұлды дейсизми? У барча фанларни энг яхши үзлаштирадын талабага айланды ва Нью-Йорк шаҳри коллежининг билимдон талабаси деган фахрлы номга эта бұлды.

Ҳуқуқшунослик амалиёти билан шугулана бошлаганидан кейин ҳам у ўша-ўша уйқусизликтен азият чекарди. Аммо Унтермейер бундан заррача ташвишланмасди. “Менга табиаттинг ўзи ғамхұрлық қиласы”, – дер зеңде у. Дардақиқат, шундай бұлды ҳам. Гарчанд кам ухласа-да, соғлиғига путур етмади. Нью-Йорк шаҳри адвокатурасыда ҳар қандай бошловщи ҳуқуқшунос каби гайрат билап ишлаш қобилятини сақлаб қолди.

У ҳамкасларидан күра күпроқ ишлар, чунки улар ширин уйқуни ураёттапларыда тер түкиб меңнат қиларди!

Йигирма етти ёшида Сэм ҳар йили етмиш беш минг доллар ишлаб топарди. Унинг услубини үрганини учун эиди бошқа тажрибасиз адвокаттар у иштирок этадын суд мажлисларига келишпарди. 1931 йилда, ҳойнақой, энг юқори иш ҳақи(юриспруденция

тариҳида ҳали бунақаси бўлмаган) бир миллион доллар қафтига нақд келиб тушарди. Пулнинг тагида қолиб кетди, дегани шу бўлса керак.

Аммо у ҳамон уйқусизликдан азоб чекарди. Одатдагидек, туннинг ярмини мутолаага багишлар, кейин эса соат бешда ўрнидан туриб, хатларни айтиб ёздиришга тутинарди. Кўпчилик одамлар ўз меҳнат кунини бошлий деб турганида, у қундалик ишининг деярли ярмисини дўндириб қўйган бўларди. Гарчи умрида бир кун ҳам одамлардай ухламаган бўлса-да, саксон бир йил умр кўрди. Борди-ю, уйқусизлиги туфайли ташвишланиб ва иолиб юрганида, ким билсин, аллақачон ҳаётига нуқта қўйган бўлармиди.

Умримизнинг учдан бир қисми уйқуда ўтади. Аммо уйқу нима экани ҳақида кўпчилик тирноқча тасаввурга эга эмас. Унинг вужудимиз сарф этган қувватнинг ўринини тўлдириш учун фойдаланиладиган одат, ҳордиқ эканини биламиз, бироқ уйқу учун ҳар бир одамга қанча вақт талаб этилишини билмаймиз. Умуман, ухлашимиз керакми, йўқми эканини ҳам билмаймиз.

Сиз буни хаёлпастлик деб уйлайяпсизми?

Биринчи жаҳон уруши вақтида Пауль Керн деган бир венгер аскари бошидан оғир яраланди. Ўқ миясицинг олд томонига келиб текканди. У соғайиб кетди, аммо қизиги шундаки, ухлолмасди. Шифокорларнинг қилмаган амали қолмади, то гипнозчача бордилар, аммо Керн мижжа қоқмасди. Шифокорлар уни кўп яшамайди деб хуроса чиқаришди. Лекин Керн уларга боплаб панд берди. У ўзига муносиб иш топди ва узоқ йиллар соғу саломат ҳаёт гаштини сурди.

У тўшакда ётиб кўзини юмар ва дам оларди. Бироқ уйқудан дом-дарак йўқ. Унинг касали — тиббиёт жумбори бўлиб, уйқу табиати тўғрисидаги кўплаб тасаввурларимизни ағдар-тўнтар қилиб ташлади.

Үйқусизликдан ташвишланиш унинг үзидан кўра кўпроқ зарар келтиради. Тингловчилардан Айра Сандер сурункали үйқусизлик туфайли ўз жонига қасд қилмоқчи бўлган.

“Жинни бўлиб қоламан деб ўйлардим, – деди у менга. – Муаммо шунда эдики, илгари мен тош қотиб ухлардим. Ҳатто соат жиринглашига ҳам уйғонмай, кўпинча ишга кеч борар эдим. Бошлигим ҳар гал огоҳлантириш берар ва мен ишимдан ажраб қолишдан қўрқардим.

Бари бир шу соат қурмагур бошимга битган бало бўлди. Унинг тинимсиз “чиқ-чиқ”и сира уйқу бермас, у ёнбошимдан бу ёнбошимга ағдарилар эдим. Эрталаб касалга үхшаб туардим. Саккиз ҳафта азоб чекдим. Ақдан озиш даражасига етгач, баъзан тунлари уйда кезинар эканман, деразадан ўзимни ташлаб ўлдириб қўя қолсан, деб ўйлардим.

Охири мен тапиш шифокор ҳузурига бордим. У: “Айра, сенга ёрдам беролмайман. Ҳеч ким сенга ёрдам беролмайди, чунки ўзинг ўзингни шу ҳолга солгансан. Уйга бор-да, кечаси ётиб ухла, агар уйқунг келмаса, бу ҳақда уйлашни унут! Тупурдим бу уйқусизликка, эрталабгача ухламай ётавераман, дегин-да, ётавер. Кўзингни юмиб, тинч ётибман, қийналмаяман, шунинг учун бари бир дам олайпман, деб айт”, деганди.

Мен у айтгаңдай қилдим ва икки ҳафтадан кейин ухлайдиган бўлдим. Бир ойдан кейин саккиз соатдан ухлай бошладим ва кўнглим жойига тушди.

Айрани аслида үйқусизлик эмас, ташвиш жонидан тўйдириб юборган.

Хавфсизликни ҳис этиш — яхши үйқунинг бош шарти.

Ибодатта ўрганганд одал учун дуо ўқиш ақлни пешловчи ва асабларни тинчлантирувчи эиг муносиб ва табиий воситадир.

Үйқусизлик туфайли одам ўз жонига қасд қилған воқеа сира бұлмаган, ҳеч ким ва ҳеч қачон бундай қилмайди ҳам. Ҳар қанча тиришиб-тирмашмасин, табиатнинг ўзи одамни ухлашга мажбур этади. У ухламаслиқдан күра күпроқ бизга емаслик ва ичмаслигимиз учун имкон туғдиради.

Үйқусизлик балосидан жоним тинч бұлсин десант гиз, қуийдаги қоидаларга амал қилинг:

1. Агар үйқунгиз келмаса, Сәмюэль Унтермейердай иш тутинг: үйқу келишига мунтазир бұлмай, ишланг!

2. Үйқусизлик ҳали ҳеч кимнинг жонини олган эмас. Үйқусизлиқдан күра уни ўйлаб ташвишланиш күпроқ заарали!

3. Үйқусизлиқдан азият чексангиз, күпроқ дуо үқинг.

4. Баданингизни зўриқицдан асранг. Шунга оид китобларни мутолаа қилинг!

5. Жисмоний тарбия билан шугулланинг! Үйқу келгунта қадар севган ишингиз билан машгул бўлинг!

Бириңчи қисм**ТАШВИШ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ
БИЛИШ КЕРАК?****Бириңчи боб**

Сәхрли йигирма иккита сүз! 3

Иккинчі бобТашвиш билан бөглиқ муаммоларни ҳал этувчи
сәхрли қоңда 13**Үчинчі боб**

Ташвишнинг сизга таъсири 19

Иккинчі қисм**ТАШВИШНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ
АСОСИЙ УСУЛЛАРИ****Турттыңчи боб**

Ташвишни таҳлил қилиш ва ҳал этиш 29

Бешинчі бобИшда юзага келган ташвишнинг ярмидан
кутулиш сири 37**Үчинчі қисм****СИЗНИ ЕҢГМАСДАН ОЛДИН ТАШВИШНИ
ЕҢГИНГ!****Олтинчі боб**

Ташвиш хаббани миядан ҳайдаш 43

Еттинчі боб

Күркәншың құншолоқ күринади 48

Сакқизинчі боб

Ташвишиләр күшини қирқувчи қонун 53

Түққизинчі боб

Тақдирға тик боқинг! 58

Үнинчи боб	67
Ташвиш учун "зарарни чеклаш" тартиби ўрнатинг!	67
Ўн биринчи боб	
Қипиқни арралашга уринманг!	75

Туртинчи қисм

ЕТТИ ХИЛ ЯХШИ МУОМАЛА — ОМОНЛИК ВА ЭСОНЛИК ХАЗИНАСИ

Ўн иккинчи боб	80
Ҳаётингизни ўзгартира оладиган саккиз сўз	80
Ўн учинчи боб	88
Ҳисоблашиш жуда қимматга тушади	88
Ўн тўртинчи боб	93
...Агар шундай йўл тутсангиз, оқибатсизлик туфайли ҳеч қачон озор чекмайсиз	93
Ўн бешинчи боб	99
Бисотингизда бори учун ўн беш миллион доллар олармидингиз?	99
Ўн олтинчи боб	103
Ўзингизни топинг ва ўзингиздан қолманг: ер юзида тенгсиз одамга айланасиз	103
Ўн еттинчи боб	108
Лимонингиз бўлса, ундан лимонад тайёрлаинг	108
Ўн саккизинчи боб	114
Икки ҳафта ичида хафақондан халос бўлиш	114

Бешинчи қисм

ТАНҚИДДАН ТАШВИШ ТОРТМАНГ

Ўн тўққизинчи боб	122
Ўлган итни ҳеч ким тепмайди	122
Йигирмаинчи боб	124
...Шундай қилсангиз, танқид сизга зарар стказмайди	124
Йигирма биринчи боб	127
Мендан ўтган аҳмоқликлар	127

Олтинчи қисм

ТОЛИҚИШ ВА БЕЗОВТАЛИКДАН ХАЛОС БҮЛИШНИНГ ОЛТИТА СИРИ

Йигирма иккинчи боб

- Фаол ҳәётингизни бир соатта ўзгартыринг! 133

Йигирма учинчи боб

- Асабий тангликийн йүүкотинг! 136

Йигирма тұрттыңчи боб

- Уй бекасининг чарчокдан кутулиб, ёш кўриниши 140

Йигирма бешинчи боб

- Тұрт фойдалы мекнэт малакаси 144

Игигида олтиңчи боб

- ## Чарчок, ташвиш ва ҳафагарчилик түгайрадиган

зерикитидан халос бўл

- ### Йигирма еттинчи боб

1995年1月1日 中国科学院植物研究所植物学国家重点实验室

在新民主主义时期，中国共产党领导的人民民主政权对民族资产阶级实行既联合又斗争的政策。

19. *Leucosia* *leucostoma* *leucostoma* *leucostoma* *leucostoma*

УУК: 159.9

КБК 88.53

К24

Карнеги, Дейл

К24 Беташвиш яшаш сири / Д. Карнеги; таржимон

А. Файзулла. – Т.: «DAVR PRESS» НМУ, 2016. – 160 6.

ISBN 978-9943-4312-4-9

УУК: 159.9

КБК 88.53

Оммабол-психологик нашр

ДЕЙЛ КАРНЕГИ

БЕТАШВИШ ЯШАШ СИРИ

(Қайта нашр)

Бош муҳаррир Асрор Мумин

Масъул муҳаррир Хосият Ражабова

Саҳифаловчи-дизайнер Жаҳонгир Абдуялилов

Нашриёт лицензия рақами AI-№ 213

2014 йил 30 майда босишга руҳсат этилди.

Бичими 84x108/32. «Baltica APP» гарнитураси.

Шартлан босма табоги 8,40.

Нашриёт ҳисоб табоги 6,28. Адади 1000 нусха.

900-сонли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Оригинал макет "DAVR PRESS" нашриёт-матбаа
уйида тайёрланди.

"DAVR PRESS" НМУ МЧЖнинг матбаа бўлимида
офсет усулида чоп этилди.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100156,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20-А даҳа, 42-уй,

Тел: + (99871) 120-1299;


Маркетинг бўлими: + (99871) 120-1233; 120-1202.

Web: www.davrpress.uz

E-mail: davr-press@mail.ru

7800-00

88,53
К246



- ТАШВИШ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ
БИЛИШ КЕРАК?
- ТАШВИШНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ
АСОСИЙ УСУЛЛАРИ
- СИЗНИ ЕҢГМАСДАН ОЛДИН
ТАШВИШНИ ЕҢГИНГ!
- ЕТТИ ХИЛ ЯХШИ МУОМАЛА —
ОМОНЛИК ВА ЭСОНЛИК ХАЗИНАСИ
- ТАНҚИДДАН ТАШВИШ ТОРТМАНГ!
- ТОЛИҚИШ ВА БЕЗОВТАЛИКДАН
ХАЛОС БЎЛИШНИНГ ОЛТИТА СИРИ



ISBN 978-9943-4312-4-9

A standard linear barcode representing the ISBN 978-9943-4312-4-9.

9 789943 431249